

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 373:37.011.31:371.693,2(575,1)

ҚУРБОНОВ НУРИДДИН ЯХЁҚУЛОВИЧ

**МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИЖОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: п.ф.д.профессор Ш.А.Абдуллаева

Жиззах – 2022 й

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ ИЖОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСПЕКТЛАРИ	12
1.1-§. Мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш муаммоси педагогик тадқиқотнинг предмети сифатида.....	12
1.2-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг мазмуни, тузилмаси ва ўзига хослигини белгилаб берувчи тушунчалар тизими.....	26
1.3-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик диагностикаси.....	38
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	46
II БОБ. МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ ИЖОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ ДИНАМИКАСИ МОДЕЛЛАРИ, МЕЗОНЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	51
2.1-§. Ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик моделлари ва ташкилий-педагогик шароитлари.....	51
2.2-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантириш даражасининг мезонлари ва кўрсаткичлари.....	61
2.3-§. Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш технологиялари.....	70
2.4-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик модели.....	81
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	88
III БОБ. МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИЖОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБАВИЙ-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ИШ	95
3.1-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини	

	ривожлантириш алгоритми.....	95
3.2-§.	Мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш бўйича тажрибавий-экспериментал иш натижалари ва самарадорлигининг таҳлили.....	101
3.3-§.	Тажриба-тадқиқот иши натижаларининг корреляцион таҳлили.....	126
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	136
	ХУЛОСА.....	142
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	150
	Иловалар.....	166

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув шароитида педагог кадрларнинг ижодкорлик ва касбий-креативлик сифатларини ривожлантиришга қўйиладиган талабларнинг ортиб бориши таълим сифатини оширишда инновацион фаолиятни кенг қўламда ташкил этишга эътиборни кучайтирди. Австралиянинг педагогик илмий изланишлар Консорциуми (AGER), АҚШнинг педагогик тадқиқотлар тестларини ўтказиш хизмати (ETS) ва Япониянинг таълим соҳасидаги Миллий тадқиқотлар институти (NER) каби етакчи илмий марказлари томонидан педагог кадрларнинг касбий компетентлигини баҳолаш, инновацион технологияларга асосланган замонавий усулларни жорий қилиш, педагогик жараёнларда ахборот хизмати тизимини коучинг ва менежерлик тамойилларига мувофиқ такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган тизимли ишлардан фойдаланиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Дунёда узлуксиз таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш ва креативликнинг баҳолаш мезонларини такомиллаштириш ҳамда унинг назарий-методик таъминотини яратишга қаратилган кенг қўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ўқувчи шахсининг ҳар томонлама камол топиши, уларнинг интеллектуал, жисмоний, эстетик, ахлоқий жиҳатдан вояга етиши учун замин тайёрлашга бўлган эҳтиёжлар педагог кадрларга инновацион билимлар бериш, касбий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш орқали ривожлантириб бориш устивор вазифа сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс талаблари асосида педагог ва психолог олимлар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг негизида таълим тизимини прогрессив ислоҳ қилиш, таълим олувчиларнинг иқтидори, когнитив билим соҳаси, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, қизиқишлари ҳамда эҳтиёжлари асосида сифатли билим бериш ва уларнинг

креативлигини шакллантиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишларнинг ҳаётга татбиқ этилиши узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, юксак малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ қилишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида «мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш¹» устивор вазифа сифатида белгиланганлиги фан ва таълим, ёшлар сиёсатини такомиллаштириш каби соҳаларини ривожлантиришда мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш, унинг компонентларини такомиллаштириш, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган ёшларни тарбиялаш ва ёш авлодни ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳаётга татбиқ этишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” [7], 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” [3], 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги [4] Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” [8], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълими стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари [5] ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълимда педагогнинг ўрни, касбий компетентлигини ошириш, тарбиявий тадбирларни ўтказиш тизими, педагогик жараён иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш бўйича илмий изланишлар Ш.А.Абдуллаева [47], Н.Н.Азизходжаева [48], Ю.М.Асадов [49], И.О.Гилева [22], Н.А.Муслимов [32], Н.Н. Каримова [23], О.А.Қўйсинов [26], И.В.Морхова [98], Ж.Р.Турматов [116], К.Т.Уматалиева [121], Р.Х.Файзуллаев [122], А.Р.Ходжабаевлар [42] томонидан ўтказилган.

Олиб борилаётган ислохотларнинг умумий жараёни билан ўзаро алоқадорлигини белгилайдиган омилларни аниқлаш МДХ олимлари В.В.Казанцева [79], Ю.А.Лобейко [91], Т.А.Марфутенко [94], Т.В.Мещерякова [96], В.Г.Рындак [110], А.В.Тутолмин [117], А.Г.Шумовскаялар [126] томонидан тадқиқ этилган.

Шахс компетентлигининг турли жиҳатлари когнитив ва аффектив фаолияти, касбий компетентликнинг кўрсаткичлари, ўқитувчида ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатларини хориж олимларидан Э.С.Шорт [129], Ж.Равен [111], О.Ф.Волубаева [128] ва С.П.Яланскалар [130] ўрганишган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-

тадқиқот институти иш режасининг ИТД-1: “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик-узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” (2016-2019 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик моделлари, ташкилий-педагогик шароитлари ҳамда технологияларни таҳлил қилиш орқали креатив компетентликни баҳолашнинг асосий мезонларини аниқлаштириш;

мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш даражасини аниқлаш ва баҳолаш диагностикасини такомиллаштириш;

ўқитувчиларнинг ижодий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган педагогик модель, диагностик методикалар ва тренинг технологияларни тадқиқ этиш натижасида илмий асосланган ташкилий-педагогик шароитларни ишлаб чиқиш;

мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятлари умумий ўрта таълим мактаб тингловчи-ўқитувчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг мазмуни, компонентли тузилмаси, функциялари, ташкилий-педагогик шароитлари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суҳбат, сўровнома, назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (эксперт баҳолаш, умумлаштириш), ва математик статистик таҳлил (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни мониторинг қилиш) ҳамда педагогик тажриба-синов методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактаб ўқитувчисининг касбий-ижодий компетентлигини ривожлантирувчи ташкилий-педагогик шароитлар ва технологияларни таълим жараёнига киритиш ҳамда креатив компетентликнинг мотивацияли, гнесологик, технологик ва эмпатия сингари мезонларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

мактаб ўқитувчисини баҳолаш диагностикаси мазмунига креатив, когнитив, прагматик, рефлексив ривожлантириш каби компонентларни киритиш орқали ижодий компетентлик квалиметрияси такомиллаштирилган;

малака ошираётган ўқитувчиларнинг фаолиятида ижодий компетентликни ривожлантиришга қаратилган компонентли моделга мақсадли, диагностик, мотивацион-фаолиятли сингари таркибий тузилмаларни ҳамда эмпатияга мойил, юксак ахлоқли ва ижодкорлик компетенцияларини баҳолаш мезонларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган уч босқичли инновацион технологияларни қўллаш юзасидан ўқитувчининг коммуникатив-ижодий компетентлиги ва креатив қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижодий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик модели ташкилий-педагогик шарт-шароитлари, диагностик методикалари ҳамда тренинг технологиялари дастурлари ишлаб чиқилган;

“компетенция”, “компетентлик”, “касбий компетентлик”, “ижодий компетентлик” каби тушунчалар муаллифлик нуқтаи назаридан педагогик жиҳатдан такомиллаштирилган;

ижодий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари (индивидуаллик, дифференциаллик) асосида “Ўқитувчининг иждодий компетентлигини ривожлантириш модели” ишлаб чиқилган;

Ўқитувчининг иждодий компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган “Касбий эслатма” ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот ишида қўлланилган назарий маълумотлар, методлар ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асослангани, хулоса, тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқитувчи иждодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик моделлари, мезонлари ва кўрсаткичлари ёритилганлиги, мактаб ўқитувчисининг иждодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик диагностикаси ва модели илмий асосланганлиги ва ишда илгари сурилган ғоялар, ўқитиш усуллари ҳамда воситаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактаб ўқитувчисининг иждодий компетентлигини ривожлантириш методикасининг яратилганлиги, самарадор усуллар махсус танлаб олинганлиги, таълим муассасаларида дарслик, ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, замонавий ўқув-методик таъминотни кучайтириш ва таълим сифатини оширишга хизмат қилиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактаб ўқитувчиларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш асосида:

ижодий компетентликнинг креатив, когнитив, прагматик, рефлексив ривожлантириш мезонларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлардан ПЗ-2014-0910185149-рақамли “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда йўналтирилган таълим технологиялари” амалий лойиҳанинг мақсадли вазифаларини бажаришда фойдаланилган ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида таълим жараёнига татбиқ этилган (Халқ таълими Вазирлиги ҳузуридаги республика таълим марказининг 2021 йил 23июндаги 01/11–03/03-863–сон маълумотномаси). Натижада, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида ўқитувчиларнинг ижодий компетентлиги диагностикаси хизмат сервиси такомиллаштирилган;

мактаб ўқитувчисини баҳолаш диагностикаси бўйича ишлаб чиқилган квалиметрияга оид тавсиялардан ПЗ-2014-0910185149-рақамли “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда йўналтирилган таълим технологиялари” амалий лойиҳанинг мақсадли вазифаларини бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими Вазирлиги ҳузуридаги республика таълим марказининг 2021 йил 23июндаги 01/11–03/03-863–сон маълумотномаси). Натижада, мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш ва улар асосида ижодий компетентликни таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятлари кенгайган;

такомиллаштирилган диагностика методикалари, тренинг технологияларини амалиётда қўллаш юзасидан таклиф этилган тавсиялардан 2015-2017 йилларда бажарилган ПЗ-2014-0910185149-рақамли “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда йўналтирилган таълим технологиялари” амалий лойиҳанинг мақсадли вазифаларини бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими Вазирлиги

хузуридаги республика таълим марказининг 2021 йил 23июндаги 01/11–03/03-863–сон маълумотномаси). Натижада, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида малака ошираётган ўқитувчиларнинг ўзаро таъсири ва фаолияти воситасида ижодий компетентликни ривожлантиришга хизмат қиладиган 5 блокли ва 12 та тузилмавий компонентли модель такомиллаштирилган;

ўқитувчилар ижодий компетентлигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан 2015-2017 йилларда бажарилган ПЗ-2014-0910185149-рақамли “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда йўналтирилган таълим технологиялари” мавзусидаги амалий грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими Вазирлиги хузуридаги республика таълим марказининг 2021 йил 23июндаги 01/11–03/03-863–сон маълумотномаси). Натижада, мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш даражаларини таҳлил қилиш ва баҳолашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 6 та республика, 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 2 таси хорижий, 4 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, 10 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 149 бетни ташкил қилади.

I БОБ. МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ ИЖОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСПЕКТЛАРИ

1.1-§. Мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш муаммоси педагогик тадқиқотнинг предмети сифатида

XXI асрда замонавий ва истикболли меҳнат бозори талабларининг диверсификациялашуви, ўқитишнинг янги стратегияларига мослаштирилган, доимий такомиллашиб бораётган инфраструктурасида касбий фаолиятга алоқадор параметрларини эгаллаш, унинг натижавийлигига алоқадор моделларни мамлакатимизда Учинчи Ренессанс ғоялари билан уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда замонавий технологиялар асосида таълим жараёни субъектлари фаолиятини инновацион ташкил этишни мувофиқлаштириш, ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказиш, компетенциявий ёндашувлар замирида педагогик технологияларни такомиллаштириш вазифалари етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда АҚШ, Англия, Россия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг бошқарувчанлик компетентлигини ошириш орқали юқори салоҳиятли, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга оид тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Дунё миқёсида олий таълим муассасалари таҳсил олувчиларининг билим, кўникма, малакаларини эгаллашларини такомиллаштириш, интеллектуал ва деонтологик камолотини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, уни педагогизациялаш, ўқув предметларига соғломлаштирувчи технологияларни жорий этиш, узвийлиги ва узлуксизлиги, ривожлантирувчи ва ижтимоийлаштирувчи мақсадларини таъминлаш, мутахассисларнинг, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг креативлиги, ижодкорлигини ошириш вазифалари қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси [1], “Таълим тўғрисида”ги Қонуни [2], педагогикага алоқадор классик қарашлар мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш муаммоси ва унинг ечими учун концептуал асослари бўлиб ҳисобланади. Мазкур асослар

таълим-тарбия (педагогик жараёнлар) тизимида кенг ислоҳотлар ўтказишга замин яратмоқда.

Концептуал асосларга мувофиқ таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркиби, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш, бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера оладиган қилиб бошқаришга йўл очилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон [9], 2018 йилнинг 7 майдаги “Иқтисодиёт ва соҳа йўналишларига инновацияларни татбиқ қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3569-сон [6] қарорларининг ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан педагогик жараёнларни оқилона бошқаришга хизмат қилади.

Юқорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида республика таълим муассасалари учун педагогик жараёнларни ташкил қилишда мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш масалаларини ўрганиш алоҳида долзарблик касб этади.

Ҳар бир жамият ўзига зарур шахсни тарбиялайди. Унга ўз тараққиёти даражаси ва тенденцияларидан келиб чиқиб, ахлоқий, эътиқоли, касбий-профессионал, ҳуқуқий ва бошқа қатор талаблар қўяди. Жамият тараққиётининг пировард мақсади ҳам инсон, унинг фаровон, эркин ва хавфсиз турмуш кечиришидир.

Бинобарин, мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантиришда Учинчи Ренессанс ғоясини ўқитиш ва кенг жамоатчилик онгига етказиш муҳим ҳисобланади. Таълим, маданият, илм-фан соҳаларидаги интеграция замонавий ўқитувчининг касбий компетентлигига ҳам таъсир ўтказмоқда.

Ҳар қандай буюк режалар, буюк ғоялар инсон эҳтиёжлари, турмуши яхшиланиши, эркинлиги ортиши ва маънавий камолоти билан бевосита

боғлансагина, ҳаётийлик ва реаллик касб этади. Шундай экан, Учинчи Ренессанс тўртинчи саноат инқилоби билан мувозий, бир вақтда кечаётган бир пайтда таълим-тарбия жараёнини технологик инқилоб, юқори ривожланган рақамли смарт технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, смарт таълим-тарбия жараёнига ўтиш учун педагог фаолиятини босқичма-босқич модернизация қилиш, креатив ғоялар билан мазмунан янгилаш, мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш талаб этилади. Мазкур жараён Ўзбекистонда қандай босқичларда амалга оширилиши, унинг моддий-молиявий, инсоний, илмий ва илмий-технологик таъминоти бўйича истиқболли аниқ комплекс дастурлар янги Ренессанс ғояси билан мафкуравий жиҳатдан боғланиши шарт. Илмий, илмий-технологик таъминот тақозосидан келиб чиқиб, таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари узлуксиз ислоҳ этиб борилиши керак.

Диссертация ишининг мавзуси бўйича мавжуд ҳозирги замон илмий ва методик адабиётларнинг амалга оширилган назарий таҳлили шуни кўрсатадики, ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантириш муаммоси педагогик олий таълим муассасалари базасидаги талабалар гуруҳларида ўтказилган алоҳида тадқиқотларнинг предмети бўлди: бўлажак ўқитувчилар, педагоглар (А.В.Тутолмин [118], Т.А.Марфутенко [94], С.П.Яланська, Н.М.Атаманчук [46]), касбий таълимнинг бўлажак педагоглари (Н.А.Муслимов [32], О.А.Қўйсинов [26], Р.Х.Файзуллаев [122], Н.А.Пахтусова [104]); “табiiй-илмий мутахассисликлар” йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар (Л.В. Воронина [19], (В.В.Плещев, Ф.А.Рассамагина [35]), иқтисодий йўналишларнинг (В.В.Плещев, Ф.А.Рассамагина [108] ва “педагогик таълим” йўналиши бўйича таълим олаётган магистрантлар (А.Н.Кулибеков) [87]). Шунга ўхшаш тадқиқотлар касбий таълим бўйича олий таълим муассасаларидаги ва профессионал коллежлардаги касбий таълимнинг бўлажак педагогларида [104]; талабаларда –ўрта махсус таълимдаги бўлажак мутахассисларда [66], шунингдек,

жисмоний маданият ва спорт бўйича мутахассисларда [107]) касбий-ижодий компетентликни ривожлантириш мақсадида ўтказилди.

Бизнинг фикримизга кўра, ўқитувчининг иждодий, касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоси бир қатор муаллифларнинг илмий ишларида нисбатан батафсилроқ ўрганилган ва таҳлил қилинган (1.1-жадвал).

1.1 – жадвал.

Ўқитувчининг касбий ва иждодий компетентлигини ривожлантириш муаммосининг илмий манбаларда ёритилиши

Муаллифлар	Манба
Муслимов Н.А.	“Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси”
Қўйсинов О.А.	“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик иждодкорлигини компетентли ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари”
Файзуллаев Р.Х.	“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини модулли-рейтинг таълим асосида такомиллаштириш”
Тутолмин А.В.	“Бўлажак ўқитувчи иждодий компетентлигининг шаклланиши ва ривожланиши (тизимли ёндашув асосида)”, “Талаба-педагог касбий-ижодий компетентлигининг педагогик диагностикаси; муаллифлик технологияси” .
Казанцева В. В.	“Ўзига-ўзи таълим бериш фаолиятида бошланғич мактаб ўқитувчисининг иждодий компетентлигини шакллантириш”
Парменкулова Г.	“Педагог касбий-ижодий компетентлигини ривожлантириш”
Пахтусова Н.А.	“ОТМ шароитида касбий таълим бўлажак педагогларининг касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш”
Жуков В.Г.	“Коллежнинг ўқув-ишлаб чиқариш жараёнида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш”.

Жадвалда ифодаланганидек, педагог олимлар ОТМда бошланғич таълим педагоги касбий–ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий–методик шароитларини ўрганишга астойдил киришган. Масалан, А.В.Тутолминнинг “Бўлажак ўқитувчининг касбий-ижодий компетентлигини

ривожлантириш методикаси” [118; 93-97 б.], “Бўлажак ўқитувчи касбий-ижодий компетентлигини ривожлантириш асослари” каби асарларида ёки Т.А.Марфутенкнинг “Информатика бўйича эвристик масалаларнинг воситалари ёрдамида педагогик ОТМлар талабалари ижодий компетентлигини шакллантириш” [94], “Эвристик масалалардан фойдаланган ҳолда педагогик ОТМлар талабаларининг ижодий компетентлигини шакллантириш модели” [28]; В.В.Плещев, Ф.А.Рассамагиналарнинг “ОТМ талабалари касбий-ижодий компетентлигининг шаклланиши ва диагностикаси (табiiй ва иқтисодий йўналишлар бўйича)” [35]; Л.В.Воронинанинг “Табиий-илмий мутахассисликлар талабаларида касбий-ижодий компетентликни ривожлантириш” [19; 7-11 б.]; А.Н.Кулибеков “Тармоқли ўқув курсларидан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрантларнинг касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш” [87] каби илмий ишланмаларида мазкур масала у ёки бу даражада ёритилган. Тадқиқотимиз мавзусига тааллуқли бўлган мазкур ишларни ва бошқа илмий манбаларни ўрганиш натижалари (Мавзулар бўйича: ўқитувчининг, педагогнинг “педагогик ижоди”, “ижодий фаолияти”, “ижодий салоҳияти”, “касбий компетентлиги”, “ижодий компетенцияси”) қуйидагиларни хулоса қилишга асос бўлади:

- ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантириш муаммосига бағишланган қарийб барча тадқиқотлар педагогик ОТМларда таълим олаётган талабалар орасида ўтказилган, яъни бошланғич мактабнинг бўлажак ўқитувчиларида ва ўрта мактабнинг бўлажак фан ўқитувчиларида;

- ижодий компетентликни мактаб фан ўқитувчиларининг, шунингдек, малака ошириш курсларида таълим олаётган ва ўзига-ўзи таълим бериш билан шуғулланаётган ўқитувчилар [В.В.Казанцеванинг номзодлик диссертацияси бундан мустасно. Ўзига-ўзи таълим бериш фаолиятида бошланғич мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини шакллантириш [79]] компетенциясини ривожлантиришнинг муаммоли масалалари етарли

даражада ўрганилмаган, шунингдек, диссертация ишларта даражасида махсус педагогик тадқиқотларнинг предмети бўлмаган;

- педагогика назарияси ва амалиётида ўқитувчи ижодий компетентлигининг турли хил жиҳатлари (методологик, тузилмавий-функционал, диагностик, ташкилий-методик, технологик, жараёни ривожлантирувчи, ривожланишнинг амалиёти ва мониторинги) етарли даражада ўрганилмаган ва таҳлил қилинмаган;

- экспериментал педагогик тадқиқотларда ижодий компетентлик–ўқитувчи компетенцияси масалаларини ўрганишнинг предмети ҳисобланган қандайдир контекстда кўриб чиқилган, масалан, ижодий - педагогик фаолият, педагогик ижод, ижодий салоҳият, профессионализм, ўқитувчининг педагогик маҳорати;

- илмий диссертация ишларда ҳамда муаллифлик мақолалар, маърузалар, монографиялар ва бошқаларида ўқитувчининг педагогик ҳодиса ҳисобланган ижодий компетентлигининг моҳияти ҳақида, адекват ижодий-ривожлантирувчи таълим, ижтимоий-маданий фазо ҳақида, таълим муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтларида уларни яратиш услублари ҳақида, шунингдек, ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнини илмий–методик ва технологик жиҳатдан таъминлаш ҳақида яхлит билим шаклланмаган.

Адолатли таъкидланганидек педагогик ижоднинг методологик ва назарий фундаменти ҳозирги замон педагогика фанида мажмуа ҳолда ва етарли даражада кенг қамровда ишлаб чиқилган [98]. Шундай бўлса-да, бўлажак педагогнинг ижодий компетентлигига тааллуқли бўлган масалалар, айниқса, назария ва амалиётнинг ўзаро мослиги кесимида замонавий ўқитувчининг педагогик ижодини ривожлантириш амалга ошириладиган ижтимоий-маданий фазони яратиш методологияси ва методикасини ишлаб чиқиш масалалари кейинги тадқиқотларга муҳтож.

Шунингдек, биз томонимиздан ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, турли хил адабиёт манбаларида, илмий диссертациялар, илмий-амалий

конференциялар, семинарларнинг материалларида шаклланиш ва ривожланишнинг қуйидаги муаммолари бўйича ўтказилган педагогик тадқиқотлар натижалари келтирилган: ўқитувчининг касбий компетентлиги [50; 82; 101], ўқитувчининг, педагогнинг касбий компетенцияси [48; 31; 78; 109], ўқитувчининг ижодий педагогик фаолияти [106], ўқитувчининг, педагогнинг ижодий салоҳияти [96; 105; 93; 39], бўлажак ўқитувчининг касбий-ижодий тайёргарлиги [92; 60], педагогнинг ижодий ривожланиши ва ўзини-ўзи ривожлантириши [91], ўқитувчининг педагогик, касбий ижоди [86; 17].

Юқорида санаб ўтилган барча ишлар ва илмий публикациялар концепцияларни, моделларни ва технологияларни, хулосаларни ва тавсияларни ривожлантирадиган назарий қоидаларни ўзида мужассамлаштиради. Уларнинг барчаси шахсга йўналган, компетентли ва технологик ёндашувлар асосида мактаб ўқитувчиларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш бўйича тажрибавий–экспериментал ишни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун зарур назарий-ахборотли, методологик ва методик манба ҳисобланади [100; 117; 15; 56; 53; 10; 80; 90; 27].

Шу муносабат билан, биз ўйлаймизки, мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш муаммосини кейинчалик таҳлилий-аналитик, ташкилий–методик ва технологик жиҳатдан ишлаб чиқиш олим-педагогларнинг илгариги ишлари натижалари билан мустаҳкам алоқада амалга оширилиши зарур. Мазкур ишларда ижодий компетентлик-компетенция, касбий-ижодий компетентлик қуйидагича кўрилади ва аниқлаштирилади:

- анъанавий ва ноанъанавий педагогик вазиятларда ўқитувчи фаолиятининг муваффақиятини таъминлайдиган унинг интегратив касбий-шахсий характеристикаси; ижодий компетентликнинг тузилмасига қуйидагилар қиради: умумий маданий эрудиция, педагогик тафаккур, махсус касбий қобилият ва кўникмалар, ижодий тайёргарлик. Улар ижодий аҳамиятга эга бўлган шахс сифатлари комплексини ташкил этади [117; 43-б];

- педагогнинг касбий ижодий фаолиятини амалга оширишга нисбатан тайёргарлигини таъминлаб берувчи махсус билимлар, кўникмалар, мотивлар ва касбий муҳим сифатлар тўплами тизимига кирадиган шахснинг интегратив хусусияти касбий-педагогик компетентликнинг элементи, унинг тизим ости ҳолати ҳисобланади; педагог касбий-ижодий компетентлигининг компонентлари-когнитив, фаолиятга тааллуқли, мотивация, шахс компонентларидир [104; 25-б];

- бўлажак педагогнинг интегратив касбий-шахсий тавсифи бўлиб, у ўзида ўқитувчининг куйидаги сифат тавсифларини мужассамлаштиради: инновационлилик, мобиллик, креативлик; ижодкор ўқитувчи шахсий ва ижтимоий мобилликка, билиш мобиллигига, инновацияларга ва ноанъанавий тафаккурга нисбатан қобилиятга, инновацион таълимни амалга ошириш қобилиятига эга бўлади; нисбатан самаралироқ технологияларни танлай билади; ўқувчиларнинг ижодий тараққиётини малакали ҳолда қўллаб-қувватлайди [98];

- таълим ва амалиёт жараёнида ўзлаштирилган билим ва тажрибага асосланган ижодий фаолиятга қобилият ҳамда тайёргарликни акс эттирадиган ОТМ талабаси шахсининг сифати ижодий даражада касбий фаолиятни бажаришга тайёргарлик, нафақат анъанавий, балки ноанъанавий вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти ҳамда шахсий, касбий ўзини ўзи ривожлантириш қобилияти сифатида касбий-ижодий фаолиятда мустақил, муваффақиятли иштирокига йўналтирилган ҳолда таълим олаётган ижодий компетенциянинг тузилмавий компонентларидан ташкил топади [108];

- касбий компетентлик ривожланишининг юқори даражаси, бунда ўқитувчи барқарор даражада ва узлуксиз ҳолда ижодий асосда касбий фаолиятни амалга оширади; бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантириш касбий компетентликнинг тузилмавий компонентларига асосланади: шахсга тааллуқли ривожлантириш, фаолиятга тааллуқли ривожлантириш, коммуникатив ривожлантириш, касбий ривожлантириш, тажрибани эгаллаш; ижодий компетентликка эришиш кўрсаткичларига

қуйидагилар киради: кадрийатли-педагогик, мотивация, психологик-педагогик, ташкилий, методик, дидактик, ахборотли компетенциялар, вербал-коммуникация, новербал коммуникация, тушунчали ва ижодий тафаккур [46; 67-72 б];

- ўзгартирувчи ва бошқарувчи ўқув ҳаракатларини ўзида мужассамлаштирган касбий-ижодий вазифа ва лойиҳаларни бажаришда билимлар, кўникмалар ва амалий тажрибалар асосида муваффақиятли ҳаракат қилиш қобилияти [66; 189-б].

Шундай қилиб, юқоридаги таърифлар муаллифларнинг мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг, касбий таълим педагогининг касбий-ижодий компетентлигининг моҳияти, уни ташкил этувчи компонентлари тўғрисидаги турли хил ёндашув ва фикрларини ўзида мужассамлаштиради.

Бизнинг фикримизча, ижодий, касбий-ижодий компетентлик аспекти ва компонентларининг турли-туманлигини билиш, ҳисобга олиш мактаб ўқитувчиси ижодий компонентлигининг мазмуни, тузилмаси, ўзига хослигини белгилаб берувчи тушунчаларнинг адекват тизимини технологик ёндашув асосида мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқишда муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга.

Кейинги таҳлиллар кўрсатдики, ижодий компетентлик муаммолари бўйича ўтказилган педагогик тадқиқотларда ва бошқа ишларда уларнинг муаллифлари томонидан ўрганишнинг аниқ предмети бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

педагогик таълим тизимида бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлиги шаклланиши ҳамда ривожланишининг назарий-методологик асослари ва педагогик шароитлари [117];

ўзига-ўзи таълим бериш фаолиятида бошланғич мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг педагогик моҳияти, мазмуни ва тузилиши [79];

махсус психологик-педагогик воситаларни таъминлаб берувчи, бўлажак ўқитувчилар ижодий компетентлигига ва ижодий компетентлигининг ривожланишига компетенцияларнинг (қадриятли-педагогик, психологик-педагогик, ташкилий, мотивацияли, вербал-коммуникатив, методик, дидактик, информацияли, ўзини-ўзи такомиллаштириш) интеграциясига ёрдам берадиган дастур ва ўқув-тарбиявий муҳит [46];

педагогик ОТМлар талабалари касбий компетентлигининг тузилмавий компоненти сифатида ижодий компетентлик ва бўлажак педагогларнинг ижодий компетентлигини касбий таълим жараёнида информатика бўйича эвристик масалалар воситасида шакллантириш [94; 22-б];

бўлажак магистрлар касбий-ижодий компетентлигини (“Физикавий-математик таълимда инфорацион технологиялар”) тармоқ технологияларидан фойдаланган ҳолда шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шартлари [87];

узлуксиз педагогик таълим тизимида педагогнинг касбий-шахсий шаклланиши ва ривожланиши матнида унинг ижодий потенциалининг шаклланиши ҳамда ривожланиши [93];

бўлажак ўқитувчи касбий-ижодий тайёргарлигини ташкил этишнинг шакли сифатида педагогик устахонадан фойдаланишнинг мазмуни, методлари, воситалари, шартлари ва натижалари [92];

малака ошириш курсларида ўқитувчи ижодий салоҳиятини очиш воситаси сифатида педагогик устахона [60; 147-148 б].

Мазкур ишлар ва бошқа ишларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бўлажак ўқитувчи, педагогнинг ижодий компетентлигини–компетенциясини, касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида уларнинг муаллифлари томонидан шахсий ишланмаларида юқорида айтилганлардан фойдаланиш ОТМ ва касб-ҳунар коллежлари талабаларининг экспериментал гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан кўпроқ ижобий натижалар берди.

Илгари ўтказилган педагогик тадқиқотларнинг ижобий натижаларини кўрсатадиган мисоллардан келтирамиз.

Масалан, А.В.Тутолминнинг фикрига кўра, экспериментал ва назорат гуруҳлари синалувчиларида ижодий компетентликнинг шаклланганлик даражаси таҳлили қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш имкониятини берди: талаба-педагог касбий–ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг нисбатан юқори, нисбатан ўрта ва нисбатан паст даражалари [118; 93-97 б].

Мазкур мезонлар ва кўрсаткичларга мос ҳолда (креатив эрудиция: назарий, педагогик, ташкилий, методик, технологик билимлар; ижодий маҳорат: тадқиқий, коммуникатив, ташкилий, эврологик, технологик кўникмалар; ижодий тайёргарлик: эмпатияга киришувчанлик, рефлексивлик, фаҳмлилик, креативлик, коммуникативлик, ижодга йўналганлик, импровизацияга қобилият) талаба–педагог касбий-ижодий компетентлигини ривожлантириш учта даражасининг ҳар бирига характеристика ишлаб чиқилган. Муаллиф таъкидлаганидек, педагогик шароитлар тизимидан фойдаланиш самарадорлиги текшириладиган ва таълимнинг илмий курсига касбий тайёрликнинг тизимига ўтишга ёрдам берадиган педагогик ОТМлар талабаларининг тажрибавий-экспериментал гуруҳларида асосан экспериментал гуруҳда касбий-ижодий компетентликнинг максимал даражасига (касбий ижодий саводлилик + ижодий педагогик фаолиятга нисбатан қобилият ва кўникма + педагогик меҳнатга ижодий тайёргарлик) эришилди. Беш йил давомида тажрибавий (ОТМ) гуруҳларида талаба-педагогларнинг миқдори, уларнинг касбий-ижодий компетентлигини ривожлантириш даражаси 27% дан 37% етди. Касбий-ижодий тайёргарликнинг модели амалга ошмаган назорат гуруҳида касбий тайёргарлик сифатининг натижалари бор-йўғи 7% ни ташкил этди. Талабаларнинг экспериментал гуруҳларида ижодий компетентликнинг даражасини ривожлантириш натижаларининг таҳлили ва уларнинг талабаларнинг назорат гуруҳларида компетентликнинг ривожланиши даражаси билан қиёслаш шу нарсани таъкидлаш имкониятини берадики,

касбий–ижодий компетентликни ривожлантиришнинг позитив динамикасини таъминлайдиган ташкилий-педагогик шароитлар сақланган ҳолда экспериментал методикадан фойдаланиш мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш даражасининг ортишига позитив таъсир қилди [117; 16].

Н.А.Пахтусова экспериментал ишнинг шакллантирувчи босқичида ОТМ шароитларида касбий таълимнинг бўлажак педагогларнинг касбий ижодий компетенциясини шакллантириш модели апробациядан ўтказилди. Мазкур моделнинг реализацияси учта босқич давомида (мотивацияли, ривожлантирувчи ва ўзгартирувчи) амалга оширилди. Бу учта босқич бир-биридан мақсадлари, мазмуни, методлари ва шакллари бўйича касб таълим бўлажак педагогларининг ижодий потенциалини релаксация асосида ўзини ўзи диагностика қилиш жараёнига уларни боғлаш орқали очишга ёрдам бериш шароитида фарқ қилади; ўқув жараёнида касбий йўналганликнинг турли хил даражадаги ижодий вазифалари комплексини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш. Мазкур муаллифлик моделини ҳаётга татбиқ этиш натижасида бутун ишнинг самарадорлигини аниқлаш ва касбий таълимнинг бўлажак педагоглари касбий-ижодий компетенциясининг шаклланганлик даражаси динамикасини аниқлаш учун иккита оралиқ тадқиқотлар ўтказилди. Қиёсий маълумотлар педагогик шароитлар комплексининг касбий таълимнинг бўлажак педагоглари касбий ижодий компетенцияси шаклланиши жараёнига муваффақиятли таъсирининг мавжудлигини тасдиқлади [104; 25-б].

Олдинги тадқиқотларнинг самарадорлигига эришиш билан боғлиқ бўлган О.А.Лямкинанинг “Педагогик устахона бўлажак ўқитувчи касбий-ижодий тайёргарлигини ташкил қилиш шакли сифатида” иши диққатга сазовордир. Бу иш бўлажак ўқитувчи касбий-ижодий тайёргарлигини ташкил қилишнинг шакли сифатида педагогик устахона фаолияти самарадорлиги педагогик шароитларининг аниқланиши ва асосланишига бағишланади [92].

Мазкур ишда тадқиқот объекти бўлиб, ОТМда бўлажак ўқитувчининг педагогик устахоналардан фойдаланган ҳолда касбий-ижодий тайёргарлиги жараёни хизмат қилади. Предмети–бўлажак ўқитувчи касбий-ижодий тайёргарлигини ташкил қилиш шакли сифатида педагогик устахоналардан фойдаланишнинг мазмуни, методлари, воситалари, шароитлари ва натижаларидир.

Муаллиф томонидан бўлажак ўқитувчи иждодий шахси шаклланишининг инновацион дастури ишлаб чиқилди ва ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради: а) касбий-ижодий фаолиятга нисбатан талабалар тайёргарлигининг компонентлари, кўрсаткичлари, даражалари тўплами; б) таълим жараёнини ташкил этишнинг методик таъминоти: иждодий вазифалар ва “Синф раҳбари фаолиятининг ноанъанавий шакллари” курсининг, “Педагогика” фанининг ҳамда ўқув-педагогик амалиётларнинг устахоналари комплекси.

Педагогик устахона шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-ижодий тайёргарлигининг асосий иждодий натижаларига қуйидагилар киради: касбий-ижодий тайёргарлик кўрсаткичларининг шаклланганлиги: мотивацияли-қадриятли соҳада ўз фаолиятининг ижтимоий ва шахсий аҳамиятини англаш, малакали мутахассис бўлишга йўналганлик ва касбий ўсишга тайёргарлик; интеллектуал-рефлексив соҳада–назарий касбий билимлар даражаси ва компетентлик даражасини оширишга йўналганлик, билиш, мустақил ва рефлексив фаолиятнинг услубларини эгаллаш, импровизация қилиш маҳорати; эмоционал-иродавий соҳада қўйилган мақсадларга эришишдаги шижоат ва анланганлик, рефлексия, эвристик фаолият, педагогик импровизациянинг мақсадга мувофиқ эканлигига ишониш, иждодий салоҳиятни ва ҳамкорлик қилишга, биргаликда иждод қилишга нисбатан қобилиятлар ва ўзини ўзи реализация қилишнинг тараққиёти.

Асосини педагогик устахоналар ташкил этадиган, талабалардаги ўзгаришларда ўз ифодасини топган мазкур экспериментал тадқиқот иши

натижаларининг самарадорлиги кўзга ташланиб турибди: 1) педагогик фаолиятга нисбатан мотивацион-қадриятли муносабат; 2) психологик-педагогик фанлар бўйича уларнинг билимларининг сифати, улар томонидан билиш, муаммоларни мустақил излаш услубларининг мавжудлиги ва муаммоларни ҳал этиш, ғояларни жамлаш йўлларининг эгалланиши, рефлексив фаолият кўникмаси; 3) ҳамкор ижодий фаолиятга, ўзини-ўзи реализация қилишга, шунингдек, қатъият даражасини оширишга ва шахснинг ўз имкониятларига ишонишига йўналганлик [92].

Юқорида айтилганлардан хулоса қилган ҳолда таъкидлаш керакки:

- экспериментал педагогик тадқиқотларда ижодий компетентлик, ўқитувчининг компетенцияси масалалари, одатда, қандайдир бошқа контекстда, масалан, ижодий ва ижодий фаолият; педагогик ижод; ижодий салоҳият; профессионализм; ўқитувчининг педагогик маҳорати матнида кўриб чиқилади;

- педагогик ҳодиса сифатида ўқитувчи ижодий компетентлигининг моҳияти ҳақида, адекват ижодий ривожлантирувчи таълимий ва ижтимоий-маданий фазоси ҳамда таълим муассасаларида, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида уларни яратиш усуллари ҳақида, шунингдек, ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнини илмий-методик ва технологик таъминлаш ҳақида яхлит билим етарли даражада берилмаган.

Ижодий компетентлик муаммоларига бағишланган педагогик тадқиқотларда ва бошқа ишларда қуйидагилар тадқиқотнинг аниқ предмети ҳисобланади:

педагогик таълим тизимида бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари ҳамда педагогик шароитлари; педагогик моҳият, ўзига ўзи таълим бериш фаолиятида бошланғич мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини шакллантиришнинг мазмуни ва тузилиши;

махсус психологик–педагогик воситалар билан таъминлаб берувчи, куйидаги компетенцияларнинг интеграциясига ёрдам берувчи дастур ва ўқув-тарбиявий муҳит: кадриятли–педагогик, психологик-педагогик, ташкилий, мотивация, вербал-коммуникатив, методик, дидактик, маълумот, ўзини ўзи такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларда ижодий компетентлик ва унинг тараққиёти;

ижодий компетентлик педагогик ОТМлари талабалари касбий компетентлигининг тузилмавий компоненти сифатида ва касбий таълим жараёнида информатика бўйича эвристик масалалар воситасида бўлажак педагогларнинг ижодий компетентлигини шакллантириш; бўлажак магистрантларнинг касбий-ижодий компетентлигини тармоқ технологияларидан фойдаланган ҳолда шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шароитлари;

узлуксиз педагогик таълим тизимида педагог ижодий салоҳиятини, унинг касбий-шахсий шаклланиши ҳамда ривожланиши матнида шакллантириш ва ривожлантириш;

бўлажак ўқитувчи касбий-ижодий тайёргарлигини ташкил этишнинг шакли сифатида педагогик устахонадан фойдаланишнинг мазмуни, методлари, воситалари, шароитлари ва натижалари, педагогик устахона ўқитувчининг малака ошириш курсларида ижодий салоҳиятини очиш воситаси сифатида.

1.2-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг мазмуни, тузилмаси ва ўзига хослигини белгилаб берувчи тушунчалар тизими

Олдинги параграфда илмий адабиётларда келтирилган материалларни ўрганиш асосида мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантириш муаммоси бўйича педагогик тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган. Ижодий компетентлик тушунчасининг таърифи, узлуксиз таълим тизимида унинг шаклланиши ва ривожланиши масалалари, шунингдек, илгари ўтказилган тадқиқотларнинг аниқ предмети кўриб

чиқилган. Мазкур муаммонинг келажакдаги чуқур таҳлили шуни кўрсатадики, диссертация ишларида ва илмий нашрларда муаллифлар тузилмавий компетентлардан, шунингдек, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлиги тараққиётини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларидан ташкил топган ижодий компетентликнинг тавсифига турли хил ёндашганлар. Педагогикада ҳам, бошқа ижтимоий фанларда ҳам ўқитувчи ижодий компетентлигининг моҳияти ва тузилмаси ҳақида илм аҳли томонидан қабул қилинган ягона фикр мавжуд эмас.

Шунинг учун тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ўқитувчи (ОТМда ўқиётган, мактабда ишлаётган, малака ошираётган, ўзига ўзи таълим билан шуғулланаётган) ижодий компетентлиги феномени асосида ётган қатор назарий тушунчаларни аниқлаштириш, тавсифлаш муҳим ҳамда долзарб масала ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, бундай тушунчалар қуйидагилар: “компетентлилик”, “компетенция”, “компетентли ёндашув”, “ижод”, “креативлик”, “ижодий фаолият”, “ижодий қобилиятлар”, “ижодий салоҳият”. Келажакда уларни батафсил кўриб чиқамиз.

“Компетентлилик”, “компетенция” ва “компетентли ёндашув” тушунчалари илмий ва методик адабиётларда, амалий педагогик, психологик-педагогик, ижтимоий-психологик ва бошқа тадқиқотларда, шунингдек, олимлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар ва мутахассисларнинг касбий муомаласида ўтган асрнинг иккинчи ярмида (1950-1990 й.й.) ишлатила бошланди. Шундай қилиб, А.А.Печеркина, Э.Э.Сыманюк, Е.Л.Умниковалар фикрига кўра, “компетентлилик” тушунча сифатида XX асрнинг 50-йилларида илмий лексикада пайдо бўлди. Олдинига унинг ғарб тадқиқотларидаги талқини турли хил маъноларни ўзида мужассамлаштирди. Ғарб тадқиқотчилари бу тушунчанинг мазмунига, биринчи навбатда, аниқ предмет соҳасида аниқ ҳаракатнинг муваффақиятли бажарилиши учун зарур бўлган қобилиятлар ва малакаларнинг мавжудлигини жойлашди [105].

Масалан, америкалик психолог Р.Шорт “шахс компетентлиги” тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб берар экан, инсон шахсини “асосий фанлар” бўйича билимларга ва улар билан боғлиқ бўлган кўникмаларга эга, шунингдек, психомотор функцияларни, касбий ролларни, когнитив ва аффектив фаолиятни, шахслараро муомалани амалга ошириш учун зарур бўлган малакаларга эга киши сифатида тавсифлайди [129]. Н.А.Муслимов фикрича компетентлик–бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларнинг касбий фаолиятда қўлланилиши билан белгиланади [99; 315-б]. Ж.Ровеннинг фикрига кўра, компетентлилик ўзида тор махсус билимлар, малакалар, тафаккур усуллари ва ўз ҳаракатлари учун масъулиятни туйишга тайёргарликни мужассамлаштирган аниқ предмет соҳасидаги аниқ ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур [111]. Бироқ, В.Ландшеер таъкидлаганидек, ғарб адабиётида бугунги кунда касбий компетентликка “чуқурлаштирилган билим”, “масалаларни адекват ечиш ҳолати”, “фаолиятни актуал амалга ошириш қобилияти” дея берилган таърифлар мавжуд. Г.К.Брителл, Р.М.Жуегер, Э.Бланк ва бошқалар мазкур тушунчанинг мазмунини тўлиқ аниқлаштирмайдилар ҳам [89].

Бугунги кунда “компетентлилик” ва “компетенция” атамалари психологик-педагогик билимлар соҳасида, иқтисодда, филологияда, социологияда қўлланилади, бироқ икки хил вариантда тушунтирилади: ёки бир хил маъно берилади ёки фарқланади.

Мазкур иккита категориянинг ўзаро муносабати А.В.Хуторскойнинг “Асосий компетенциялар шахсга йўналган таълимнинг компонентлари сифатида” мақоласида батафсил кўриб чиқилади. Муаллифнинг фикрига кўра, компетенция (лотинчадаги *competo* сўзидан олинган *competentia* сўзи – биргаликда эришаман, эришаяпман, мос келтираман, тўғри келаман) шундай масалаларни ўзида мужассамлаштирадиги, бунинг натижаси ўлароқ инсон яхши маълумотга эга бўлади, билим ва тажрибани эгаллайди. Компетенция шахснинг ўзаро боғлиқ бўлган сифатлари тўплами (билимлар, кўникмалар,

малакалар, фаолият усуллари)дан иборат бўлиб, улар предмет ва жараёнларнинг маълум доирасига нисбатан муносабатни шакллантиради ва шу муносабатлар бўйича сифатли маҳсулдор фаолият учун зарур. Компетентлик (лот. *competens*—мос келувчи, мос тушувчи, қобилиятли, билувчи)—инсон томонидан мос бўлган компетенциянинг эгалланиши бўлиб, у ўзида компетенцияга ва унинг фаолият предметида нисбатан шахсий муносабатни мужассамлаштиради. Компетентлилик фаолият тавсифи сифатида ходимнинг реал касбий фаолиятида эгалланган билимлар, кўникмалар, малакаларни ҳаётга татбиқ қилишга нисбатан қобилияти ва тайёргарлигини белгилайди. Компетентлилик—бу шахснинг шаклланган сифати ва берилган соҳада фаолиятнинг минимал тажрибасидир [43, 68].

Л.И.Фишманнинг таъкидлашича, компетентликнинг турли хил таърифлари орасида, одатда, куйидаги ҳолат тушунилади: компетентлилик шахснинг мураккаб интеграллашган сифати бўлиб, айрим касбий фаолиятни амалга ошириш имкониятини беради [41]. Бу ерда алоҳида билимлар ёки кўникмалар ҳақида гап кетаётгани йўқ, балки гап инсонга яхлит фаолиятни амалга ошириш имкониятини берадиган хусусият ҳақида кетаяпти.

Э.Ф.Зеернинг шунга ўхшаш фикрига эътиборимизни қаратамиз: компетентлилик шахснинг интегратив сифати бўлиб, касбий фаолиятнинг маълум турини амалга ошириш учун етарли бўладиган зарурий билим, кўникма ва малакалар тизимини ўзида мужассамлаштиради [69].

А.В.Туголмин компетентликни маълум конкрет вазифаларнинг муваффақиятли ижросини таъминлаб берадиган ўзаро алоқадор ва ўзаро бир-бирини таъминлайдиган билимлар, кўникмалар, малакаларнинг гуруҳини тушунади. Касбий компетенция – бу мутахассис ишнинг талабларига амал қилган ҳолда, мақсадга йўналган ҳолда вазифалар, муаммоларни методик ташкиллаштиришга ва мустақил ҳал этишга, шунингдек, ўз фаолияти натижаларини мустақил баҳолашга нисбатан тайёргарлиги ва қобилиятидир. Компетентлилик—бу “ишнинг кўзини билиш” деб аталган ўзлаштирилган компетенциялар доирасида касбий фаолиятни амалга ошириш қобилияти,

яъни масъул қарорларни қабул қилиш ва мазкур вазият талабларига мос ҳолда ҳаракат қилишдир [117].

А.М.Новиков “компетентлилик” тушунчасини “профессионализм” муқобил тушунчаси сифатида талқин этади. Профессионализм, муаллифнинг фикрига кўра, технологик тайёргарликка алоқадордир, компетентлик эса ўзида “асосий квалификация” деб аталган компетенциялардан ташкил топган, профессионализмдан юқори турадиган мазмунни мужассамлаштиради [33; 3-8 б]. Бунга шахснинг қуйидаги сифатлари киради: ҳатти - ҳаракатларнинг мустақиллиги, ҳар қандай ишга ижодий ёндашув, билимларни доимий янгилашга тайёрлик, ақлнинг эгилювчанлиги, тизимли ва иқтисодий тафаккурга тайёрлик, диалог олиб бориш кўникмаси, жамоада ўзаро ҳамкорлик, ҳамкасабалар билан муомалада бўлиш.

Р.С.Белаянинг фикрига кўра, таълим тараққиётининг ҳозирги босқичи компетентли ёндашув билан узвий боғлиқ бўлиб, моҳиятан таълимдаги назарий билимлар билан касбий-амалий фаолиятнинг реал мавжуд эҳтиёжлари ўртасида мувозанатни ўрнатишга нисбатан ҳаракатдир. “Компетентли ёндашув” категориясини қуйидагича талқин қилиш мумкин: бу таълим мақсадларини таърифлаш, таълим мазмунини танлаш, таълим жараёнини ташкил этиш ва таълим натижаларини баҳолашнинг умумий тамойиллари тўплами [15].

О.В.Галустян ҳам худди шундай фикрда: компетентли ёндашув таълим жараёнининг қайтадан йўналтирилишини таъминлаб беради. Бунда билимлар, шаклланган кўникма ва малакаларни бой ахборот - коммуникация майдони бўлган бозор иқтисоди шароитларида бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятга нисбатан салоҳияти ҳамда қобилиятини ривожлантирадиган компетенциялар комплексини эгаллаш учун шароитлар яратишга кўчирилади [21].

Г.К.Селевко компетенцияни олдинга қўйилган вазифаларни уйдлашга нисбатан битирувчининг тайёрлигини ўзида ифодаладиган таълим натижаси атроф-муҳитни ўзгартириш бўйича мақсадларни қўйиш ҳамда уларга

эришиш имкониятини берадиган билимлар, кўникмалар, малакалар тўплами, шахснинг таълим олиш, ижтимоилашув жараёнида ўзлаштирилган ҳамда фаолиятда мустақил, муваффақиятли иштирок этишга йўналтирилган билимлар, тажрибага асосланган фаолиятга нисбатан умумий қобилият ва тайёргарликда юзага чиқадиган интеграл хусусияти сифатида қарайди. Шу билан бирга, муаллифнинг фикрича, компетенция, компетентлик тушунчалари билим, кўникма ва малака тушунчаларидан анча кенг, чунки улар шахснинг йўналганлиги, стереотипларни енгиб ўтиш қобилияти, муаммони ҳис этиш, узоқни кўра билиш, тафаккурнинг мослашувчанлиги, характерни ўз ичига олади [37].

“Компетенция”, “компетентлик”, “компетентли ёндашув” категориялари пайдо бўлишининг батафсил таҳлили шуни кўрсатадики, биз фанда уларнинг пайдо бўлишидан тортиб то турли хил касбий, таълимий, ишлаб чиқариш ва илмий муҳитларда ҳаётга татбиқ қилиш ҳамда фойдаланишгача бўлган даврда тасаввурлар динамикасини кузатамиз [70; 117; 84].

Шундай қилиб, И.А.Зимняя таълимда компетентли ёндашувнинг пайдо бўлиши ва фойдаланишининг қатор босқичларини ажратиб кўрсатади (компетентлик тушунчасини кўриб чиқишга нисбатан ёндашувнинг ўзгаришларига боғлиқ ҳолда): Биринчи босқич (1960-1970 йй.) – “компетенция” категориясининг илмий аппаратга кириши, компетенция - компетентлилик тушунчаларининг фарқланиши асосларини яратиши билан ифодаланади. Шу вақтдан бошлаб Д.Хаймс томонидан киритилган “коммуникатив компетентлик” тушунчасининг ижтимоий компетентлик турли хил турларининг тадқиқ қилиниши бошланди. Иккинчи босқич (1970-1990 йй.) – компетенция-компетентлик категорияларининг тилга ўқитиш (айниқса, халқ тилига) назарияси ва амалиётида, бошқарувда, раҳбарликда, менежментда, муомалага ўқитишда профессионализм билан характерланади. Бу вақтга келиб “ижтимоий компетенция – компетентлик” тушунчасининг мазмуни ишлаб чиқарилади. Илмий категория сифатида

компетентлик бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг учинчи босқичи 1990 йилдан бошланади ва қуйидаги ишларнинг юзага чиқиши билан ифодаланади: А.К.Маркова “Ўқитувчи касбий компетентлигининг психологик таҳлили” ва Л.М.Митина “Ўқитувчи касбий ривожланиши психологияси”. Охирги ишда “педагогик компетентлик” тушунчаси кўриб чиқилган [70].

И.А.Зимняя “компетентлик” тушунчасини кўриб чиқар экан, унда иккита моделни ажратиб кўрсатади—шахс ва фаолият моделлари, шунингдек, компетентликларнинг учта гуруҳини фарқлайди: 1) шахс сифатида, ҳаётий фаолият субъекти сифатида ўз–ўзига нисбатан муносабат бўйича компетентликлар; 2) инсоннинг ўзга кишилар билан ўзаро таъсирга нисбатан муносабат бўйича компетентликлар; 3) инсон фаолиятининг барча шакллари ва типларида юзага чиқадиган фаолиятга нисбатан муносабат бўйича компетентликлар [70; 325-б].

И.А.Зимняянинг ишидан кейин педагог-тадқиқотчилар А.В.Козлова, О.С.Михно, Е.В.Чмыхова компетенция - компетентлик тушунчаларининг таърифларини учта гуруҳга ажратади:

- биринчи гуруҳ компетенция–компетентлик таърифида шахс сифатларининг (индивидумнинг асосий сифати, қобилият, интеграциялашган тавсифлар, ижодий малакалар ва ҳ.к.), фаол тавсифти таъкидланди (нотаниш вазиятда билим, кўникма ва малакаларнинг юзага чиқишига кўмаклашади; турли хил касбий вазиятларда қўлга киритилган билимлар қўлланилади;

- таърифларнинг иккинчи гуруҳи компетенция–компетентликни таълим натижаларининг категорияси сифатида кўп даражалилик, кўп компонентлилик ғояларидан келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг мезон ва услублари сифатида кўриб чиқади;

- таърифларнинг учинчи гуруҳи ўзгаришга, баҳолашга ўтишнинг мавжудлиги билан иккинчисига яқин бўлиб, компетенция - компетентликни лавозим, касбий фаолият талабларини белгилаб берадиган билимлар, кўникмалар, малакалар ва муносабатлар, билимлар яхлитлигининг очик

тизими; шахснинг бутун ҳаёти давомида шаклланган тажрибаси; мослашиш ва самарали фаолият учун зарур бўлган тармоқлараро билимлар, кўникмалар, қобилиятлар; касбий билимлар, кўникмалар ва касбдан ташқари бўлган малакалари сифатида тушунишни таклиф этади. Учинчи гуруҳ таърифларининг фарқи шундаки, уларда шахснинг ички, субъектив ибтидоси ва муҳит талаблари интеграциясига ҳаракат ўз ифодасини топган [83].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, замонавий педагогикада “компетенция”, “компетентлик” тушунчаларининг моҳияти, тузилиши ва мазмунининг ягона илмий-назарий талқини ҳам, шунингдек, улар орасида фарқ ҳам йўқ. Бу нарса компетентли ёндашувнинг таълим муассасаларида, педагогик ходимларни, шу жумладан, мактаб ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида самарали амалга оширилишини қийинлаштиради.

Бизнинг таҳлилимиз шуни кўрсатадики, компетентли ёндашувни педагогикада, психологияда ва бошқа ижтимоий фанларда ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этиш босқичма-босқич, “компетенция”, “компетентлилик” тушунчаларининг таълим назарияси ҳамда амалиётида қўлланилиши билан қарийб бир вақтда амалга оширилади.

А.В.Туголминнинг фикрича, компетентли ёндашув педагогикада бўлажак ўқитувчининг касбий-педагогик тайёргарлиги ва ўқувчиларга таълим беришнинг сифати матнида кўриб чиқилади.

Компетентли ёндашув – бу касбий фаолиятда ўқитувчи шахси ижодий ўзини–ўзи руёбга чиқаришни таъминлаб берадиган педагогик қадриятлар ва технологияларни ўзлаштириш, намойиш қилиш бўйича шароитларни яратишга йўналган ташкилий педагогик, назарий - методологик қоидалар тўпламидир. Бундай ёндашув шу билан таъминланадики, замонавий ўқитувчи сифатининг муҳим кўрсаткичи нафақат таълим ва тарбияда ўзлаштирилган кўникмалар, касбий билимлар ҳисобланади, балки касбий-шахсий ривожланишни, ўқувчиларга таълим-тарбия беришга нисбатан

ижодий ёндашув, уларнинг интеллектуал ҳамда шахсий ривожланишига компетентли кўмак бериш қобилияти ҳисобланади [117].

С.М.Коломиец таълимда “компетенция, компетентлик”, “компетентли ёндашув” категорияларининг пайдо бўлиши масалаларини таҳлил қилар экан, таъкидлайдики, узоқ давом этган таълим натижаларини баҳолаш “учлик”дан келиб чиққан: билимлар–кўникмалар–малакалар. Бироқ оламда таълим соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар таълим тизимининг янгилигини, унинг натижаларини баҳолашнинг нисбатан замонавийроқ мезонларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Шундай мезонлардан бири сифатида бугунги кунда компетенция-компетентлик тушунчаси кенг қўлланилаёпти. Унинг таълимда қўлланилиши “компетентли ёндашув”ни ҳаётга татбиқ этиш ва ундан фойдаланиш доирасида амалга оширилади. Таълим стандартларига нисбатан қўлланиладиган бундай ёндашувнинг асосий ғояси шундаки: 1) даставвал “ёш мутахассис” эгаллаши зарур бўлган компетенциялар рўйхати аниқланади; 2) сўнгра мазкур компетенцияларни таъминлаб берадиган ўқув фанлари (курслари)нинг рўйхати шакллантирилади; 3) берилган компетенция талабларига битирувчиларнинг мослиги даражасини объектив аниқлайдиган мезонлар ва методикалар аниқланади. Бу ёндашувда асосийси компетенциялар рўйхати ҳисобланади [84; 181- б].

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, компетентлик тушунчаси креативлик (креатив компетентлик), ижод (ижодий компетентлик) ва ижодий қобилиятлар (имкониятлар) билан узвий алоқададир.

Масалан, креативлик шахснинг нисбатан турғун тавсифини ташкил этадиган ижодий иқтидор даражаси, ижодга нисбатан қобилият сифатида белгиланади [81; 52].

Креатив назарияси ижодкорларидан бири Ж.Гилфорд креативликка ижодий тафаккурга ёрдам берадиган шахс тавсифларининг тўплами, дея таъриф беради; креативлик турли хил ақлий операциялар, айниқса, дивергент тафаккурга таянади [62].

Психологик луғатда креативлик инсоннинг “ижодий имкониятлари (қобилиятлари)” сифатида таърифланади. Улар тафаккурда, ҳис-туйғуларда, муомалада, фаолиятнинг алоҳида турларида юзага чиқиши, шахснинг яхлит ёки алоҳида томонлари, фаолият маҳсулотлари, уларни яратиш жараёни сифатида ифодаланиши мумкин [97, 192-б].

Н.В.Кондратьеванинг фикрича, иждодий қобилиятлар – бу индивид учун янги фаолият жараёнида (янги масала, муаммоларни ечиш жараёнида) пайдо бўладиган, шахснинг янги ҳолатлари (тафаккурда, идрокда, ҳаётий фаолият тажрибасида, мотивацион соҳада) ва индивидуал-психологик хусусиятлари синтезидир. Бу янги маҳсулотнинг (ғоялар, предметлар, бадий асарлар) субъектив–объектив пайдо бўлиши ёки унинг муваффақиятли бажарилишига олиб келади.

Муаллиф креативликни психологик нуқтаи назардан туриб кўради, яъни унга тамойилан жиҳатдан янги ғоялар, маҳсулотлар яратиш имкониятини берадиган, тадқиқот фаолиятига, ўзини ўзи ривожлантиришга нисбатан қизиқишларнинг борлиги, ноанъанавий қарорлар қабул қилиши билан тавсифланадиган, шахснинг ҳаётий фаолиятидаги барча тажрибасига таъсир қиладиган, индивид психикасининг сифатли ўзгариши, дея таъриф беради. Иждодий қобилиятлар тараққиёти жараёни креативликнинг, иждодий қобилиятга нисбатан юқори даражадаги мотивацияга эга бўлган шахс турғун хусусиятининг пайдо бўлишига олиб келади. Иждодий қобилиятлар ҳар қандай индивидга хос бўлиб, улар фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Ижтимоий, таълимий-тарбиявий муҳит иждодий қобилиятларнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга [85].

С.В.Рожкова “креативлик”ни қуйидагича ифодалайди. “Креатив” тушунчаси иждодий, яратувчилик маъноларини англатади, инглизча сўз бўлган “creativity” таржимада шахснинг нисбатан турғун тавсифномасини ташкил этадиган иждодий салоҳият даражаси, иждодга қобилият маъноларида келади. Креативлик (лотинчадаги creatio сўзидан олинган бўлиб, яратиш деган маънони англатади) деганда индивиднинг янги ғояларни дунёга

келтиришга тайёрлиги билан ифодаланадиган ижодий қобилиятлари тушунилади. Креатив компетенция қуйидаги компонентларни ўзида мужассамлаштиради: креатив (ижодий) сифатлар – илҳомланганлик, фантазия, ақлинг эгилувчанлиги, карама-қаршиликларга сезгирлик; фикрлар, ҳис-туйғулар ва ҳаракатларнинг тарқалувчанлиги; фараз қилиш; танқидийлик; ўз фикрига эга бўлиш ва ҳ.к. Креатив компетенция – бу ижодга нисбатан қобилиятдир. Педагогик фаолиятни амалга оширишда ижодий ёндашув ўқитувчи фаолиятининг муҳим объектив характеристикасидир [36].

Я.В.Февралёвнинг фикрига кўра, педагогик ижодий фаолият мактаб ва ўқитувчи ривожланишининг бош механизми бўлиб хизмат қилади. Ижодкор педагог доимий ҳолда қуйидаги жараёнлар орқали ўз касбий даражасини оширади: ўзини – ўзи ташкил этиш, ижодий жиҳатдан ўзини ўзи рўйга чиқариш, касбий ривожланиш, фаолиятнинг янги билимлари, методлари эгалланадиган ўзига – ўзи таълим бериш ва ҳ.к.

Ўқитувчи ижодий фаолиятининг учта соҳаси фарқланади:

1) методик ижод (пайдо бўладиган педагогик вазиятларни таҳлил қила билиш кўникмаси, методик моделларни тўғри танлаш ва қуриш, ўқув-тарбиявий жараёнда таъсирнинг мазмунини, усулларини қура билиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни педагог ва болалар жамоасининг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда саводхонларча амалиётда қўллаш билан боғлиқ).

2) коммуникатив ижод (болалар билан ўзаро таъсир) (мазкур ижод ҳам болалар билан, ҳам уларнинг ота-оналари билан, ҳам ҳамкасабалар, маъмурият билан педагогик жиҳатдан мақсадга йўналган ва самарали мулоқотни ташкил қилиш, ўзини ўзи тартибга солиш қобилияти билан боғлиқ).

3) ижодий ўзини – ўзи тарбиялаш (аниқ ижодий индивидуаллик сифатида ўзини англаш, келажакда такомиллаштириш ва мослашиш талаб қилинадиган ўз касбий-шахсий сифатларини аниқлаш, шунингдек, узлуксиз

ўзига–ўзи таълим бериш тизимида шахсий ўзини–ўзи такомиллаштиришнинг узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқиш).

Ўзини–ўзи шакллантириш ва ўзини–ўзи ривожлантиришга нисбатан қобилияти бўлган педагог атроф оламдаги ўзгаришларга, инновацияларга енгил мослашади, педагогик фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган янги билим, технологияларни қўллаш олади [40].

Таъкидланганидек, ўқитувчининг ижодий компетентлигига тааллуқли бўлган тушунчалар тизимига “ижодий салоҳият” тушунчаси ҳам киради. Бу тушунча “янги шароитларга мос ҳолда шахснинг ҳаракатлар усулларини оптимал даражада ўзгартириш имкониятини берадиган хусусиятлари тизими ва педагогик инновацияларни ўзлаштиришни белгилаб берадиган, натижада шахсни ижодий ўзини–ўзи реализация қилиш ва ўзини–ўзи ривожлантиришга уйғотадиган билимлар, кўникмалар ва йўналганликлар”ни ифодалайди [110].

Н.В.Мартишинанинг фикрича, педагогнинг ижодий салоҳияти–бу ўқувчилар (тарбияланувчилар)нинг ривожланиши, таълим жараёнини ташкил этиш, касбий ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган турли хил масалаларнинг инновацион ечими учун зарур бўлган имкониятлар тўпламидир. Педагогнинг ижодий салоҳияти учта компонентнинг интеграциясида ўз ифодасини топган, шахсга тааллуқли бўлган динамик тузилмадир:

а) педагогга хос бўлган қадриятли-ижодий тасаввурлар ва афзалликларни ўзида акс эттирадиган қадриятли компонент;

б) педагог томонидан унинг меҳнатининг ижодий тавсифга эга эканлигини тушунишига ёрдам берадиган ва касбий фаолиятини ижодий ташкил қилишига таъсир кўрсатадиган билимлар тўплами ҳисобланган когнитив компонент;

в) ижодий салоҳиятни педагогнинг келгусида ривожланиши учун имкониятлар яширинган долзарблик ҳолатига (педагогнинг ўзини касбий-шахсий реализация қилиши) кўчиришга ёрдам берувчи элементларни ўзида жамлаган фаолият компоненти.

Педагог ижодий салоҳиятининг мезонлари сифатида қуйидагилар катнашади: ижодга нисбатан кадриятли ёндашув, педагогик ижодга нисбатан кадриятли муносабат, ижод ҳақидаги касбий аҳамиятга эга бўлган мажмуавий билим, педагогнинг касбий-шахсий пластиклиги [29; 103-111 б].

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган тушунча ва атамалар, бизнинг фикримизча, яхлит ҳолда мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг мазмуни, тузилиши ва ўзига хослигини, шунингдек, технологик ёндашув асосида унинг диагностикасини ва ривожланишини белгилаб берадиган бирламчи (асосий) тушунчали-терминологик тизимини ташкил этади.

1.3-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик диагностикаси

Мактаб ўқитувчиси, шунингдек, касбий таълим педагоги ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари бўйича айрим амалий ишларда “компетентликнинг мезонлари ва кўрсаткичлари”, “педагогнинг педагогик диагностикаси” сингари ўқитувчиларнинг назарий асослари кўриб чиқилган.

“Диагностика” атамаси (юнончадан “diagnostikos”) “аниқлашга, англашга қодир” деган маънони англатади. Даставвал мазкур атама тиббиётда қўлланилган ва шифокорнинг беморга диагноз (diagnosis – аниқлаш, англаш) қўйиш бўйича фаолиятини ҳамда унинг ҳолати ва бемор тўғрисида ўз хулосасини чиқаришни билдирган. Кейинчалик бу атама биологияда, психофизиологияда, психологияда, шунингдек, техникавий ва иқтисодий фанларда қўлланила бошланди.

М.И.Бекоева, Л.Н.Бережнова, С.А.Вороновалар ва бошқа муаллифларнинг нашрий ишлари асосида айтиш мумкинки, “педагогик диагностика” тушунчаси илк маротаба илмий оламга 1968 йилда немис олими Карл Ингенкамп томонидан киритилган. Унинг таърифига кўра, педагогик диагностика – бу “ўқув жараёнини оптималлаштириш, ўқувчиларни дифференциациялаш, шунингдек, педагогик таъсирнинг таълим

дастурларини, методларини такомиллаштириш масалаларини ҳал этишга қаратилган назорат ва баҳолаш усуллари тўпламидир”. Ўзининг мақсадлари, вазибалари ва фойдаланиш соҳаси бўйича педагогик диагностика– педагогларнинг мустақил иши бўлиб, у ўқув-тарбиявий жараёни тадқиқ қилишни таъминлаб беради, жамият ривожини учун унинг натижаларини оптималлаштириш ва асослаш мақсадида педагогик жараённинг асослари, шароитлари ҳамда натижаларини аниқлашга ёрдам беради. Шу билан бирга педагогик диагностика фаолият деганда, шундай жараён тушуниладики, унинг натижасида зарур илмий мезонларни сақлаган ҳолда педагог таълим олаётганларни кузатади, сўровнома ўтказади, кузатиш ва сўровнома натижаларини таҳлил қилади ҳамда хулқ-атворни тавсифлаш, унинг мотивларини тушунтириш ёки келажакдаги ҳатти-ҳаракатларни башорат қилиш мақсадида қўлга киритилган натижалар ҳақида маълумот беради [75; 22].

Таҳлилимиз шунини кўрсатадики, тадқиқотлар, илмий нашр ишларида педагог-тадқиқотчилар педагогик диагностикани турли хил тушунишни ва тавсифлашни таклиф қиладилар [47; 13; 14, 16; 55; 64; 69; 76; 30; 120].

Шундай қилиб, В.С.Аванесов таълимда диагностикани тарбия, таълим ва ўқитиш натижаларини ўлчаш мақсадида шахснинг қизиқарли хусусиятларини аниқлашга педагоглар, педагогик жамоаларнинг ўзига хос фаолияти сифатида талқин этади [13; 57]. Демак, диагностика фаолият тизими диагностиканинг мақсадларини, методларини, натижаларнинг талқинини, диагностика билан шуғулланадиган мутахассисларни, ташкилотларни ва, албатта, таълим жараёнида диагностика натижаларидан инсонпарварларча фойдаланишни тақозо қилади.

З.А.Мендубаева фикрига мувофиқ, педагогик диагностиканинг асосий фарқ қилувчи хусусиятларидан бири диагностиканинг махсус объекти – педагогик жараённинг мавжудлигидир. Педагогик жараённинг компонентлари педагогик диагностиканинг объектлари ҳисобланади, айнан:

педагог, таълим олувчи, мазмун, методлар, воситалар ва педагогик жараён натижалари, шунингдек, педагогик жараённинг қонуниятлари [30].

Т.В.Бикеева ишларида диагностикага нисбатан фойдаланса бўладиган таърифларни берган муаллифларнинг бир қанча гуруҳини ажратиб кўрсатади. Буларга қуйидагилар киради:

бир вақтнинг ўзида тезкор ўрганиш, баҳолаш, жараённи ёки ҳодисани бошқариш ва тузатиш киритиш;


педагог кузатадиган, маълумотларни ҳисоблаш, ҳолатни билиш, натижаларни башорат қиладиган жараёнда кечадиган фаолияти;

педагогик жараённи тадқиқ қилиш усули, бунинг натижасида педагогик жараён натижаларининг аҳамиятини оптималлаштириш ёки асослаш мақсадида ўқув-тарбиявий жараённинг асослари, шароитлари ва натижаларини ўрганади [55, 51].

Муаллифларнинг фикрига кўра, педагогик диагностиканинг моҳияти – бу ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўзгартириш ва ўқитувчилар педагогик маҳоратини ошириш асосида мактабда ўқув-тарбиявий жараённинг самарадорлигини ўрганишдир. Диагноз қилиш назоратни (дастлабки, жорий, якуний), текширишни, баҳолашни, статистик маълумотларни тўплашни, таҳлил қилишни, ривожланишнинг тенденцияси ва динамикасини аниқлашни, воқеаларнинг кейинги кечишини башорат қилишни ўзида мужассамлаштиради [14].

Муаллифларнинг яна бир гуруҳи педагогик диагностикани педагогик жараённи бошқариш бўйича касбий фаолиятни башорат қилишнинг илк босқичи сифатида қатнашаётган педагогик фаолиятнинг махсус тури, шунингдек, педагогик вазифаларни ҳал этиш бўйича технологик занжирнинг яқунловчи босқичи, дея тушунтиради. Шу билан бирга педагогик фаолиятнинг мустақил компоненти ҳисобланган педагогик диагностика барча даражаларда иштирок этади: мақсад қўйиш, баҳолаш, технология танлови, мазмунни конструкция қилишда ва ҳ.к. [64].

Биобарин, кўплаб тадқиқотларда педагогик диагностика таълим муассасаларининг педагоглари, педагогик жамоалари ишида унинг вазифалари ва босқичларини амалга ошириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Мазкур масала бўйича адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, педагогик диагностиканинг босқичларини аниқлашга нисбатан бир қанча ёндашувлар мавжуд (1.1-расм).



1.1- расм. Таълим ташкилотларида педагогик диагностика моҳияти

А.С.Белкин педагогик диагностика ўтказишнинг бир неча босқичини таклиф этади. Биринчи босқичда характерли белгилари бўйича объектнинг англаниш вазифаси амалга оширилади, яъни маълумотнинг бирламчи тўпланиши жараёни содир бўлади – кузатиш, фиксация, таълим олаётганлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган барча нарсани эслаб қолиш; диагностиканинг иккинчи босқичи ўзида қуйидагиларни мужассам этади: маълумотларни қайта ишлаш, ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳиятини аниқлаш, қўлга киритилган маълумотларнинг амалий фаолият билан ҳаммувофиқлигини белгилаш [56].

Иккинчи ёндашув М.И.Шилова томонидан таклиф этилган бўлиб, унинг маъноси шундан иборатки, педагогик диагностика жараёни ўқув-

тарбиявий жараёни бошқариш учун маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайтадан ишлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқдир [125].

Учинчи ёндашув Л.Н. Давидова томонидан асосланган. Диагноз қилиш умумий назариясининг маълум босқичларига асосланган мазкур ёндашув қатор махсус босқичларга бўлинади: педагогик диагностиканинг объекти, мақсадлари ва вазифаларини белгилаш; гипотезани ва унинг кейинги назоратини илгари суриш, олдинда турган диагноз қилиш жараёнини режалаштириш; диагноз қилиш воситаларини танлаш (мезонлар, даражалар, методикалар); объект ҳақида маълумотлар тўплаш (объектнинг реал ҳолати билан норматив-оптимал ҳолатининг ўзаро муносабати); қўлга киритилган маълумотларни ҳисоблаш (таҳлил, систематизация ва классификация); диагноз қилинаётган объектнинг компонентларини ишончли маълумотларни таҳлил қилиш асосида бирликка синтез қилиш; диагноз қилинаётган объект келажакдаги тараққиётининг истиқболларини фараз қилишни асослаш ва баҳолаш; педагогик диагнознинг амалиётда қўлланилиши, педагогик диагноз қилинаётган объектни ўзгартириш мақсадида педагогик жараёни бошқариш бўйича коррекцияларни амалга ошириш [64].

Тўртинчи ёндашувнинг муаллифи Т.В.Куприяничик диагностика умумий назариясининг маълум босқичларига асосланади ва айнан педагогик диагностика учун характерли бўлган, янги босқичларни қўшимча қилади: 1) шахс тараққиётининг у ёки бу даражаларини таъминлайдиган ички ва ташқи шароитларни аниқлаш; 2) яқин тараққиёт зоналарини аниқлаш; шахснинг кейинги шаклланиши ва ривожланиши бўйича зарур бўлган педагогик чораларни ўйлаб топиш [88].

Биз ўз тадқиқотимизда Л.Н.Бережнова, С.А.Вороновларнинг қуйидаги фикрларига қўшиламыз: педагогик диагностикани етти босқичдан иборат бўлган амалиётнинг кетма-кет технологиялари сифатида тасаввур қилса бўлади: 1) диагноз объектини белгилаш; 2) режалаштириш; 3) воситалар танлови; 4) объект ҳақида маълумотлар тўплаш; 5) маълумотларни ҳисоб-

китоб қилиш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш; 6) объект тараққиётини прогноз қилиш; 7) педагогик диагностика натижаларини қўллаш [16].

Шу билан бирга педагогик диагностикани педагог (ўқитувчи, тарбиячи, методист) фаолиятининг йўналишларидан бири сифатида кўриш мумкин. Унинг мазмунига билиш; таълим, тарбия, тараққиётнинг педагогик масалаларини оптимал ҳал этиш мақсадида ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари, қобилиятлари ва имкониятларини аниқлаш киради. Бошқа маънода, педагогик диагностиканинг моҳияти педагогик тизимнинг фаолиятини оптималлаштириш ва самарали натижаларга эришиш бўйича масалаларни оптимал ечиш мақсадида унинг турли хил элементлари ва параметрларининг долзарб ҳолатини ўрганишдан иборатдир.

Мактабда педагогик диагностиканинг объекти ўқув-тарбиявий жараён ва унинг субъектларидир (ўқувчилар, ўқитувчи ва бошқ.). Унинг мақсади педагогик жараённинг сифатини бошқариш учун реал маълумотларни қўлга киритиш ҳамда натижа сифатида мактаб ўқитувчилари, касбий коллеж педагоглари, ОТМлар ўқитувчилари ва ҳ.к. нинг педагогик фаолиятнинг самарадорлигини оширишдан иборатдир. Педагогик диагностикани методологик ва амалий аҳамиятга эга бўлган тўртта асосий йўналишларга ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш, педагогик диагностика – ўқитувчи, тарбиячининг фаолият соҳаси бўлиб, унинг мазмунига ҳар бир ўқувчининг таълими, тарбияси, тараққиёти (шахсий, ақлий, жисмоний, ижтимоий) масалаларини оптимал ечиш мақсадида унинг шахсий хусусиятлари, имкониятлари ва қобилиятларини ўрганиш киради. Сўнги натижа бўлиб ўтказилган диагностиканинг натижалари бўйича аниқ ўқувчи ҳақидаги адекват тасаввур асосида унинг ўқитувчи томонидан англаниши ва тушунилиши хизмат учун қилади.

Иккинчи йўналиш – ўқувчилар хулқ-атвори ва ўқув фаолиятининг педагогик диагностикаси; ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти; ўқув-тарбиявий жараённи бутунича, болаларнинг таълим, тарбия, тараққиётининг

натижаларининг мониторинг диагностикаси. Диагностиканинг мазкур йўналиши бўйича натижалари бўлиб ўқувчиларнинг таълими, тарбияси, тараққиётининг диагностик баҳолари ва тавсифномалари хизмат қилади.

Учинчи йўналиш–ўқитувчиларнинг дарсларда ўқувчилар билан педагогик муомаласи жараёни; мактаб шароитларида болалар ўртасидаги шахслараро коммуникациялар ва муносабатлар, шунингдек, дарслар жараёнида ўқувчилар, ўқитувчиларнинг педагогик диагностикаси (ижобий ва салбий томонлари ва ҳ.к.).

Тўртинчи йўналиш–ўқитувчи, педагог компетентлигининг ривожланиш даражалари ва мазмунининг педагогик диагностикаси. Унинг натижалари баҳолар ва характеристика: педагогик, касбий, психологик-педагогик, ижтимоий-педагогик, ижодий, касбий-ижодий компетентлик ва ҳ.к.

Тадқиқотимиз учун асосий, мураккаб ва муҳим масалалардан бири мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг амалий диагностикаси масаласи бўлиб, ўзга муаллифлар тадқиқотлари ва диагностикаси методлари ҳамда компетентлиги мазкур тури тузилмавий компонентларининг улар томонидан аниқланиши нуқтаи назаридан мазкур масаланинг ечимини кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, А.В.Тутолминнинг фикрига кўра, ўқитувчи, педагог ижодий компетентлигининг тузилишига қуйидагилар киради: умуммаданий эрудиция, педагогик тафаккур; махсус касбий қобилиятлар ва кўникмалар; ижодий аҳамиятли шахс сифатлари комплексидан ташкил топган ижодий тайёргарлик. Муаллиф тадқиқот ва диагностиканинг қуйидаги методлари комплексидан фойдаланган: назарий таҳлил методлари (қиёсий, ретроспектив); илмий билиш методлари (қиёслаш, турли хил ҳужжатлар ва тадқиқот маълумотларини солиштириш, синтез, абстрактлаштириш); прогностик методлар (мустақил характеристикаларни умумлаштириш, моделлаштириш); эмпирик методлар (кузатиш, фаолият натижаларининг

таҳлили, эксперимент); социологик методлар (сўровнома, интервью, тест); статистик методлар [117; 119].

В.В.Казанцеванинг фикрича, бошланғич мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг тузилишини қуйидагилар ташкил этади: қадриятли-мотивацияли, когнитив-конструктив, рефлексив-мақсадли компонентлар.

Қадриятли-мотивацияли компонент ўқитувчининг ижодий ўзини-ўзи ривожлантиришига, ижодий компетенция шаклланиши ўзига-ўзи таълим бериш дастурининг қадриятли-маъноли йўналганлиги мотивацияси билан боғлиқ ҳаракатларини ўзида мужассамлаштиради. Когнитив-конструктив компонент бошланғич мактабда ижодий фаолиятни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш билим ва кўникмалари тўпламидан иборатдир. Рефлексив-мақсадли компонент ўзида бошланғич синф ўқитувчисининг педагогик фаолиятни ўзини – ўзи таҳлил ва диагноз қилиш жараёнида ижодий компетентликнинг шаклланиши даражасини мужассамлаштиради.

Мазкур ишда муаллиф бир-бирини тўлдирадиган методлар комплексидан фойдаланади: назарий – тадқиқот муаммоси бўйича илмий манбалар таҳлили, илгари тайёрланган диссертация тадқиқотларнинг концептуал таҳлили, моделлаштириш; эмпирик–суҳбат, сўровнома, тест, тасдиқловчи ва шакллантирувчи экспериментлар; статистик–эмпирик маълумотларни миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиш [79].

Т.А.Марфутенконинг фикрича, бўлажак ўқитувчи касбий компетентлигининг тузилмавий компоненти сифатида ижодий компетентлик шахсининг сифати ҳисобланиб, у ўзида педагогик фаолиятнинг турли хил турларида (бевосита педагогик, маданий-маърифий ва илмий-тадқиқот) ижоднинг усулларини билиш ва эгаллаш билан характерланадиган ижодий компетентлик сифатида педагогик касбни идрок этишни акс эттиради. Бўлажак педагоглар ижодий компетентлигининг тузилиши мотивацияли, когнитив, креатив ва ташкилий-фаол компонентлардан иборат. Мазкур тадқиқотда фойдаланилади: а) назарий методлар – тарихий-педагог таҳлил, тадқиқ қилинаётган тушунчалар фазосини тавсифлаш учун тушунчали-

терминологик таҳлил; касбий-педагогик соҳасида меъерий-ҳуқуқий ва дастурий ҳужжатларни ўрганиш; назарий моделлаштириш; б) эмпирик методлар—олий касбий таълим муассасалари талабаларининг ижодий компетентлигини шакллантириш тажрибасини тадқиқ қилиш ва умумлаштириш, педагогик эксперимент, кузатиш, сўровнома, тест, ўзини ўзи баҳолаш, таҳлилнинг статистик методлари ва эмпирик маълумотларнинг ҳисоб-китоб қилиниши [94].

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, таъкидлаш мумкинки, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлиги диагностикасининг амалда ҳаётга татбиқ қилиш вазифаси ўта мураккаб ва бир ёқлама эмас.

Биринчидан, тадқиқотлар ва илмий нашрларда мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ташкил этувчи компонентларга ва шунга мос ҳолда ундаги мавжуд компонентлар диагностикасига нисбатан муаллифларнинг методологик ёндашувларига нисбатан турли-туман фикрлар, таърифлар кўп.

Иккинчидан, бутунлай ўқитувчининг ижодий компетентлиги ривожланиши даражасининг мезонлари ва кўрсаткичлари ягона, ҳамма томонидан қабул қилинган маълумотлар тўплами етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Учинчидан, педагогик назария ва амалиётда диагностиканинг тадқиқий методлари сезиларли даражада устунлик қилади, шу билан бирга экспресс методикалар – ижодий компетентлик диагностикаси етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва таълим муассасалари (мактаблар, лицейлар, коллежлар, ОТМлар, таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари) фаолиятининг амалиётида бизда ўта кам фойдаланилади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантириш педагогик ОТМлар талабалари гуруҳларида (бўлажак ўқитувчилар, педагоглар), шунингдек, коллежлар ўқувчилари гуруҳларида (бўлажак мутахассисларнинг

касбий-ижодий компетентлиги) ўтказилган алоҳида тадқиқотларнинг предмети ҳисобланади.

2. “Ижодий компетентлик” тушунчаси турли хил таърифларга эга. Улар бир-биридан фарқ қилади, бироқ уларда айрим ўхшаш элементлар кўзга ташланади, масалан, қуйидагилар: ўқитувчининг одатдаги ва ноанъанавий вазиятлардаги фаолиятининг муваффақиятини таъминлаб берадиган интегратив касбий-шахсий тавсифномаси; ўқитувчининг инновационлилик, мобиллик, креативлик сингари сифат характеристикаларини ўзида жамлаган бўлажак ўқитувчининг интеграллашган касбий-шахсий тавсифномаси; касбий ижодий фаолиятни амалга оширишга нисбатан педагогнинг тайёргарлигини таъминлаб берадиган, махсус билим, кўникма ва мотивларнинг тизимини ҳамда касбий жиҳатдан муҳим бўлган сифатлар тўпламини ўзида мужассамлаштирадиган шахснинг интегратив сифати; ОТМ талабасининг шахс сифати бўлиб, у ўзида нафақат одатдаги, балки ноанъанавий вазиятларда ҳаракат қилиш қобилиятини, таълим олаётганнинг билимлари, тажрибасига таянган ижодий фаолиятга нисбатан қобилияти ва тайёргарлигини акс эттиради.

3. Ўқитувчининг ижодий компетентлиги феномени асосида ётган тушунчалар тизимига қуйидаги тушунчалар киради: “ижод”, “креативлик”, “ижодий фаолият”, “ижодий қобилиятлар”, “ижодий салоҳият”, “компетентлик”, “компетенция”, “компетент ёндашув”.

4. Компетентли ёндашув – бу таълим мақсадларини аниқлаш, таълим мазмунини танлаш, таълим жараёнини ташкил этиш ва таълим натижаларини баҳолашнинг умумий тамойиллари тўпламидир. Мазкур ёндашув бозор иқтисодий шароитларида касбий фаолиятга нисбатан бўлажак мутахассиснинг салоҳияти ва қобилиятларини ривожлантиришини белгилайдиган компетенциялар комплексини эгаллаш учун шарт-шароитлар яратишга таълим жараёнини йўналтиришни таъминлайди.

5. Креатив компетентлик шахснинг кўп омилли хусусияти, инсоннинг ижодий қобилиятини ривожлантиришни таъминлайдиган, кўплаб ҳақиқий,

ностандарт ва фойдали ғоялар ҳамда маҳсулотларни умумлаштириш имкониятини берадиган, шунингдек, ҳаётӣ, касбӣ вазиятларда инсоннинг ижодӣ ҳаракат қилишга нисбатан тайёр шахснинг интеллектуал, эмоционал, ахлоқӣ, иродавий, шахсий сифатлари, билимлари, кўникмалари, малакалари ва тажрибаси тизими сифатида белгиланади. Креатив компетенция ўзида кўидаги компетентларни мужассамлаштиради: креатив (ижодӣ) сифатлар – илҳомланганлик, фантазия, ақлнинг эгилувчанлиги, қарама-қаршиликларга сезгирлик; фикрлар, ҳис-туйғулар, ҳаракатлардан озодлиги; танқидийлик; фараз қилишлик; ўз фикрига эгалик.

6. “Компетентлик” ва “компетенция” тушунчалари ўзаро ўхшаш эмас. Компетентлилик инсоннинг компетентлиликка ва фаолият предметига шахсий муносабатни ўзида мужассамлаштирадиган мос компетенцияни эгаллашни англатади. Компетенцияга шахснинг предмет, ҳодисаларнинг маълум доирасига нисбатан муносабат бўйича белгиланган ва унга муносабат бўйича сифатли маҳсулдор фаолият учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ сифатларининг (билимлари, кўникмалари, малакалари, фаолият усуллари) тўплами киради. Агар компетенция – инсоннинг маълум соҳада самарали, маҳсулдор фаолияти учун зарур бўлган таълим тайёргарлигига нисбатан олдиндан берилган ижтимоий талаб бўлса, компетентлилик шахснинг ўрнатилган сифати (сифатлар тўплами) ва белгиланган соҳада инсон фаолиятининг минимал тажрибасидир.

7. Тадқиқот учун асосий, мураккаб ва муҳим жиҳатларидан бири мактаб ўқитувчиси ижодӣ компетентлигини диагноз қилишни амалда ҳаётга татбиқ қилиш масаласидир. Мактаб ўқитувчиси компетентлиликнинг мазкур тури тузилмавий компонентларини аниқлаш ва белгилаш билан, уларнинг педагогик диагностикаси методикаси билан узвий алоқададир.

8. Педагогик диагностикани педагог фаолиятининг йўналишларидан бири сифатида кўрган маъқул. Педагог фаолиятининг мазмунига англаш, ўлчаш, таълим, тарбия, тараққиёт (шунингдек, педагогнинг малакасини ошириш) педагогик масалаларини оптимал ечиш мақсадида таълим

олаётганнинг шахс хусусиятлари, қобилиятлари ва имкониятларини аниқлаш киради. Мактабдаги педагогик диагностиканинг объекти ўқув-тарбиявий жараёни ва унинг субъектларидир. Педагогик диагностиканинг педагогик жараённинг сифатини бошқариши учун реал маълумотларни олиш бунинг натижаси ўлароқ мактаб ўқитувчилари, касб коллежлари педагогларининг самарали педагогик фаолиятини оширишдан иборат.

9. Педагогик диагностикани кетма-кет келадиган технология сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бу технологиянинг амалга оширилиши етита босқичдан иборатдир: 1) диагноз қилиш объектини аниқлаштириш; 2) режалаштириш; 3) воситаларни танлаш; 4) объект ҳақида маълумотлар тўплаш; 5) маълумотларни ҳисоб-китоб қилиш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш; 6) объект ривожини башорат қилиш; 7) педагогик диагностика натижаларини амалиётга қўллаш.

10. Илмий тадқиқотлар ва мақолаларда ижодий компетентликни ташкил қилувчи компетентларга нисбатан берилган таърифлар ва турли хил фикрларнинг, шунга мос ҳолда касбий таълим педагоги ва мактаб ўқитувчисига бу компонентларнинг мавжудлигини диагноз қилишга нисбатан муаллифларнинг методологик ёндашувларининг кўплиги таъкидланади. Шунга боғлиқ ҳолда мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг диагностикасини амалда ҳаётга татбиқ қилиш масаласи жуда мураккаб ва ноаниқ бўлиб қолмоқда, чунки:

- ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларининг ягона, кўпчилик томонидан қабул қилинган тезауруси ишлаб чиқилмаган;

- педагогик назария ва амалиётда диагностиканинг тадқиқий методлари сезиларли даражада устунлик қилади; шу билан бирга экспресс методика - ижодий компетентлик диагностикаси етарли даражада ишлаб чиқилмаган ҳамда таълим муассасалари (мактаблар, лицейлар, коллежлар ва бошқ.) фаолияти амалиётда бизда ўта кам фойдаланилади.

11. Мактаб фан ўқитувчилари, малака ошириш курсларида ўқиётган ва ўзига–ўзи таълим бериш билан шуғулланаётган ўқитувчиларнинг ижодий компетентлиги ва компетенциялари етарли даражада ўрганилмаган, шунингдек, диссертация ишлари даражасида махсус педагогик тадқиқотларнинг предмети бўлмаган. Экспериментал педагогик тадқиқотларда ўқитувчининг ижодий компетентлиги, компетенциялари масалалари, одатда, қандайдир контекстда кўриб чиқилади ҳамда у ўрганиш предмети ҳисобланади, масалан: ижодий ва педагогик фаолият; педагогик ижод; ижодий қобилиятлар ва ижодий салоҳият; профессионализм, ўқитувчининг педагогик маҳорати.

12. Илмий диссертацияларда ва мақолаларда педагогик ҳодиса ҳисобланган ўқитувчи ижодий компетентлигининг моҳияти ҳақида; таълим муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида уларни яратишнинг адекват ижодий ривожлантирувчи таълимий ва ижтимоий-маданий фазолари ҳамда усуллари ҳақида, шунингдек, ўқитувчи, педагог ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнини илмий-методик ва технологик жиҳатдан таъминлаш тўғрисида яхлит тасаввур етарли даражада тақдим этилмаган.

II БОБ. МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ ИЖОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ НИНГ ДИНАМИКАСИ МОДЕЛЛАРИ, МЕЗОНЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

2.1-§. Ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик моделлари ва ташкилий-педагогик шароитлари

Педагогик объектларнинг тадқиқотларида (тизимлар, жараёнлар, ходисалар; таълим муассасалари, ўқувчилар, ўқитувчи, педагоглар ва ҳ.к.) педагогик моделлар муҳим аҳамият касб этади. Педагогик моделлар моделлаштириш йўли билан яратилади ҳамда аниқ объектни муаллиф томонидан қўйилган тадқиқотнинг ҳал қилинадиган муаммо, мақсадлар ва вазифалари нуқтаи назаридан туриб акс эттирилади.

Маълумки, “модель” (лот. *modulus* - ўлчов) – оригинал объектнинг ўринбосар объекти бўлиб, оригинал айрим хусусиятларининг ўрганилишини таъминлаб беради. Модель деганда, шунингдек, маълумотни қабул қилиш ёки сақлаш мақсадида яратилган махсус объект ҳам тушунилади. Бу объект фикрий образ, белгилар воситасида тавсифлаш ёки мазкур объектнинг субъект томонидан ҳал этиладиган вазифалари учун муҳим бўлган хусусиятлари, тавсифлари, алоқаларини акс эттирувчи моддий тизим шаклида тасаввур этилади.

Моделлаштириш – бу қуйидаги мақсадларда моделни яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир: воқеликни билиш; экспериментлар ўтказиш; лойиҳалаштириш ва бошқариш; объектларнинг хулқ-атворини фараз қилиш; мутахассисларнинг машқи ва таълими; маълумотларни қабул қилиш ва таҳлил қилиш. Шу билан бирга моделлаштириш тадқиқотчи томонидан реал объектнинг ўрнини босадиган моделдан (одатда, тизим шаклида) фойдаланган ҳолда тадқиқотнинг умумилмий методидан фойдаланишдир. Моделлаштириш методидан фойдаланиш тадқиқот предмети сифатида тадқиқотчини қизиқтирган барча маълумотни олиш имкониятини бермайдиган мураккаб объектив реалликни қонуний жиҳатдан таъминлайди.

Шунинг учун реалликни англаш учун нисбатан соддароқ объект-моделлардан фойдаланилади. Улар маълум даражада тадқиқ қилинаётган воқеликка мосдир [25].

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги замонда моделлаштиришнинг умумий назарияси ва методологияси соҳасидаги кўплаб ютуқлар педагогика, психология, социология, экономика, техника ва бошқа фанларда қўлланилади [18; 53; 25; 28; 34; 41; 45].

Моделлаштиришни амалга оширишнинг асосий назарий-методологик асослари бўлиб, қуйидагилар хизмат қилади: 1) моделлаштиришнинг объекти, мақсадлари, тамойиллари; 2) моделлаштиришнинг вазифалари ва босқичлари; 3) моделлаштиришнинг методлари, технологиялари ва воситалари; 4) моделларни амалиётда қўллашнинг ташкилий-педагогик шароитлари – буларнинг барчаси бир бутунича таълим тизимининг амалий тадқиқотларида; таълим ва тарбия жараёнларида; ўқувчилар шахсининг шаклланиши ва ривожланишида амалга оширилди. Моделлаштириш асосларининг маълумотлари, шунингдек, педагогнинг, ўқитувчининг ижодий, касбий-ижодий компетентлигининг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиши бўйича моделлар ишлаб чиқиш жараёнида тадқиқотларда қўлланилади.

И.О.Котлярованинг фикрича, педагогик тадқиқотларда моделлаштирилган воқелик бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: таълим жараёни, унинг элементлари, компонентлари ва у билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳодисалар, жараёнлар (унинг таркибига кирадиган ёки у билан муносабатларда бўладиган, ёки уларнинг асослари, хусусиятлари, қоидалари ва ҳ.к.); таълим тизимлари; методик таъминот тизимлари; таълимнинг мазмуни; ўқув-педагогик таъсир; таълимни бошқариш, шунингдек, шахсий ресурслар (таълимнинг таълим оладиган ва таълим берадиган субъектлари (ўқувчилар, ўқитувчилар, профессор-ўқитувчилар; фан педагоглари ва илмий ходимлар).

Моделнинг технологик ёки методик даражасида акс эттириладиган ёки лойихалаштириладиган объектга, ҳодисага ёки жараёнга боғлиқ ҳолда турли хил таркибларни ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, таълим жараёнининг технологик ёки методик моделлари ўзида фанларнинг дастурлари, ўқув материалларининг мазмуни, топшириқларнинг турлари, танланган материалда таълим жараёнини амалга оширишнинг маълум методлари ва шакллари, натижаларни назорат қилиш, баҳолаш вазифалари, шароитларнинг амалга оширилиши бўйича тадбирлар, таълим жараёнининг коррективкаси усуллари жамлайди [25].

Педагогиканинг асосий категориялари “таълим”, “ўқиш”, “тарбия”, “шахс”, “шаклланиш”, “ривожланиш” бўлганлиги сабабли айнан ўша категориялар педагогик тадқиқотларнинг ва муаллифлик моделларининг асосида ётади. Ўзга илмий курсларда бўлгани сингари педагогикада ҳам “моделлар ёки педагогик объектни тушунтириш, ўрганиш, аниқлаштириш мақсадида тадқиқ қилинаётган педагогик объектни тавсифлашнинг тадқиқий усули сифатида, ёки педагогик объектнинг қурилишига ёки фаолият кўрсатишига унинг модел тавсифи таҳлили асосида таъсир кўрсатиш инструменти сифатида фойдаланилади” [45].

Моделлар ва моделлаштириш ҳақида, уларнинг педагогикада қўлланилиши ҳақида юқорида айтилган умумий назарий қоидаларга таянган ҳолда педагогнинг ижодий ва креатив компетентлигини, шунингдек, касбий-ижодий компетентлигини, ўқитувчининг ижодий салоҳиятини шакллантириш, ривожлантириш муаллифлик моделларини ўрганиш ва аниқлаштириш предмети бўйича илмий диссертациялар ва илмий нашрлар қиёсий таҳлили амалга оширилди. Бунинг натижасида биз томондан тузилмавий компонентлар, педагогик моделларнинг мазмуни ва функциялари, шунингдек, ташкилий-педагогик шароитлари ажратилди ҳамда улар асосида амалиётда моделларнинг амалга оширилишига эришилди (қуйига қаранг, жадвал 2.1.1).

Шундай қилиб, мазкур жадвалда биз томондан тавсия этилган ўқитувчи, педагогнинг ижодий, креатив компетентлиги, касбий-ижодий компетентлиги, ижодий салоҳияти шаклланиши ва ривожланишининг муаллифлик модели ва ташкилий-педагогик шароитлари уларнинг блоклар, компонентлар таркибидаги фарқларни (модель 3 дан 8 гача; ташкилий-педагогик шароитлар 3 дан 5 гача) ҳамда уларнинг мазмунидаги ва амалий қўлланилишидаги айрим ўхшашликларни аниқ кўрсатиб турибди.

Маълум бўлдики, тадқиқотчилар, одатда, 3- ва 4-блоклардаги тузилмавий-функционал моделлар ва ташкилий-педагогик шароитлардан фойдаланишади. Тузилмали-функционал моделлар, ташкилий-педагогик шароитлар касбий таълим бўлажак мактаб ўқитувчиси, педагогининг ижодий, креатив компетентлиги, касбий-ижодий компетентлиги, ижодий салоҳияти пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши бўйича самарали натижаларни беради.

Бироқ юқорида кўриб ўтилган моделлар ва ташкилий-педагогик шароитларнинг муаллифлик талқинларида уларнинг амалга оширилиши (жадвал 2.1.1.), шунингдек, ижодий компетентлик [27; 107; 109; 126], касбий-ижодий компетентлик [52; 84; 103; 104; 35; 108], шунингдек, касбий компетентлик [50; 57; 18; 19; 20; 65; 82; 101; 105] муаммолари бўйича бошқа манбаларда қуйидаги блоклар, компонентлар кам учрайди:

“компетентликнинг диагностик мезонлари ва кўрсаткичлари”,
“компетентликни шакллантириш, ривожлантиришнинг методикалари, технологиялари”.

Бундан ташқари, таъкидлаш лозимки, айрим илмий диссертациялар ва илмий нашрларда (мақолалар, монографиялар) муаллифлар ўзлари томонидан ишлаб чиқилган моделларни тавсия қиладилар, бироқ қандай ташкилий-педагогик шароитлар ҳисобига уларнинг муваффақиятли реализацияси амалга оширилаётганлигини кўрсатишмайди. Ёки, аксинча, фақатгина педагогик, ташкилий-педагогик шароитлар тавсифи берилган, бироқ биз томондан В.В.Казанцева [79], Р.У.Гильмутдинова [61],

В.Г.Жуковларнинг [66] ишлари мисолида кўрсатилган 2.1-жадвалдаги моделлар йўқ.

2.1-жадвал

Ўқитувчининг, педагогнинг ижодий, креатив компетентлигини; касбий-ижодий компетентлиги ва ижодий салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш моделлари

№	Муаллиф, манба	Моделнинг структураси ва мазмуни	Ташкилий-педагогик шароитлар
1.	А.В.Туголмин. “Бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигининг шаклланиши ва ривожланиши”. Чебоксары, 2009 [117]	<p>Бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигининг шаклланиши ва ривожланиши модели қуйидагиларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бошқарадиган, бошқариладиган, технологик системлар компетенциялари; - умумпедагогик, методик ва специфик шароитлар комплекси; - асосий компонентларнинг характеристикаси; - турли хил касбий-типологик шартлар билан боғлиқ бўлган талабаларнинг индивидуал таълим маршрутлари. <p>Бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигининг пайдо бўлиш ва ривожлантириш модели компонентлари сифатида қуйидагилар қатнашади: мақсад, вазифалар, принциплар, мазмун, шакллар ва методлар, воситалар, мезонлар ва натижа. Модель бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигининг пайдо бўлиши ва ривожланишини таъминлаб берадиган педагогик жараёни ташкил этишга нисбатан талабларни белгилайди.</p>	<p>Бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг самарадорлигини таъминлаб берувчи педагогик шароитлар қуйидагилардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> - умумпедагогик (тизимли ёндашувни амалга ошириш, узлуксиз таълим босқичларида ижодий ривожланаётган таълим майдонларини яратиш); - методик (компетентли ёндашувни амалга ошириш, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион таълим технологияларини эгаллаши, илмий-тадқиқот фаолияти активизацияси); - махсус шартлар (шахсга тааллуқли ёндашув реализацияси, талабаларнинг интеллектуал ва маънавий, ижтимоий ва индивидуал, норматив ва ижодий ривожланиши). <p>(Изоҳ: мазкур моделда жами 3 блок ва 8 компонентлар. Педагогик шартлар элементларнинг шахсий тўплами билан 3 та асосий компонентдан ташкил топган).</p>
2.	Т.А.Марфутенко. Информатика бўйича эвристик вазифаларнинг воситалари ёрдамида педагогик ОТМлар талабалари ижодий компетентлигини шакллантириш. Владикавказ, 2012 [28]	<p>Информатика бўйича эвристик вазифаларнинг воситалари ёрдамида педагогик ОТМлар талабалари ижодий компетентлигини шакллантириш қуйидаги блоклардан ташкил топган:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мақсадли; - методологик; - диагностик; - мазмуний; - процессуал; - натижавий. <p>Мазкур блоклар педагогик жараёнининг бинар моҳиятини белгилаб берадиган ижодий касбий фаолиятнинг ўзига хослигини ягона тизимда қамраш имкониятини беради.</p> <p>(Изоҳ: модель 6 та блокдан ташкил топган; модел амалга оширишнинг ташкилий - педагогик</p>	<p>Педагогик ОТМ ижодий компетентлиги шаклланиши модели амалга оширилишининг ташкилий-педагогик шартлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - информатика бўйича таълим жараёнига интерфаол, эвристик таълимни уларнинг ўзаро кесишадиган шакллари ва методлари билан сингдириш (кириш практикуми, ғоялар генерацияси практикуми, индивидуал ишлар бўйича практикум, гуруҳий иш билан практикум, кидирув практикуми, танлов бўйича гуруҳларда практикум, “айлана стол”- практикум, ўзини-ўзи ташкил қиладиган практикум, обзор практикум, практикум – кўргазма, рефлексив практикум, ПОПС формула, ақлий ҳужум, лойиҳалар методи, ишга оид ўйинлар, case-

		шароитлари элементларнинг шахсий тўплами билан 3 та асосий компонентлардан ташкил топган).	study, фокус-гурӯҳ, айлана стол, қарор қабул қилиш дарахти, видеоконференция, интерфаол экскурсия, “позицияни эгалла”, портфолио метод); - информатика бўйича таълим жараёнини когнитив, креатив ва ташкилий фаол типларнинг эвристик вазибалари билан тўйинтириш; - талабаларни бўлажак касбга тайёрлаш доирасида мустақил ижодий фаолиятга боғлаш (таълим берувчи семинарлар, практикум-кўргазмалар, таълим берувчи курслар, мультимедиа дарсларининг конкурсларини ташкил қилиш ва ўтказиш).
3.	Е Вострокнутов. Илмий-тадқиқот фаолиятида техник ОТМ талабалари касбий-ижодий компетенциясининг шаклланиши Тольятти, 2015 [59]	Илмий-тадқиқот фаолиятида техник ОТМ талабаларининг касбий-ижодий компетенцияси шаклланишининг педагогик модели ўзаро бир-бири билан мантқан боғланган қуйидаги блоклардан иборат: - мақсадли; - мазмунли; - операцион - фаолиятли; - баҳоли-натижали. (Изоҳ: техник ОТМ талабалари касбий-ижодий компетенцияси шаклланишининг мазкур модели 4 та блокдан ташкил топган. (Модел реализациясининг ташкилий-педагогик шароитлари элементларнинг шахсий тўплами билан 5 та асосий компонентдан иборат).	Илмий-тадқиқот фаолиятида техник ОТМ талабалари касбий-ижодий компетенцияси шаклланишининг самарадорлиги қуйидаги ташкилий-педагогик шароитларнинг мавжудлиги билан белгиланади: -мотивацион (илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш механизмлари; талабаларни кафедраларда меҳнатни баҳолаш билан илмий-тадқиқот ишларини бажаришга жалб қилиш); -дидактик (ўқув тадқиқот, ўқишдан ташқари илмий-тадқиқот фаолиятларининг ўзаро алоқаси; илмий тадқиқот фаолиятида иштирок этиш учун талабаларга информация, моддий-техник ва бошқарув ёрдамларини бериш); -коммуникацион (талабалар, илмий-педагогик ходимлар, қорхоналар ва бизнес вакиллари орасида узлуксиз ўзаро таъсирни ташкил этиш; ОТМда оммавий илмий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш); -инфратузилмавий (ОТМда илмий-инновацион инфраструктура объектларининг мавжудлиги; ўзини ўзи бошқарадиган лойиҳали йўналган талабалар микроструктурасининг мавжудлиги); -технологик (илмий тадқиқотларни ўтказиш учун ресурс таъминоти; ОТМда илмий-ишлаб чиқариш фаолиятига талабаларни жалб этиш).
4.	А.Н.Кулибеков. Тармоқли ўқув курсларидан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрларнинг касбий-ижодий	Тармоқли ўқув курсларидан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрларнинг касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш модели 6 та блокни ўзига қамраб олади: - педагогик моделнинг мақсади.	- тармоқлардан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрларнинг касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш даражалари; - тармоқли технологиялардан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрларнинг касбий-ижодий

	<p>компетентлигини шакллантириш. Махачкала, 2019 [87]</p>	<p>тармоқли ўқув курсларидан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрларнинг касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш ва ундан келиб чиқадиган вазифалар: ижодий фаолиятда иштирок этишга нисбатан кадрятлар установақасини ривожлантириш; педагогик фаолиятни амалга оширишнинг самарали усулларини эгаллаш; ностандарт педагогик вазифаларни ҳал этишнинг замонавий шакллари, воситалари ва методларидан фойдаланиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - моделнинг амалга оширилиш тамойиллари (ижодий масалаларни ечиш асосида касбий фаолиятни ташкил этиш; шахсий педагогик тажриба ва ҳамкасабаларнинг педагогик тажрибаси; касбий фаолиятнинг индивидуаллаштириштирилши; <p>тармоқли технологиялардан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрлар касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш натижаларининг фаоллаштирилиши);</p> <ul style="list-style-type: none"> - тармоқли технологиялардан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрларнинг касбий-ижодий компетентлигининг компонентлари; - тармоқли технологиялардан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрларнинг касбий-ижодий компетентлигини шакллантиришнинг мезонлари; 	<p>компетентлигини шакллантириш воситалари; шакллар; методлар; воситалар.</p> <p>тармоқли ўқув курсларидан фойдаланган ҳолда бўлажак магистрларнинг касбий-ижодий компетентлигини ташкилий-педагогик шароитлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўзини-ўзи идентификациялаш ва ўзини - ўзи фаоллаштириш қобилиятига эга бўлган шахснинг субъективлигига йўналтириш; - креатив муҳитни яратиш; <p>тармоқли ўзаро таъсир шароитида ўқитувчи ва магистрлар алоқаси усуллари;</p> <ul style="list-style-type: none"> - таълим жараёни сифатига ижобий таъсир кўрсатувчи бўлажак магистр субъектлигининг ривожланишига кадрятли муносабат; - бўлажак магистрларнинг касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш жараёнининг тармоқли ўқув курси (бунда алоҳида жой “Педагогик таълимда портал технологиялари” блокини танлаш бўйича ажратилади, Портал технология тармоқ технологияларидан фойдаланиш бўйича асосий таркиб ҳисобланади. <p>(Изох: модель реализациясининг ташкилий-педагогик шароитлари элементларнинг шахсий тўплами билан 3 та асосий компетентни қамраб олади).</p>
5.	<p>Н. А Пахтусова. ОТМда бўлажак педагогларда касбий-ижодий компетенция шароитларида касбий таълимни шакллантириш 2011 [104]</p>	<p>Касбий таълимдаги бўлажак педагогларда касбий-ижодий компетенцияни шакллантиришнинг структурали-мазмуний модели педагогик тизим ҳисобланиб, у ўзида қуйидаги ўзаро боғлиқ компетентларни мужассамлаштиради (жами 5 та):</p> <ul style="list-style-type: none"> мақсадли; методологик; мазмуний; жараёнли-технологик; диагностик-нативажавий <p>Моделнинг мақсадли компоненти касбий таълим бўлажак педагогларининг касбий ижодий компетенциясини шакллантиришнинг мақсадлари ва вазифалари тизимини ўзига сингдиради. Бу компонент тизимни ташкил этувчи ҳисобланади ва бошқа компонентларга нисбатан муносабати бўйича бошқарувчи инстанция сифатида иштирок этади; уларнинг мазмуний томонларини ишлаб чиқишнинг белгиловчи омили бўлиб хизмат қилади.</p>	<p>Модель (давоми):</p> <p>Процессуал - технологик компонент касбий таълимдаги бўлажак педагоглар фаолиятининг иккиланганлик характери ёрдамида таъминланган икки блокли тузилма билан характерланади, ОТМ шароитларида таълим олаётган талабалар касбий-ижодий компетенцияни шакллантириш стратегиясини акс эттирадиган ўзаро боғлиқ, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, жараёнли ва технологик блоклари мавжуд.</p> <p>Жараёнли блок бўлажак педагоглар ижодий салоҳиятининг ривожланишига, ўзини - ўзи реализация қилишига, ўзини - ўзи такомиллаштиришига ва ўзини - ўзи билишига ёрдам берадиган, уларнинг касбий-ижодий компетенцияси шаклланишининг асоси ҳисобланган шахсий ижодий ўзини - ўзи ривожлантириши жараёнини акс эттиради ҳамда таълим жараёнига, унинг асосий</p>

		<p>Мақсад – ОТМ шароитларида касбий таълимдаги бўлажак педагогларда касбий-ижодий компетенцияни шакллантириш.</p> <p>Моделнинг методологик компоненти тадқиқ қилинаётган муаммонинг асосида ётадиган методологик ёндашувлар (тизимли, синергетик, компетентли ва фаолиятли) ва принципларнинг тўпламидир; уларнинг сақланиши касбий таълимдаги бўлажак педагогларда касбий-ижодий компетенцияни шакллантириш жараёнини бошқаради.</p> <p>Мазмуний компонент касбий таълимдаги бўлажак педагогларда касбий-ижодий компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёни мазмунининг бор ҳажмини ўзига сингдиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - психологик-педагогик цикл фанлари ўқув дастурларининг мазмуни, - электив ва факультатив курслар, - “Педагог шахсининг ўзини ўзи касбий-ижодий ривожлантириши асослари” муаллифлик маҳсус курсининг дастури. 	<p>йўналишларига йўналиш беради, шу билан бўлажак педагог сифат тайёргарлиги самарадорлигини таъминлайди.</p> <p>Касбий таълим бўлажак педагоглари касбий иждодий компетентцияси шаклланиши моделининг самарали фаолиятининг педагогик шароитлари:</p> <p>а) касбий таълим бўлажак педагоглари иждодий салоҳиятининг уларни рефлексия асосида ўзини ўзи диагностика қилиш орқали очилишига таъсир кўрсатиш;</p> <p>б) касбий иждодий компетенция (мотивацияли, когнитив ва фаолиятли) компонентларининг интеграциясини, босқичма-босқич шаклланишини таъминлаб берадиган ҳамда касбий таълим бўлажак педагоглари касбий тайёргарлигининг ўзига хослигини акс эттирадиган касбий йўналганликнинг турли даражадаги иждодий масалалар комплексини ўқув жараёнида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;</p> <p>в) таълимнинг касбий таълим бўлажак педагоглари назарий билимларининг касбий вазиятларни моделлаштириш ёрдамида шахсий амалий иждодий тажрибага айланишини таъминлаб берадиган имитацияли ва лойиҳали методларини қўллаш. (Изоҳ: мазкур модель реализациясининг ташкилий педагогик шароитлари элементлар тўплами билан 3 та асосий компонентни ўзида қамраб олади).</p>
6.	<p>В.В.Казанцева Ўзига- ўзи таълим бериш фойлиятида бошланғич мактаб ўқитувчисининг иждодий компетентлигини шакллантириш. [79]</p>	<p>Бошланғич мактаб ўқитувчисининг иждодий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик модели куйидаги таркибларни ўзида мужассамлаштиради (жами – 6 та блок):</p> <ul style="list-style-type: none"> - педагогик моделнинг мақсади ва вазифалари; мақсадлари: бошланғич мактаб ўқитувчисининг иждодий компетентлигини шакллантириш ва улардан келиб чиқадиган вазифалар: иждодий фаолиятда иштирок этишини ривожлантириш; педагогик фаолиятни амалга оширишнинг самарадор усулларини эгаллаш; ностандарт педагогик вазифаларни ҳал этишнинг ҳозирги замон шакллари, воситалари ва методларидан иждодий фойдаланиш; - педагогик модель реализациясининг принциплари (ижодий масалаларни ҳал этиш 	<p>Модель (давоми):</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўзига-ўзи таълим бериш фойлиятида бошланғич мактаб ўқитувчиси иждодий компетентлигини шакллантиришнинг мезонлари (ўқитувчи касбий фаолиятида иждодга йўналтириш; иждодий масалаларни ҳал этишда ўқитувчининг функционал тайёргарлиги; вербал креативлиги); - ўзига - ўзи таълим бериш фойлиятида бошланғич мактаб ўқитувчисининг иждодий компетентлигининг шаклланганлик даражалари (паст, ўрта, юқори); - ўзига - ўзи таълим бериш фойлиятида бошланғич мактаб ўқитувчисининг иждодий компетентлигини шакллантиришнинг босқичлари (диагностик, конструктив, рефлексив); шакллар (ўзига - ўзи таълим; иждодий устахона); методлар

		<p>асосида ўзига ўзи таълим фаолиятини ташкил этиш; шахсий педагогик тажрибасига ва ҳамкасбларининг педагогик тажрибасига таяниш; ўзига ўзи таълим бериш фаолиятини индивидуаллаштириш; ўқитувчи ижодий компетентлигини шакллантиришнинг натижаларини фаоллаштириш);</p> <p>- ўзига ўзи таълим жараёнида бошланғич мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг компонентлари (қадриятли-мотивацияли; когнитив-конструктив; рефлексив-мақсадли);</p>	<p>(қисман-қидирувчи, қидирувчи, лойиҳавий, тренингли (коучинг), тажриба тадқиқоти); воситалар (ўзига-ўзи таълим бериш фаолиятида бошланғич мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик технологияси).</p> <p>(Изоҳ: В.В. Казанцеванинг ишида ташкилий-педагогик шароитларнинг муаллифлик ишланмаси масаласи қўйилмаган.</p>
7.	<p>Р.У Гильмутдинова. Креатив компетентлик ва унинг тузилиши 2013 [61]</p>	<p>Креатив компетентликнинг илмий ҳаммуаллифликда шаклланиши модели қуйидаги компонентлар тўпламидан иборат: мақсадли, методологик, мазмуний, ташкилий ва модулли.</p> <p>Бўлажак педагог креатив компетентлиги мақсад бўлиб, у қуйидаги мезонлардан ташкил топади (айнан креатив, коммуникатив, буйруқ компетенциялари), шахснинг сифатлари (муваффақиятга етишиш мотивацияси, қизиқувчанлик, ташаббускорлик, таваққалга мойиллик) ва кўрсаткичлар ва даражалар билан аниқланади: паст, ўрта, юқори.</p> <p>Моделнинг методологик компоненти компетентли, тизимли фаолиятли ва герменевтик ёндашувлардан иборат.</p> <p>Методологик компонентга биз, шунингдек, бўлажак педагог креатив компетентлигининг шаклланиши тамойилларини ҳам киритдик: очиқлик, узлуксизлик, эгилувчанлик, тушуниш, ўзаро мулоқотга киришувчанлик, доминантлик, рефлексивлик, рамзийлик.</p> <p>Бўлажак педагог креатив компетентлигининг ўзаро илмий ижодда шаклланиши моделининг мазмуний компоненти сифатида ўқув ва ўқувдан ташқари вақтда амалга ошириладиган илмий-тадқиқот фаолиятида юзага чиқади.</p> <p>Биринчи навбатда, талабалар ўқув режасида кўрсатилган “Педагогикада тадқиқот методлари”, “Психологик-педагогик тадқиқотларнинг методологияси ва методикаси”, “Психолог-педагогик практикум” фанларни ўрганади; таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларида мустақил тадқиқот босқичлари билимлар ва кўникмаларни ривожлантиради.</p> <p>Иккинчи навбатда, талабаларнинг</p>	<p>Модель (давоми)</p> <p>Бўлажак педагог креатив компетентлигининг ташкилий шаклланиши илмий-тадқиқот фаолиятида – ўзаро илмий ижодда (бўлажак педагог креатив компетентлиги шаклланиши модели компоненти) педагогик жараёнлар субъектларининг ўзаро таъсири методи ёрдамида амалга оширилади.</p> <p>У оралик (мониторинг ва диалог) ва кетма - кет фазалардан (“учрашув”, тушуниш, тафаккур, фаолият) реализациясидан иборат. Илмий-тадқиқот маҳсули ва шахсий ўзгаришлар уларнинг натижаси ҳисобланади.</p> <p>Модул дастурда акс этадиган модуль компонент. Модулар эгилувчан ва эркин бўлиб, мақсаддан, компетенциялар тўпламидан ва шахс сифатларидан, материалнинг мазмунидан, ташкил этиш шакли, назоратдан (ўзини-ўзи назорат, ўзаро назорат) ташкил топган комплекс танловидан иборат.</p> <p>Муаллифлик модул дастури 4 та модулдан ташкил топган: фанга оид, тренингли, аудиториядан ташқари, курс иши (курсларнинг модули).</p> <p>Шундай қилиб, бўлажак педагог илмий ўзаро ижоддаги креатив компетентлигининг шаклланиш модели ОТМда илмий-тадқиқот фаолиятида мазмунан акс этган маҳсус ташкилий жараёндан иборат бўлиб, у ўзида илмий ўзаро ижод маълум модулларини ўзлаштириш эвазига илмий-тадқиқот фаолиятида педагогик жараён субъектларининг ўзаро таъсир методини мужассамлаштиради, бу эса мақсадга эришишга, айнан бўлажак педагогнинг шаклланиши креатив компетентлигига олиб боради.</p> <p>(Изоҳ: Р.У.Гильмутдинованинг ишида ташкилий-педагогик шароитларнинг муаллифлик</p>

		иши талабаларнинг илмий жамиятларида, илмий тўғараклар ва семинарларда, турли хил конкурсларда, грантларда, турли хил даражадаги конференцияларда, олимпиадаларда ва ҳ.к.	ишланмаси масаласи қўйилмаган).
8.	В. Г Жуков. Коллежнинг ўқув-ишлаб чиқариш жараёнида бўлажак мутахассислар касбий-ижодий компетентлигининг шаклланиши Новосибирск, 2012 [66]	<p>Ўрта касбий таълим муассасалари талабалари касбий-ижодий компетентлиги шаклланишининг ташкилий-педагогик шароитлари.</p> <p>Ўрта касбий таълим муассасалари талабалари касбий-ижодий компетентлиги шаклланиши жараёнининг тадқиқотлари жараёнида амалга оширишнинг қуйидаги босқичлари аниқланди: диагностик, мотивацияли, ташкилий, бошқарув, баҳолаш.</p> <p>Бўлажак мутахассислар касбий-ижодий компетентлигининг коллеж базасида шаклланиши ташкилий-педагогик шароитлар тўплами билан таъминланади: ўрта касбий таълим муассасалари ўқитувчилари, талабалари ўртасидаги ўзаро таъсирнинг мақсадлари, мазмуни, шакллари ва методлари, ўзига ўзи таълим тадқиқот фаолиятини амалга оширишнинг босқичлари ва даражалари.</p>	<p>Ташкилий-педагогик шароитлар Коллеж талабаларида касбий-ижодий компетентликни самарали шакллантириш қуйидаги ташкилий-педагогик шартларни бажаришда амалга оширилиши мумкин: касбий-ижодий фаолиятга нисбатан мотивацияни ривожлантириш, талабаларнинг ўзига ўзи таълими, тадқиқот, амалий-йўналган фаолиятга босқичма-босқич боғланиш; талабаларнинг узлуксиз касбий-ижодий қўллаб-қувваташини таъминлаш; коллеж ва унинг ижтимоий шерикларининг ўзаро таъсири.</p> <p>(Изоҳ: В.Г.Жукованинг тадқиқотларида бўлажак мутахассислар касбий-ижодий компетентлиги шаклланиши моделининг муаллифлик ишланмаси масаласи қўйилмаган).</p>
9.	Н.В.Мартишина. Узлуксиз педагогик таълим тизимида педагог ижодий салоҳиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши Рязань, 2009 [29]	<p>Узлуксиз таълим тизимида унинг касбий-шахсий шаклланиши ва ривожланиши контекстида педагог ижодий салоҳиятини пайдо қилиш ва ривожлантиришнинг назарий модели қуйидагиларнинг яхлитлигидан иборат: мазкур моделни амалга ошириш натижаси сифатида мақсадлар; асосий йўналишлар; устувор тизимлар ва технологиялар; таълим жараёнини ташкил қилишнинг шакллари, педагогнинг ижодий ривожланишига ёрдам берадиган шакллар.</p> <p>(Изоҳ: моделда жами 7 та блок ва 4 та унинг амалга оширишни таъминлаб берадиган компонентнинг педагогик шартларидан ташкил топган таркиби мавжуд).</p>	<p>Педагогик шароитлар.</p> <p>Педагог ижодий салоҳиятининг шаклланиши ва ривожланиши самарадорлиги қуйидаги шартлар билан таъминланган:</p> <ul style="list-style-type: none"> - фаоллик, мустақиллик, ички озодлик, педагогнинг рефлексивлиги; - касбий тайёргарликни лойиҳалаштириш ва ташкил этиш, малака ошириш, педагогларнинг қадриятли-ижодий асосдаги фаолияти; - педагог касбий-шахсий шаклланиши ва ривожланишининг ижодий бирга кечишини таъминлаш, ҳамкорлик, ўзаро ижод; - инсонпарварлик, - инновацион ривожлантирувчи ижодий муҳит.

Шундай қилиб, буларнинг барчаси, бизнинг фикримизча, ўқитувчи, педагогнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш муаммоси бўйича тадқиқот ишланмаларидаги мавжуд камчиликларни ифодалайди ва аниқлаштиради ҳамда муаммонинг мос моделлар ва ташкилий-педагогик шароитлар асосида экспериментал жиҳатдан ечимини топади. Мос моделлар, ташкилий-педагогик шароитлар компетентлик мазкур турининг шаклланиши,

ривожланиш мезонлари ва кўрсаткичларини, баҳоси, методикалари, технологиясини ўзида мужассамлаштириши лозим.

2.2-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантириш даражасининг мезонлари ва кўрсаткичлари

Биз томонимиздан қилинган муаллифлик моделлари ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлар таҳлили компетентликнинг мазкур турининг ривожланиш даражасини (босқичини) баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш заруратини юзага чиқарди. Муаллифлик моделлари ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлар асосида мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини экспериментал ривожлантириш амалга оширилади.

Шу билан бирга, мазкур масала бўйича бир қатор илмий манбаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, ижодий компетентликнинг тузилмавий компонентларини тушунишга боғлиқ ҳолда тадқиқотчилар турли хил ўзаро бир-биридан фарқ қиладиган мезонлар ва кўрсаткичлардан фойдаландилар. Бироқ баъзи бир илмий ишлардан ижодий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг маълум мезонлари, кўрсаткичлар бўйича муаллифларнинг бир хил позициялари аниқланди. Бу мезонлар ва кўрсаткичлар ОТМларда, касб – ҳунар коллежларида, шунингдек, педагог ходимларнинг малакасини ошириш курсларида таълим олаётган бўлажак ўқитувчилар ёки мутахассислар билан олиб борган ишларида апробациядан ўтган. Қуйида мазкур ишларни батафсил кўриб чиқамиз.

А.В.Тутолминнинг тадқиқотларидан маълум бўладики, бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг мезонлари ва кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: 1) гносеологик фаоллик (ижодий компетентликнинг касбий – таълимий компоненти мезони); кўрсаткичлари: методологик, интеллектуал, тадқиқотий, психологик, педагогик, креатив компетенция; 2) технологик мобиллик (ижодий компетентликнинг шахсий ривожлантирувчи компонентининг мезони);

кўрсаткичлар: фаолиятнинг ижодий характериға йўналганлик; эмпатия, креативлик, рефлексивлик, коммуникативлик, кузатувчанлик, импровизация.

Шундай қилиб, ижодий компетентликнинг тузилмасига учта асосий компонент киради: касбий таълимий, фаолиятли ривожлантирувчи, шахсий ривожлантирувчи. Биринчи икки компонент турли хил компетенцияларнинг кўрсаткичларига асосланган мезонлар асосида баҳолашга тааллуқли, учинчиси эса – ўқитувчининг шахсий сифатлари кўрсаткичларига тааллуқлидир. Шу билан бирга, муаллиф ижодий компетентликка одатдаги ва ноодатий педагогик ҳолатларда ўқитувчи фаолиятининг муваффақиятини таъминлайдиган унинг интегратив касбий-шахсий тавсифи, дея таъриф беради. Шундан сўнг, таъкидлайдики, ижодий компетентликнинг тузилмасига қуйидагилар киради: умуммаданий эрудиция ва педагогик тафаккур; махсус касбий қобилият ва малакалар; ижодий аҳамиятга молик шахсий сифатлар мажмуасидан иборат бўлган ижодий тайёргарлик. Ижодий компетентликни, шунингдек, педагогик меҳнат жараёнида амалга ошириладиган ижодий фаолиятга нисбатан бўлажак ўқитувчининг касбий билимлари, педагогик маҳорати, тайёргарлигининг синтези ва яхлитлиги сифатида тасвирлаш мумкин [117].

Муаллифнинг ижодий компонентликнинг тузилмаси ва компонентлари ҳақидаги бундай фикрларини қиёслаш жараёнида биз шу нарсани аниқлаймизки, улар мазмуни бўйича ҳам, компонентларнинг таркиби бўйича ҳам (уларнинг ягона тушунчаси йўқ) ўзаро мос тушмайдилар. Шунинг учун савол туғилади: “Ўқитувчи ижодий компетентлигининг тузилмаси деганда нимани тушуниш мумкин? Мазкур компетентликни ривожлантириш учун қандай компонентларни, мезон ва кўрсаткичларни, шунингдек, технологияларни ишлатиш мумкин бўлади?”.

Бундай саволларга жавобни излаш ва топиш мақсадида биз ўзга муаллифларнинг ишларига ҳам эътиборимизни қаратдик.

Шундай қилиб, В.В.Казанцеванинг фикрига кўра, бошланғич синф ўқитувчисининг ижодий компетентлиги тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- қадриятли-мотивацияли компонент (ўқитувчининг ижодий ўзини - ўзи ривожлантиришга нисбатан мотивацияси билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари, ижодий компетенцияни шакллантиришнинг ўзига ўзи таълим бериш дастурига қадриятли - маъноли йўналганлик киради);

- когнитив - конструктив компонент (бошланғич синфда ижодий фаолиятни амалга ошириш, ташкил этишнинг билим ва кўникмаларидан иборат);

- рефлексив - мақсадли компонент (педагогик фаолиятни ўзи таҳлил ва диагноз қилиш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиси ижодий компетентлигининг шаклланганлик даражасини аниқлаш киради) [79].

Мазкур тузилмавий компонентларга мувофиқ ҳолда бошланғич синф ўқитувчиси ижодий компетентлиги шаклланганлик даражасининг учта мезони фарқланади:

1) ўқитувчининг касбий фаолиятидаги ижодга йўналганлиги; кўрсаткичлари: шахснинг ижодий йўналганлиги; шахснинг ижодий имкониятлари; қадриятлар йўналганлиги;

2) ижодий масалаларни ечишга нисбатан ўқитувчининг функционал тайёргарлиги; кўрсаткичлари: илмий-назарий, методик тайёргарлиги ва ижодий фаолиятга нисбатан ўқитувчининг шахсий тайёргарлиги;

3) вербал креативлик; кўрсаткичлар: оригиналлиги, универсаллиги, маҳсулдорлиги.

Бошланғич синф ўқитувчиси ижодий компетентлиги шаклланганлигининг мазкур мезонлари уларнинг даражали юзага чиқишларини ўрганиш учун асосийси ҳисобланади. Ажратиб кўрсатилган мезонлар ва кўрсаткичларга мувофиқ ҳолда бошланғич синф ўқитувчиси ижодий компетентлиги шаклланганлигининг қуйидаги даражалари аниқланган: паст, ўртача, юқори [79].

Шундай қилиб, А.В.Тутолминнинг ишларида, В.В.Казанцеванинг тадқиқотларида ўз аксини топган бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлиги ривожланишининг мезонлари ва кўрсаткичларидан фарқли ўларок, бошланғич синф ўқитувчиси ижодий компетентлиги шаклланганлигининг мос ҳолда мантиқий боғланган, ўзаро бир-бирига мос бўлган тузилмавий компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларидан иборат.

Т.А.Марфутенко тадқиқотларида бўлажак педагоглар ижодий компетентлиги тузилмасида қуйидагилар фарқланади: мотивацияли, когнитив, креатив ва ташкилий-фаол компонентлар. Педагог ижодий компетентлиги шаклланганлигининг мезонларига қуйидагилар киради:

- мотивацияли (билиш ва ижод жараёнида маълум мақсад ёки натижага эришишга шахснинг йўналганлиги);

- билиш (билиш жараёнига йўналган алоҳида фаолият, талабанинг ўқишга интилиши, фикрий ва амалий фаолиятга нисбатан ундаш);

- ижодий (талаба шахси ижодий сифатлари кучайишини ифодалайдиган фаолият);

- ташкилий-фаол (шахснинг билиш ҳамда ижод жараёнига йўналган ўзининг ва ўзгаларнинг фаолиятини ташкил қилишга интилиш);

- фаоллик мезони [94].

Педагог ижодий компетентлиги шаклланганлигининг асосий кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- мотивацияли-қадриятли (педагог томонидан ўз касбий фаолиятида ижоднинг ролини англаш, ижодий қидирувга илҳомланганлик, стереотипларни енгишда ташаббускорлик);

- билиш-баҳолаш (атроф-муҳитни ўзлаштириш, ҳодисаларнинг сабабларини излаб топиш, муаммога ўз қарашини билдириш кўникмаси);

- эмоционал-ижодий (ижод билан қизиқиш, эмоционал кўтарилиш, ғояларнинг чуқурлаштирилиши, башорат қилиш);

- рефлексив-фаол (мақсадни қўя билиш, бу мақсадга эришиш учун ўзининг ва ўзгаларнинг фаолиятларини ташкил эта билиш кўникмаси, рефлексия) [28].

Мазкур ишда, шунингдек, бўлажак педагоглар ижодий компетентлиги шаклланганлигининг бир-бирига мос, ўзаро мувофиқ бўлган тузилмавий компонентлар, мезонлар ва кўрсаткичлари ўз аксини топган.

Мутахассис ижодий компетентлигининг бошқа тузилмавий компонентлари И.Б.Отческаяннинг илмий ишларида кўриб чиқилади – бу ижодий қобилиятлар, билимлар, кўникмалар, малакалар, мотивацияли йўналганлик, шунингдек, креатив маҳорат ва креатив қобилиятлар. Шу билан бирга, муаллиф мақоласида қуйидаги даражалар бўйича тақсимланадиган ижодий компетенциялар ривожининг мезонлари ва кўрсаткичлари кўриб чиқилади:

Ижодий компетенция ривожининг юқори даражаси қуйидаги сифатларнинг мавжудлиги билан характерланади: баҳолаш кўникмаси, кўплаб муқобилликдан танлов қилиш (элегантлик, гўзаллик, соддалик мезонлари); нутқнинг янги ғояни сўзларга енгилгина айлантирадиган тезлиги; хотиранинг тайёргарлиги, айлантириш қобилияти, кўчириш қобилияти, янги муаммоларни ҳал этиш ёки қўйиш шароитларида оригинал ғояларни дунёга келтириш қобилияти (оригиналлик), муаммоларни ҳал этиш жараёнида турли хил стратегияларни қўллаш қобилияти (тафаккурнинг эгилувчанлиги), пайдо бўлган ғояларни мукамал ишлаб чиқиш қобилияти (ишлаб чиқилганлик), ғояларни уйғотиш енгиллиги (енгиллик), ассоциацияларнинг узоқлиги ва оригиналлиги, ҳодисаларнинг битта синфидан бошқасига енгилгина кўчириш (эгилувчанлик), қизиқишнинг асосий даражасининг юзага чиқиши, муаммоли вазиятларни ҳал этишдаги шижоат.

Ижодий компетенция ривожининг ўрта даражаси бу даража ўзида пайдо бўлган ғояларни мукамал ишлаб чиқиш қобилияти (ишлаб чиқилганлик), ғояларни уйғотиш енгиллиги (енгиллик), кўплаб

муқобилликлардан танлов қилиш (элегантлик, гўзаллик, соддалик мезонлари); нутқнинг янги ғояни сўзларга енгилгина айлантирадиган тезлиги; хотиранинг тайёргарлиги, айлантириш қобилияти, янги муаммоларни ҳал этиш ёки қўйиш шароитларида оригинал ғояларни дунёга келтириш қобилияти (оригиналлик), пайдо бўлган ғояларни мукамал ишлаб чиқиш қобилияти (ишлаб чиқилганлик), ғояларни уйғотиш енгиллиги (енгиллик), ассоциацияларнинг узоқлиги ва оригиналлигини ўзида мужассамлаштиради.

Ижодий компетенция ривожининг ўрта даражаси. Юқоридаги мезонлар бўйича паст кўрсаткичлар, пайдо бўлган ғояларни мукамал ишлаб чиқиш қобилияти (ишлаб чиқилганлик), ғояларни уйғотиш енгиллиги (енгиллик) [103].

Кўриб турганимиздек, бу асарда мутахассиснинг креатив қобилият ва креатив компетенциялар билан боғлиқ бўлган ижодий компетентлигининг тузилмаси кўрсатилган. Бироқ шундан сўнг ижодий компетентликнинг моҳияти “ижодий компетенция” билан алмаштирилди, юқоридаги мезонлар ва кўрсаткичларни ўзида ифодалаган унинг ривожини даражаларининг ўта умумлашган тавсифи берилган.

Бизнинг назаримизда, Р.У.Гильмутдинованинг “Креатив компетентлик ва унинг тузилмаси” ишида креатив компетентлик нуқтаи назаридан унинг ривожининг нисбатан адекват мезонлари, кўрсаткичлари ўз ифодасини топган [61].

Муаллифнинг фикрича, креатив компетентлик (бакалаврларнинг) тузилмасини қуйидаги компонентларнинг яхлитлиги ташкил этади:

Когнитив компонент. Турли хил соҳалардаги ва манбалардаги билимлар ҳамда интеллектуал сифатларнинг мавжудлигига мурожаат қиладиган фаол қидирув-билиш фаолияти жараёнида зарур назарий билимларнинг ўзлаштирилиши.

У қуйидаги мезон ва кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштиради: синтезга, анализга, қиёсга нисбатан қобилият; ноанъанавий, муаммоли

масалаларни қўя билиш ва ҳал этиш қобилияти; дивергент тафаккурни ривожлантириш; асосий билим, кўникмаларнинг шаклланганлиги; мақсад ва вазиятларга мос бўлган методикаларни танлашга ва фойдаланишга нисбатан қобилият; атроф – муҳитдан зарур маълумотларни ажрата олиш кўникмаси; семантик эгилувчанлик; образли адаптив эгилувчанлик; тажрибани кўчириш қобилияти; ёнланма тафаккур.

Иродавий компонент. Мақсадга эришишда ташқи ва ички тўсиқларни ишғол этиш. Иродавий компонентни ташкил этувчи, унинг ривожланиш мезонлари ва кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: мустақиллик, шижоат, ўзгартиришларга нисбатан қобилият, янги тажрибага очиқлик, таваккалга бориш қобилияти, ишни охиригача олиб бориш қобилияти, интеллектуал янгиликка очиқ фойдаланган интилиш, стереотипларни ишғол этиш, эркинликка интилиш, қарорларни мустақил қабул қилиш қобилияти.

Эмоционал компонент. Англоланган ва англоланмаганлик даражасида фаолиятни бошқариш ҳамда оптималлаштириш. Мазкур жиҳат психологик кўрсаткичларни ўзида умумлаштиради: бир маромдаги сезувчанлик, экспрессивлик, эмоционал турғунлик, янгилик туйғуси, қарама-қаршилиқларга нисбатан сезгирлик ва чидамлилиқ.

Мотивацияли компонент. Олдинда турган ижодий фаолиятга нисбатан психологик интилишни ва мобилизацияни фаоллаштирувчи асосий механизмдир.

Мотивацияли компонент қуйидаги мезон ва кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштиради: ўзини–ўзи реализация қилишга нисбатан интилиш, муваффақиятга эришиш мотивацияси, дунёқарашнинг шаклланганлиги, фаоллашишига тайёргарлик, талабнинг реалистик даражаси, қадриятлар йўналганлиги, атроф-муҳитнинг ижобий шароитлари, ички мотивация.

Фаолият компоненти. Фаолиятда билимлар, кўникмалар, малакалар, ижодий тажриба ва шахсий сифатлар тўпламининг реализацияси. Фаолиятнинг англоланган мақсадига эришишни амалга оширишига ёрдам берадиган операциялар ва усулларнинг тўпламини фойдалайди. Мазкур

компонент ривожининг мезонлари ва кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ноанъанавий вазиятларда қарор қабул қилиш қобилияти; хулқ-атвор ва тафаккурнинг эгилувчанлиги; фаоллик; ноаниқликка нисбатан толерантлик; ишончлилик; маълумотни сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларини эгаллаш; мослашувчанлик; илгари сурилган ғояларнинг ноодатийлиги.

Рефлексив компонент. Ўзини ва ўз фаолиятини объектив баҳолаш билан боғлиқ бўлган сифатларнинг мавжудлигини назарда тутати; ўзини ўзи назорат қилиш; эришилган баҳога нисбатан танқидийлик; ўзини ўзи ҳурмат қилиш; ривожланган интуиция; ривожланган ўзини ўзи англаш; ички локус назорат; ўз фаолияти натижаларини башорат қилиш. Булар (бизнинг фикримизча), шунингдек, мазкур компонент бўйича креатив компетентлик ривожланиши мезонлари ва кўрсаткичлари сифатида кўрилиши мумкин [12].

Мазкур илмий ишдан биз креатив компетентликни ташкил қиладиган психологик асосланган компонентлар, мезонлар ва кўрсаткичлар бакалаврларда шундай компетентликнинг мавжудлиги ҳақида яхлит тасаввурга эга бўламиз. Бироқ, назаримизда, ҳам мутахассисларда, ҳам педагогларда креатив компетентлик ривожланишининг методларини, мажмуавий диагностикасини ва технологияларини келажакда ишлаб чиқиш мақсадида юқорида қайд этилган барча компонентлар юзасидан уларнинг аниқлаштирилиши талаб этилади.

Диагностика методларини ишлаб чиқиш имкониятини берадиган мезон ва кўрсаткичларни аниқлаштиришга нисбатан яхши намунани биз В.Г.Жуковнинг “Бўлажак мухассислар касбий ижодий компетентлигининг шаклланиши” мақоласида топишимиз мумкин [66].

Муаллифнинг фикрига кўра, коллеж ўқувчиларида касбий ижодий компетентликнинг шаклланиши мазкур компетентлик ташкилий қисми ва мазмунини ўзлаштиришнинг маълум мезонларини назарда тутати.

Уларга қуйидагилар киради:

-мотивацияли, яъни билишга нисбатан қизиқиш даражасини, ўзига ўзи таълим бериш ва ўзини-ўзи ривожлантиришнинг аҳамиятини англаш, касбий ижодий фаолиятни етарли бўлган юқори даражада амалга оширишга истакнинг мавжудлиги;

-когнитив, яъни ўзига – ўзи таълим бериш, ўзини ўзи ривожлантириш, уларнинг шакллари, методлари ва касбий – ижодий фаолиятини амалга ошириш воситалари ҳақидаги билимларнинг даражасини акс эттиради;

-операцион, яъни талабалар томонидан асосий касбий – ижодий операцияларини, ноанъанавий қарорларни қабул қилиш кўникмаларини эгаллашни белгилайди.

Мазкур мезонлардан келиб чиққан ҳолда, муаллиф мутахассис касбий–ижодий компетентлик шаклланганлигининг қуйидаги даражаларини белгилайди: паст, ўрта, юқори. Уларнинг тавсифини батафсил кўриб чиқамиз.

I даража (паст) – коллеж ўқувчиси билишнинг методлари ва усуллари ҳақида, касбий ижодий компетентлик ривожининг шакллари, методлари, усуллари ҳақида юзаки тасаввурга эга; ўзгартирадиган ҳаракатларнинг асосий операцияларини заиф эгаллайди; касбий билимлар, кўникмалар, шахс сифатларининг шаклланиши учун ўзига – ўзи таълимнинг аҳамиятини яхши тасаввур этмайди; ўзига – ўзи таълим бериш фаолиятининг паст даражадаги мотивациясига эга; ташқи мотивларнинг устунлиги;

II даража (ўрта) – коллеж ўқувчиси билишнинг методлари ва усулларини, ўзига – ўзи таълим бериш фаолиятини амалга ошириш усулларини билади, бироқ уларнинг тизими тўлиқ ҳажмда шаклланмаган; ўқувчи ўзгартирадиган ҳаракатларнинг асосий операцияларини ва бошқарувчи ҳаракатларнинг асосий операцияларини эгаллайди; шахс тараққиёти учун ўзига – ўзи таълим беришнинг аҳамиятини англайди; ўзига–ўзи таълим бериш ва касбий фаолиятларнинг ички мотивацияси шаклланган.

III даража (юқори) – коллеж ўқувчиси:

-билиш ва воқеликни ўзгартиришнинг турли хил методлари ва усуллари тизимини; ўзига ўзи таълим бериш йўли орқали масалалар ечимини излашнинг асосий йўллари билишни; ўзига ўзи таълим беришнинг усуллари ва маълумотлар, турли хил манбаларнинг функционал имкониятларини билишни эгаллаган;

-ўзига ўзи таълим бериш фаолиятининг тузилмасини ва моҳиятини тўлиқ ўзлаштиради; шахс тараққиёти учун ўзига ўзи таълим беришнинг аҳамиятини англайди; ўзига ўзи таълим бериш фаолиятига нисбатан ички турғун мотивацияга эга; касбий ижодий компетентлик шаклланганлигининг юқори даражасини эгаллаган [66].

Шундай қилиб, биз тадқиқотлар (диссертациялар) ва илмий ишлар (мақолалар)ни таҳлил қилдик. Уларда бўлажак педагоглар, ўқитувчилар ва мутахассислар ижодий компетентлиги шаклланганлиги, ривожланганлигининг тузилмавий компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичлари бўйича муаллифларнинг турли хил нуқтаи назарлари ва таърифлари ўз аксини топган. Биз ажратиб кўрсатган маълумотлар мактаб ўқитувчисининг тадқиқотимизнинг мақсадлари ва вазифалари билан боғлиқ бўлган ижодий компетентлиги тараққиётининг мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва конкретлаштириш учун, шунингдек, ўқитувчиларнинг маълум мезон ва кўрсаткичларга йўналтирилган ижодий компетентлиги ривож технологияларини танлаш ҳамда қўллаш учун муҳим аҳамиятга эга.

2.3-§. Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш технологиялари

Илмий адабиётлар, манбаларни ўрганишимиз натижасида, педагогнинг ижодий ҳамда касбий-ижодий компетентлигини шаклантириш ва ривожлантириш мақсадида муаллифлар турли хил педагогик ва бошқа технологиялардан, шунингдек, инновацион методикалардан, фаол методлардан, шахсий муаллифлик дастурларидан фойдаланганлар[113].

Умуман айтганда, педагогика фанида назарий ва методик билимларнинг катта салоҳиятли болалар, ўсмирлар, ёшлар, шунингдек, катталарга таълим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш мақсадида технологияларни ишлаб чиқиш, қўллаш масалалари бўйича тажриба яратилди ва тўпланди (педагог ва мутахассислар профессионализмини ривожлантириш; педагогик маҳоратни, квалификация даражасини ошириш; ўқитувчиларнинг ижодий ўсиши ва ҳ.к.).

Таҳлил кўрсатадики (ретроспектив жабҳада), педагогик технологияларнинг оммавий киритилиши XX асрнинг 60-йиллари бошига бориб тақалади ва олдинга Америка, кейинчалик Европа мактабларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ. АҚШда “педагогик технология” тушунчаси пайдо бўлар-бўлмас, у тезда барча ривожланган мамлакатларга тарқала бошлади. Ҳарб педагогик адабиётида бу тушунча бошида ўқув жараёнини техникалаштириш ғояси билан, таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш билан мос тушади. XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб ўқув жараёнининг бошқарилувчанлиги ғояси мустаҳкамланди. Бугунги кунда чет эл адабиётида педагогик технологиялар илк тушуниш кўринишида ҳам (ТТВ имкониятларининг таълимда қўлланилиши), таълимнинг бошқарилиш жараёни кўринишида ҳам учрайди [38;115].

М.М.Левина таъкидлайдики, педагогик технология тушунчасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихида турли хил тушунтиришлар пайдо бўлди. Техник воситалар ёрдамида таълим бериш деб аталган илк талқиндан тортиб то таълимнинг лойиҳалаштирилган жараёнини тизимли, узлуксиз ташкил қилиш ҳақидаги тасаввурларгача бу тарих давом этади [90; 63].

Маълумки, “технология” атамаси юнонча *techne* – санъат, маҳорат ва *logos*–таълимот сўзларидан келиб чиққан. Шунинг учун “педагогик технология” тушунчаси тўғридан тўғри таржимада педагогик санъат, маҳорат тўғрисидаги таълимотни англатади. Г.К.Селевконинг фикрига кўра, “педагогик” ва “таълим” технологиялари тушунчаларини фарқлаш лозим. Таълим технологияси нисбатан кенг тушунча ҳамда таълим ва ўсиб келаётган

авлод тараққиёти жараёнига турли хил ижтимоий, ижтимоий-психологик, ижтимоий-маданий, бошқарув, иқтисодий жиҳатларни боғланишни назарда тутди. Педагогик технология, унинг амалиётда амалга оширилиши таълимнинг турли хил даражаларида билим олишнинг мақсадлари ва вазифаларини белгилаб берадиган нисбатан аниқ жабҳаларга эга бўлади [113].

В.А.Сладеворин, Н.Г.Руденколар фикрича, педагогик технология - таълим-тарбия жараёнининг ўзгарувчан шароитларида башорат, диагноз қилинадиган натижага эришишни инструментал жиҳатдан таъминлаб берадиган ҳаракатлар, операциялар ва процедураларнинг тартибли тўпламидан иборат [38]. Педагогик технология педагогик маҳорат билан ўзаро алоқададир. Педагогик технологияни мукамал эгаллаш маҳоратдир. Педагогик маҳорат, бир томондан, педагогик технологияни юқори даражада эгаллаш, ҳолбуки, фақат операцион компонент билан чегараланиб қолмайди. Битта технологиянинг ўзи турли хил ўқитувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда уларнинг профессионализи ва педагогик маҳорати юзага чиқади [114]. М.И.Махмутов педагогик технологияни кўйилган мақсадга эришишни кафолатлайдиган ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро таъсирининг у ёки бу даражада қатъий ўрнатилган дастурлаштирилган жараёни сифатида таърифлайди [95; 12].

Г.К.Селевконинг фикрича, “педагогик (таълим) технологияси” мўлжалланган натижаларга олиб борадиган, макон ва замонда дастурлаштирилган, илмий асосга қурилган педагогик жараённинг барча компонентларининг тизимини ўзида мужассамлаштиради [113; 51].

У “педагогик технология”ни тушунишнинг тўртта йўналиши ёки позициясини ажратиб кўрсатади:

1) педагогик технология восита сифатида, ўқув жараёни учун таълимда техник восита ва ўқув ускуналарнинг, аппаратуранинг методик инструментарийни ишлаб чиқариш ва қўллаш (В. Бухвалов, В. Паламарчук, Б.Т. Лихачёв, Р. де Киффер, М. Мейер);

2) педагогик технология услуб сифатида (В.П.Беспалько, М.А.Чошанов, В.А. Слостёнин, Б.Скиннер, С.Гибсон, Т.Сакамото);

3) педагогик технологиялар илмий йўналиш сифатида (П.И.Пидкасистый, В.В. Гузеев, М. Эраут, Р. Кауфман, С. Ведемейер);

4) педагогик технологиялар кўп ўлчамли тушунча сифатида. Мазкур позиция кўп жабҳали ёндашув ҳисобланади ва педагогик технологияларни кўп ўлчамли жараён сифатида қарашни таклиф этади (В.И.Боголюбов, М.В.Кларин, Г.К.Селевко, Е.В.Финн, Д.К.Силбер, Р.Томас) [113, 30-516].

М.Ю.Олешков “технология” атамасини ишлатиш муаммосига нисбатан ҳозирги замон тадқиқотчиларининг қарашларини таҳлил қилар экан, таъкидлайдики, унинг ишлатилишининг тўртта асосий соҳасини ажратиб кўрсатади ва қуйидаги жадвални келтиради [102, 4-19 б]:

2.2-жадвал

№	АТАМАНИНГ МАЪНОСИ	ТЕХНОЛОГИЯ
I	Технология ҳар қандай педагогик жараён сифатида	Гуманитар ва толерант йўналишларнинг барча педагогик тизимлари
II	Педагог санъати (педагогик техника)	Новатор ўқитувчилар методикалари (В. Шаталов, Ш. Амонашвили ва бошқ.)
III	Алгоритмик парадигма	Блокли-модул технологиялар, ўйин технологиялари (ишга оид, ролли, дидактик ўйинлар, имитацион тренинг ва бошқ.); - ишнинг алгоритмлашган гуруҳий шакллари; - янги информацион (мультимедиа) технологиялари; - лойиха - тадқиқот технологиялари (“лойихалар методи”); - глобал информацион тармоқларда (ТОГИС) таълим технологиялари.
IV	Стохастик (эхтимолий) парадигма	Шахсга йўналтирилган, шахсни ривожлантирувчи, шахсни марказлаштирувчи ва индивидуал-шахсий таълим технологиялари

Шундай қилиб, 2.2- жадвалдан келиб чиқадики, технологиянинг тўртта тушунчасидан турли хил ёндашувлар бўлсада умумий тавсифи мос келади. Бизнинг фикримизча, улар мактаб ўқитувчилари ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида, шу жумладан, уларнинг педагогик маҳорати, малакалари даражасини ошириш жараёнида фойдаланилиши мумкин.

Таҳлил шуни кўрсатадики, мактаб ўқитувчилари ижодий компетенцияларининг шаклланишига, ривожланишига ёрдам берадиган самарали воситалар, шарт-шароитлар педагогик технологиялар ва технологик ёндашув ҳисобланади. Кенг маънода технологик ёндашув – бу моддий, маънавий кадриятларни ишлаб чиқиш, атроф-муҳитни ўзгартириш мақсадларида инсон томонидан қўлланиладиган фаолиятнинг илмий ва амалда асосланган тизимидир. Таълимда, ўқитишда технологик ёндашув у ёки бу таълим ёки педагогик технологиясига мос келадиган ўқув жараёнини ва таълимни аниқ бошқаришни назарда тутди. Ю.М.Асадовнинг фикрига кўра, таълимда технологик ёндашувнинг тадқиқотчилари ва уни ишлаб чиқувчилар педагогик назарияда таълим ва педагогик технологияларни қуйидаги турларга ажратади: “авторитарлар”, “эркин тарбия”, “антропоцентрик ва педоцентрик”, “дидактоцентрик”, “социоцентрик”, “шахсга йўналган”, “фаолиятга йўналган”, “ўрта йўналган”. Педагогик амалиётда мазкур технологияларнинг қўлланилиши таълимнинг турли хил тизимларида фойдаланиладиган таълимнинг концептуал моделларига, уларнинг мақсадли йўналганлигига, мазмунига ва тамойилларига боғлиқ. Таълим ва педагогик технологияларининг ўзи маълум “технологик моделлар” бўлиб, улар тизимли белгиларга эгадирлар ҳамда илмий билимнинг тизимли, технологик, модели типлари асосида ишлаб чиқилади [11; 18-20 б.].

Т.В.Капустинанинг фикри билан келишган ҳолда айтамикки, педагогик технология қуйидаги кўринишларда фаолият кўрсатади: тадқиқ қиладиган ва лойиҳалаштирадиган фан, таълимнинг нисбатан рационал йўли; фаолиятнинг алгоритмлар, усуллар ва регуляторлар тизими; таълим ва тарбиянинг реал жараёни. У ўз жабҳаларининг барча мажмуаси, ёки илмий ишланма, ёки ҳаракатлар дастурининг тавсифи, ёки жараён сифатида амалиётда ҳаққоний амалга оширилади. Аксарият технологиялар ўзларининг мақсадларига, мазмунига, қўлланиладиган методлари ва воситаларига кўра етарли даражада кўп ўхшашликларга эга ва бу умумий белгиларга кўра бир қанча умумлашган гуруҳларда классификация қилиниши мумкин:

1) нисбатан кенг тарқалгани авторитар ва дидактикоцентрик технологиялар бўлиб, уларда педагог таълим-тарбия жараёнининг ягона субъекти ҳисобланади, ўқувчи эса фақатгина таъсирнинг “объекти”дир; таълим тарбиядан устун қўйилади;

2) шахс тузилмасига йўналганлик бўйича: информацион технологиялар (предметлар бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши); ўзини ўзи ривожлантириш ва шахсга йўналганлик технологиялари (кадриятга йўналган ва адаптив; шахснинг ижодий ривожланиши, жумладан, лойиҳавий технология, тадқиқий технология, ижодий устахоналар технологияси, ҳамкорлик технологияси ва ҳ.к.); эвристик технологиялар (ижодий қобилиятларнинг ривожланиши); амалий технологиялар;

3) мазмуннинг характери ва технология тузилмасига кўра: таълим берувчи ва тарбияловчи; дунёвий ва диний; умумтаълимий ва касбий йўналган; гуманитар ва технократик; турли хил тармоқли; предметли; монотехнологик ва мажмуали технологиялар [80].

Г.Н.Букова ва С.Н.Цыбиковаларнинг илмий ишларида технологиялар келтирилган бўлиб, бизнинг назаримизда, улардан фойдаланиш ҳам ўқитувчилар, педагогларнинг, ҳам ўқувчиларнинг ижодий ва касбий-ижодий компетентлигининг ривожланишига кўпроқ мос келади.

Масалан, Г.Н. Букова фикрига кўра, бу – информацион-коммуникатив технология; муаммоли таълим технологияси; лойиҳавий технология; ривожлантирувчи таълим технологияси; ўйин технологиялари; модул технологияси; устахоналар технологияси; кейс-технология; интеграллашган таълим технологияси; ҳамкорлик технологияси; интерфаол таълим технологияси; гуруҳий технологиялар; технология - дебатлар [58].

Тахминан шунга ўхшаш технологияларни С.Н.Цыбикова қуйидагича тавсифлайди:

- информацион-коммуникатив технология; лойиҳавий технология; (лойиҳалар технологиясининг қимматли томони шундаки, у таълим

олаётганларни мавзуни оддийгина ўрганишга эмас, балки аниқ таълим маҳсулини яратишга йўналтиради);

- турли хил даражали таълим технологияси (материални тушунтириш, амалий ишларни бажариш ва натижаларни баҳолаш жараёнида талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ва ўқув материални ўзлаштиришнинг турли даражаларига йўналган топшириқлар инobatга олинади);

- модул таълими технологияси (модул мазмунини эгаллаш учун ўқув, илмий ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш жараёнида талабалар томонидан билимларнинг мустақил ҳолда эгалланишига асосланган таълим бўлиб, у ёрдамида талабалар ўқув мазмунини ва технологияни умумлаштиради);

- шахсга йўналган технология (қуйидаги методлардан фойдаланилади: диалог, ўйин, рефлексив, педагогик қўллаш, диагностик, танлов ва муваффақият вазиятини яратиш, шунингдек, талабаларнинг имкониятлари инobatга олинган ўқув топшириқларидан иборат карточкалар тузилади ва тарқатилади, бу ҳолат уларнинг ривожланишига ёрдам беради; ўқув-тарбиявий жараёнининг асосий тамойиллари: ўзини ўзи фаоллаштириш, субъективлик, танлов, ижод ва муваффақият, ишонч ва қўллаш [123; 124].

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган илмий ишларда муаллифлар педагогикада ва психологиядаги турли хил ҳаммага маълум таърифларни, мазмуннинг тавсифларини, уларнинг умумлашган талқинида педагогик ҳамда ўзга технологияларни акс эттирганлар.

Шу билан бирга, муаллифлар ўқитувчиларнинг ижодий салоҳиятини ва компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган таълимни ташкил этишнинг шакллари, воситаларини ажратиб кўрсатади (малака ошириш курслари; семинарлар; педагогик ўқишлар; илмий-амалий конференциялар; методик уюшмалар; касбий маҳорат ва ижод кўргазмалари ва конкурслари; “Йил ўқитувчиси”, “Йил педагоги” конкурслари; педагогик фестиваллар; мастер-класслар, педагогик лекторлар), [93]. Шунингдек, технологиялар (“ақлий ҳужум”; тренинглар ва ишга оид ўйинлар; ўқитувчиларнинг ўзлари

ҳақида ва шахсий стереотиплари ҳақидаги тасаввурлари ўзгарадиган рефлексив муҳитни яратиш; шахсий касбий ва интеллектуал тажрибани фаоллаштиришга хизмат қиладиган муаммоли вазиятларни моделлаштириш) ва интерфаол методлар (интерфаол маърузалар; видео, аудио материаллар; амалий масалалар, кейс-метод, иштирокчи амалиётдан вазиятларни таҳлил қилиш; видеоёзувларни таҳлил қилиш билан амалга ошириладиган ролли ўйин; кичик гуруҳлардаги иш; гуруҳий дискуссия; ижодий муаммоли метод; интенсив ўзаро таъсир орқали қайтар алоқа; ғоялар тақдимоти; модул-лойиха; тест ўтказиш; натижаларнинг кейинчалик таҳлил қилиниши билан кечадиган имтиҳон) [71-74;80].

Таҳлилнинг кўрсатишича, таълим муассасаларида (иш жойи бўйича) ва малака ошириш курсларида ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантириш мақсадида қандайдир технологияларни танлаш, аниқлаштириш, апробация қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш мазмунининг тўлиқ тавсифланиши етарли даражада эмас. Бироқ педагогик ОТМ, коллеж талабалари, малака ошириш курслари тингловчилари билан ўтказилган алоҳида тадқиқотлар, шунингдек, ўқитувчи ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муаллифлик дастурларидан, интерфаол методлардан, маълум технологиялардан фойдаланиш экспериментал жиҳатдан текширилган ва уларнинг амалий самарадорлиги исботланган [26; 44; 59; 66; 67; 56; 79; 104; 120; 126].

Айрим ишларни батафсил кўриб чиқамиз, чунки уларнинг натижалари бизнинг тадқиқотда экспериментал ишнинг бажарилиши доирасида технологияларни танлаш, аниқлаштириш ва апробация қилиш мақсадларида мос ҳолда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, В.В.Казанцева тадқиқотларида ўз-ўзига таълим бериш фаолиятида бошланғич синф ўқитувчисининг ижодий компетентлигини шакллантириш педагогик технологияси ишлаб чиқилган, апробация қилинган ва асосланган. Шундай технологияга қуйидагилар киради: индивидуал режа бўйича ўзига ўзи таълим фаолияти (мақсад қўйиш, режа

ишлаб чиқиш, режани амалга ошириш); ижодий устахона доирасида ўқитувчи-устоз билан шериклик, ўзаро таъсир (педагогик тажрибанинг ижодий таҳлили, педагогик тажрибанинг ижодий қабул қилиниши; ижодий шаклланиш); бошланғич мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини шакллантириш мақсадида ижодий устахоналарда устозлар ва ўқувчилар томонидан амалга ошириладиган махсус ташкилий, тизимли ўзига ўзи таълим берувчи ижодий фаолият (ғояни илгари сура олиш, тафаккурнинг маълум схемаларидан узоқлашиш, турли хил усуллар ёрдамида муаммоли вазиятларда ечим топиш, амалиётда билимларни қўллаш); ўзгарган мазмунни конструкция қилиш ва ижодий лойиҳаларни яратиш бўйича кичик гуруҳларда ишлаш, мустақил иш, ижодий устахонада машғулотлар ўртасидаги даврда ўзига ўзи таълим бериш натижалари бўйича қисқа чиқишлар қилиш [79]. Шундай қилиб, бошланғич мактаб ўқитувчисининг ўзига ўзи таълим бериш фаолияти шакллари, методлари ва воситаларининг маълумотларини қўллаш муаллиф томонидан ишлаб чиқилган педагогик технологиянинг моҳиятини ташкил этади.

Шунга ўхшаш ҳолда С.П.Яланська, Н.М.Атаманчуклар бўлажак ўқитувчилар ижодий компетентлигининг маълум кўрсаткичларини ривожлантириш мақсадида “Бўлажак ўқитувчилар ижодий компетентлигини ривожлантириш дастури” деб номланган шахсий муаллифлик дастурини ишлаб чиқдилар ва апробациядан ўтказдилар.

Мазкур дастур ОТМларда қуйидаги хусусиятларга эга бўлган ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида махсус ўқув-тарбиявий муҳитни яратишни назарда тутди:

а) шахсни ривожлантириш компонентига ўтиш (кадриятли-педагогик, мотивацияли компетенциялар);

б) ижодий компетентликнинг фаолиятли - ривожлантирувчи компонентига ўтиш (ташкилий, методик, психолого-педагогик компетенциялар);

в) вербал-коммуникатив, новербал компетенциялар асосида ижодий жараён сифатида педагогик мулоқотни шакллантириш ва ривожлантириш;

г) дидактик, информацион компетенцияга, тушунчали тафаккур асосида касбий ўсишга ўтиш;

д) педагогик тажрибани чуқур ўзлаштириш (ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўзини – ўзи такомиллаштириш компетенцияси) [58]. Муаллифларнинг фикрига кўра, бўлажак педагогларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш тайёрлов, диагностик ва ривожлантирувчи босқичлар асосида амалга оширилади.

Технологик ёндашув асосида мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантиришга сабаб сифатида Ф.Х.Киргуева томонидан таклиф этилган технологиялар диққатни тортади. Муаллиф томонидан “Билиш – интерпретация – ижод” (БИИ) деган умумий ном билан аталган фарқловчи ва таълим технологиялари ишлаб чиқилган ҳамда апробациядан ўтказилган бўлиб, унинг ёрдамида касбий-педагогик, информацион-коммуникатив компетенцияларнинг ривожланиши, шунингдек, бошланғич синфлар бўлажак ўқитувчиларининг, талабаларнинг мустақил ишлаш тажрибаси шаклланади. Мазкур технология бошланғич синфлар бўлажак ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида барча ўқитувчилар томонидан маъруза, амалий, семинар машғулотларида қўлланилган, педагогик ОТМ талабаларининг у ёки бу қобилиятларини ривожлантиришда фарқланган ва мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланилган [24].

Ижодий компетентликни ривожлантириш муаммосини ўрганган муаллифлар орасида, айниқса, А.В.Тутолминнинг “Бўлажак ўқитувчининг касбий-ижодий компетентлигини ривожлантириш методикаси” ишини ажратиб кўрсатса бўлади [118].

Методика ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради: а) касбий-ижодий компетентликнинг шаклланиши босқичларининг мазмуни (ўқув режалари ва дастури); б) методлар мажмуаси (индивидуал талабалик

гlossарийларини ишлаб чиқиш, контекстли таълим); в) креативлик тренинги ва ижодий педагогик фаолиятининг тажрибаси; г) ижодий педагогик тафаккур ва фаолиятни ривожлантириш бўйича практикум; д) талабалар мустақил ижодий ишини ташкил этиш бўйича методик ишланма; е) педагогик фанлар бўйича ўқув ва ўқув-методик қўлланма (“Ўқув фаолияти маданияти”, “Бошланғич синфлар ўқитувчисининг педагогик фаолиятига кириш”, “Дидактик тадқиқот”, “Ўқитувчи меҳнатида педагогик сезувчанлик”).

Муаллифлик технологияси ўзида бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантирувчи методлар, услублар, усулларни, уларнинг таълим амалиётида фойдаланиш хусусиятларини батафсил тушунтирадиган педагогик ОТМларда таълим олаётган талабалар билан ўтказиладиган 7 та машғулотнинг тавсифини мужассамлаштиради.

Муаллиф мазкур методика ва технологияни экспериментал жиҳатдан “Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш (тизимли ёндашув асосида)” мавзуси бўйича тадқиқот ўтказиш жараёнида педагогик ОТМлар базасида апробациядан ўтказган [126]. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган, ўзида монографияни, ўқув режасини ва ўқув дастурини, ўқув ва ўқув-методик қўлланмани, методик тавсияларни, назорат-ўлчаш материалларини мужассамлаштирган ўқув-методик мажмуа шахсий амалий фаолиятда ҳам, ўзга педагог ҳамда ўқув муассасаларининг фаолиятида ҳам қўлланилади [127].

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган тадқиқотларда ва илмий ишларда биз таърифлар, педагогик технологиялар мазмуни, уларнинг таснифи, мақсадлар ва вазифаларнинг ҳар хил тушунилишини; таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида ишлаб чиқиш ва қўллаш хусусиятларини (масалан, мактаблар, коллежлар, лицейлар, ОТМлар), шунингдек, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтларида кузатамиз. Шу билан бирга, биз томондан ҳаммага маълум бўлган ва муаллифлик педагогик технологиялари, методикалари ҳамда

дастурларини ифодаладиган илмий асосланган назарий маълумотлар қўлга киритилди. Уларнинг қўлланилиши технологик ёндашув нуқтаи назаридан мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш имкониятини, шунингдек, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш амалиётида у ёки бу технологияни танлаш, аниқлаштириш ва экспериментал апробациядан ўтказиш заруратини таъминлайди.

2.4-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик модели

Тажрибавий-экспериментал ишда фойдаланилган мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик модели концептуал модел ҳисобланади, чунки у бизнинг муаллифлик Концепциямиз доирасида ишлаб чиқилган ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг маҳсулдорлигини, самарадорлигини тасдиқлаш мақсадида экспериментал апробация ўтказилган.

Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал педагогик лойихалаш моделини ишлаб чиқиш, амалга ошириш асосида биз томондан қуйидаги кетма-кетликда тадқиқот ўтказишнинг I-босқичида (2017 й.) амалга оширилган:

1) касбий мактаб педагоги, мактаб ўқитувчиси ижодий, креатив, касбий-ижодий ва касбий компетентлигини ривожлантириш мақсадида ўтказилган педагогик тадқиқотларда моделлаштириш ва моделларни қўллаш масалалари бўйича илмий адабиётларни ўрганиш;

2) илгари ўтказилган тадқиқотлар, муаллифлик моделларининг компонентли тузилмасини, шунингдек, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантириш амалиётини қўллаш бўйича ташкилий-педагогик шарт-шароитларни, педагогик технологияларни аниқлаш, ривожлантириш учун компетентликнинг мазкур турларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илгари ўтказилган тадқиқотлар, муаллифлик моделларини қиёсий-назарий таҳлил қилиш;

3) мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг концепцияси, педагогик моделга кирган ишчи тушунчаларнинг шахсий формулировкаларини аниқлаштириш ва ишлаб чиқиш;

4) мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик моделини, унинг алгоритмини, ХТХҚТМОҲМида таълим олаётган ўқитувчиларнинг ижодий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлар комплексини, жумладан, экспериментатор, таълим олаётган педагоглар, ўқитувчиларнинг ҳамкор фаолияти ва ўзаро ҳаракати асосида ташкил этиш, ўтказиш йўли билан ҳаётга татбиқ этишни ишлаб чиқиш, асослаш ва тавсифлаш.

2.1.-расмдан кўриниб турибдики, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлиги ривожланиш Моделининг умумий тузилмаси 5 та блокдан иборат:


1. Блок “Шахс ва ўқитувчининг ижодий компетентлиги” марказий блок бўлиб, экспериментал гуруҳда иштирок этаётган ХТХҚТМОҲМлари ўқитувчилари, уларда таълим олаётган ўқитувчиларнинг, экспериментаторнинг ўзаро таъсири ва фаолияти воситасида ўзга блокларнинг реализациясига йўналтирилган.

2. Блок “Моделнинг тузилмавий компонентлари” – асосий (фундаментал), чунки у мазкур моделнинг тузилмасига кирадиган ўзга блокларнинг мазмуни ва функцияси учун назарий ҳамда методологик асос ҳисобланади.

3. Блок “Диагностиканинг мезонлари ва методлари”га – мактаб ўқитувчи ижодий компетентлиги диагностикасининг мезонлари, методлари киреди. Экспериментал гуруҳда қуйидаги мезонлардан фойдаланилади: ташкилий, фаолиятли, мотивацияли, когнитив, креатив, рефлексив.

Диагностика натижаларини баҳолашда ўқитувчиларнинг ижодий компетентлиги ривожланганлигининг қуйи, ўрта, оптимал, юқори даражаларини характерлайдиган даражавий кўрсаткичларидан фойдаланилди. Диагностика методлари: диагностик суҳбат, бевосита

кузатиш, анкета сўровномаси, тест ўтказиш, эксперт баҳолари ва ўзини ўзи баҳолаш.



2.1-расм. Мақтаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантириш моделининг тузилмаси

ХТХҚТМОҲМда бундай шарт-шароитларни яратишда чегаралаш кўринишида (ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш ва баҳолашни тартиблаштирадиган норматив актларнинг таълим тизимидаги мавжуд эмаслиги; мазкур йўналиш бўйича таълим олаётган педагоглар, психологлар ишининг тажрибаси; ўқитувчи ИКни ривожлантириш, ўзини ўзи ривожлантириш жараёнларини ташкил қилишни илмий-методик таъминлаш учун ва ҳ.к.) биз томондан, институт жамоасига тегишли тавсиялар берилган.

Шу билан бирга, экспериментал гуруҳларда ўқитувчилар билан ўтказилган машғулотларда қуйидаги ташкилий-педагогик шарт-шароитлар сақланади: креатив педагогика [Креатив педагогика – бу ижодий таълим фани ва санъати, педагогиканинг мажбуurlаш педагогикасига, ҳамкорлик педагогикасига, танқидий педагогикага қарама-қарши бўлган педагогиканинг бир тури ҳисобланади. Креатив педагогика шахснинг шаклланишига ва фаол ривожланиши бўйича мақсадга йўналган фаолиятни, унинг креатив қобилиятларини ўрганади, / Хохлова Д.А. Креативная педагогика как инновационная отрасль и условие развития креативности обучаемого / cyberleninka.ru.] соҳасида ўқитувчи-тингловчиларни педагогик ижод тўғрисидаги маълумотлар, ўқитувчи ва ўқувчи ижодий фаолиятини; ўқитувчини предметли, методик, коммуникатив ижод ҳақидаги билимлар билан таъминлаш. Эркин, мажбурий бўлмаган ўқув вазиятини, очик, ишончли муомала муҳитини яратиш. Ўқитувчиларнинг ноодатий саволларга, ноодатий ғояларга, таклифларга диққат билан муносабатда бўлиш ва ижодий иш учун уларнинг аҳамиятини баҳолаш; таълим олувчиларнинг ижодий фаоллигини фаоллаштирадиган масалалардан фойдаланиш (“ақлий ҳужум”, мавзуй мунозаралар, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, ечиш ва бошқ.); ижодий муҳитни яратиш, тренинг ва бошқа машғулотлар учун муваффақиятли вазиятни яратиш.

5. Блок “Ривожлантириш технологиялари ва мониторинги” мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган,

шунингдек, диагностика, тренинг машғулоти, бошқа тадбирлар натижаларини, экспериментал гуруҳларда мактаб ўқитувчиларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш натижаларини кузатиш, қайд этиш ҳисобланган педагогик мониторингни ўтказиш учун педагогик ва бошқа технологиялардан фойдаланиш мақсадида амалга оширилади.

Моделнинг тузилмавий компонентлари

Мазкур Моделга кирган тузилмавий (асосий) компонентларга қуйидагилар киради: мақсадли, методологик, мазмуний, диагностик, когнитив, креатив, мотивацияли, фаолиятли, коммуникацион, рефлексив, мониторингли. Мазкур компонентлар, уларнинг мазмуни ва функциялари 2.3-жадвалда ўз аксини топган.

2.3- жадвал

Моделнинг асосий тузилмавий компонентлари

№	Номи	Компонентнинг функцияси ва мазмуни
1	Мақсадли ва мақсад қўювчи компонент	Мактаб ўқитувчилари ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг мақсадлари ва вазифалари тизимига киради. Бу компонент тизимни ташкил этувчи бўлиб, уларнинг мазмуний томонини ишлаб чиқишнинг асосий омили ҳисобланади. Кутилган натижа сифатида биз томондан модел реализациясининг мақсади – ХТХҚТМОҲМда тажрибавий-экспериментал иш Дастури реализациясига мос ҳолда мактаб ўқитувчиларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнини ташкилий, методик ва амалий таъминлаш (қаранг. 3.2.)
2	Методологик компонент	Методологик ёндашувларнинг тўпламидан иборат: ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантириш модели реализацияси асосида ётадиган тизимли, шахсга йўналган, фаолиятли, компетентли, технологик ёндашувлар. Шунингдек, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнини бошқарадиган тамойиллар.
3	Мазмуний компонент	Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари бўйича назарий, методик билимлардан иборат: тушунчали атамали аппарат, ижодий компетентликнинг таърифи, тузилмаси, ИКни ривожлантиришнинг мезонлари, кўрсаткичлари; педагогик диагностика методикалари, ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, технологиялар мазмуни. Шунингдек, мактаб ўқитувчилари ҳамда ўқувчиларнинг ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналган таълимий-ривожлантирувчи жараённинг мазмуни.
4	Ташкилий компонент	Бу компонент мактаб ўқитувчилари ижодий компетентлигининг ривожланишига ёрдам берадиган мажмуавий тадбирларни ташкил этиш учун мўлжалланган. Унга қуйидагилар киради: - тажрибавий-экспериментал ишда ва ўқитувчиларнинг ИК ни ривожлантиришга ёрдам берадиган ташкилий-педагогик шароитларини машғулотларни яратишда, иштирок этишда истовчиларни жалб қилиш мақсадида ХТХҚТМОҲМ да таълим олаётган педагоглар учун қўшимча суҳбатлар, мини-маърузалар;

		<ul style="list-style-type: none"> - ИКни ривожлантириш масалалари бўйича экспериментал гуруҳларда ўқитувчилар билан гуруҳий маслаҳатлар, суҳбатлар ўтказиш; - тадбирларнинг диагностик суҳбатларни амалга ошириш (ўқитувчиларда гуруҳий анкетали сўровнома ва тест синовларини ўтказиш); - тренинг технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитувчилар билан ИКга ўргатувчи ва ривожлантирувчи машғулотлар ўтказиш (креатив қобилиятларни; педагогик муомалада ўқитувчининг коммуникатив кўникмаларини; ўқитувчининг ўзини ўзи ижодий ва касбий-ижодий ривожлантириш); - ўқитувчилар ижодий компетентлигини ривожлантириш, ўз малака даражасини ошириш учун уларнинг актуал ва касбий аҳамияти (мавзулар)нинг муҳокамаси билан боғлиқ мавзуй суҳбатлар ўтказиш; - диагностик тадбирлар, тренинг машғулотлари, бошқа тадбирлар натижадорлиги ва самарадорлигини баҳолаш мақсадида уларнинг натижаларини муҳокама қилиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар билан дискуссия, гуруҳий суҳбат ўтказиш.
5	Диагностик компонент	Ижодга нисбатан қобилият; шахснинг ижодий фаоллиги, ижодий салоҳияти, шунингдек, ўзини — ўзи касбий-ижодий ривожлантириш; ижодий компетентлигини ўзи баҳолаши, унинг ривожланганлик даражаси (экспериментал ишни ўтказгунча ва тугагандан кейин) ҳисобланган ўқитувчининг креативлигини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида ўқитувчиларда диагностик тадбирлар (диагностик суҳбатлар, анкета сўровномалари, тест ўтказиш ва бошқ.)ни амалга ошириш учун мўлжалланган.
6	Когнитив компонент	Мазкур компонентнинг амалга оширилиши педагогик ижод, ижодий компетентлик, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий салоҳияти, шунингдек, шахсий, касбий-ижодий ўзини — ўзи ривожлантириш масалалари бўйича зарур бўлган билимларни ўзлаштиришга оид ўқитувчиларнинг билиш фаолиятининг фаоллигини таъминлашга йўналгантирилган.
7	Креатив компонент	Мазкур компонентнинг амалга оширилиши ижодий фаолиятга нисбатан ўқитувчининг ижодий сифатлари ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган. Мактаб ўқитувчисида шахснинг юқори ёки етарли даражадаги оптимал интеллектуал қобилиятлари ва ижодий сифатларининг, шунингдек, ривожланган аналитик тафаккурнинг мавжудлигини назарда тулади.
8	Мотивацияли компонент	Мазкур компонентнинг амалга оширилиши тренинг машғулотлари ва суҳбатлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади, ўқитувчиларда шахсий ва касбий-ижодий ўзини ўзи ривожлантиришнинг аниқ ижобий мотивларини, креатив қобилиятларини, коммуникатив малакаларини ишлаб чиқиш мақсадида уларни фаоллаштириш ва мотивациясини рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг ижодий ривожланиши учун кейинчалик ўқувчилар билан ишлаганида ўзларининг ижодий билимларидан, кўникмаларидан, малакаларидан фойдаланишга нисбатан интилиши ҳисобланган мотив назарда тугилади.
9	Фаолиятли компонент	Ижодий фаолиятда ўқитувчининг билимлари, кўникмалари, малакалари, ижодий тажрибаси ва шахсий сифатлари тўплами реализацияси. У ўзида ижодий фаолиятни, масалан, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари, ижодий компетентлиги ва салоҳиятини ривожлантириш бўйича анланган мақсадга эришишни амалга оширадиган ҳаракатлар (операциялар), методлар ва усуллар тўпламини мужассамлаштиради. Мазкур копонент малака ошириш курсларидаги таълим пайтида, тажрибавий-экспериментал ишдаги иштироки босқичида ва ўқувчилар билан кечадиган келажакдаги ижодий ишида ўқитувчининг

		ўқув-билиш фаолиятини таъминлайди.
10	Коммуникацион компонент	Ўқитувчининг болалар, ота-оналар, ҳамкасблари, маъмурият билан кечадиган мақсадли ва самарали педагогик муомаласини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган коммуникатив ижод нуқтаи назаридан қаралган коммуникатив малакаларни ривожлантириш назарда тутилади. Мазкур компонент мактаб ўқитувчисининг педагогик ва ижодий фаолиятида оптимал коммуникацияни ҳамда ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш қобилиятини шакллантиради.
11	Ўзини-ўзи касбий-ижодий ривожлантиришнинг рефлексив компоненти	Ўзини аниқ ижодий индивидуаллик ва ўзининг шахсий, ижодий қобилиятларини ўзи баҳоловчи, ўз ижодий компетентлигининг даражасини баҳоловчи, шунингдек, ўзига-ўзи таълим бериш, касбий-ижодий ўзини-ўзи ривожлантириш йўли билан ўзини-ўзи такомиллаштирувчи сифатида англашни назарда тутди.
12	Мониторингли компонент	Мактаб ўқитувчиларининг экспериментал гуруҳларида диагностика натижаларини, тренинг машғулотларини ва бошқа тадбирларни, шунингдек, ижодий компетентликни ривожлантириш натижаларини кузатиш, қайд этиш ҳисобланган педагогик мониторингни ўтказиш мақсадида амалга оширилади.

Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантириш моделини ҳаётга татбиқ этиш асосида қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади:

- мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантиришга нисбатан шахсга нисбатан йўналган ёндашувни ҳаётга татбиқ этишни назарда тутадиган гуманизм;

- ҳар бир ўқитувчи, педагог учун ижодий компетентликни ривожлантириш тизимининг мавжудлигини таъминлаб берадиган демократизация;

- мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантириш бўйича тадбирларнинг барча иштирокчилари ўртасида тенг ҳуқуқли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш ва ҳамкорлик;

- ўз ижодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантириш зарурлигини ўқитувчилар томонидан англанилишини назарда тутадиган анланганлик, ўзини - ўзи рефлексия қилиш;

- компетентликнинг мазкур тури ривожини ташкил этиш ва таъминлашда шахсга йўналганлик, компетентлик, технологик ёндашувлар асосида ўқитувчининг ижодий компетентлиги барча компонентларининг ривожланишини назарда тутадиган интегративлик;

- ўқитувчи компетентлигини ривожлантириш мазмуни, воситалари, шакллари, методлари, технологияларини кўп вариантли, бир хил бўлмаган ҳолда танлашни таъминлаб берадиган эгилувчанлик ва вариативлик;

- ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёнини рағбатлантириш ва фаоллаштириш учун ижобий бўлган ташкилий-педагогик шарт-шароитларни яратишга йўналган педагогик (ёки психологик-педагогик) кўллаб-қувватлаш.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Педагогик объектларнинг тадқиқотларида (тизимлар, жараёнлар, ходисалар ва бошқ.) педагогик моделлар катта роль ўйнайди. Уларда моделлаштириш метод ёрдамида яратилади, тадқиқотнинг ўрганилаётган муаммоси, мақсади ва вазифалари нуқтаи назардан нисбатан ишончли даражада акс эттиради. Моделлаштириш – тадқиқотнинг умумилмий методи бўлиб, у алмаштириладиган реал объектнинг соддалашган модел кўринишида фойдаланишига асосланади.

2. Модел амалда ёки маълум педагогик объектни тушунтириш, ўрганиш, аниқлаштириш мақсадида уни тасвирлашнинг (репрезентация қилишнинг) тадқиқий усули сифатида фойдаланилади, ёки объектнинг модел билимларининг таҳлили асосида ўша объектнинг тузилишига, фаолиятига, ривожланишига таъсир қилиш имкониятини берадиган инструмент сифатида фойдаланилади. Жумладан, педагогик моделлар таълим, тарбия жараёнлари, таълим тизимлари, шахснинг шаклланиши ва ривожланиши тадқиқотларида, шунингдек, ўқитувчи, педагогнинг ижодий салоҳияти, ижодий, креатив, касбий-ижодий компетентликни ривожлантиришнинг технологиялари ҳамда дастурларининг мазмунини ишлаб чиқишда ўз тасдиғини топди.

3. Ўқитувчи, педагогнинг ижодий салоҳияти, ижодий, креатив, касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муаллифлик моделлари, ташкилий-педагогик шароитлари уларнинг блоклари мазмунининг турли хил талқинига эга. Педагогларнинг ишларида муаллифлик моделлари 3-дан 8-блоккача; ташкилий-педагогик шароитлар

3-дан 5-блоккача бўлган компонентларни ўзида мужассамлаштиради. Одатда 3- ва 4-блокки тузилмавий-функционал моделлар ва ташкилий-педагогик шароитлар қўлланилади. Улар кўрсатилган компетентликлар ва салоҳиятларни ривожлантиришнинг самарали натижаларини берди.

4. Ўзида қуйидаги тузилмавий блокларни мужассамлаштирган моделлар, бизнингча, нисбатан тўлиқроқ ва натижалирокдир: мақсадли, методологик, методик, мазмунли, ташкилий-педагогик, мезонли, диагностик-баҳоловчи, даражали, босқичли, модулли, операцион-фаолиятли, жараёнли-технологик, натижавий.

5. Ташкилий-педагогик шароитлар уларнинг тўлиқ кўринишида қуйидаги компонентларни ифодалаш мумкин: мақсадли, ташкилий, диагностик, методик, мотивацияли, дидактик, коммуникацияли, инфратузилмали, муҳитли ижодий (креатив), шунингдек, ижодий қўллаш, ўзини ўзи ташкил этиш; ўзига ўзи тайёргарлик.

6. Баъзи тадқиқотларда ўқитувчи, педагогнинг ижодий, касбий-ижодий, креатив компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш моделлари ўрганилади. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам муаллифлик моделини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам берадиган ташкилий-педагогик шароитларнинг тавсифини ўзида мужассамлаштирмайди. Ёки, аксинча, фақат ташкилий-педагогик шароитлар берилган, бироқ моделларнинг ўзларининг тавсифи йўқ. Айрим ишларда, шу нарса маълум камчилик ҳисобланадики, моделнинг тузилмасига мазкур компетенциялар ривожланишининг баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари, методикалари, воситалари ва технологиялари кўрсатилмаган.

7. Ўқитувчи, педагог ижодий компетентлигининг шахсий маълум тузилмалари, компонентларига боғлиқ ҳолда муаллифлар турли хил, бири-биридан кескин фарқ қиладиган уни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларидан фойдаланишади:

- гносеологик фаоллик, кўрсаткичлари: методологик, интеллектуал, тадқиқий, психологик, педагогик, креатив компетенция;

- технологик мобиллик, кўрсаткичлари: эвриологик, ташкилий, таълимий, методик, технологик, инновацион компетенциялар; ижодий тайёргарлик, кўрсаткичлари: ижодий фаолиятга йўналганлик, эмпетиялик, креативлик, рефлексивлик, заковатлилик, коммуникативлик, импровизация;

- ўқитувчининг касбий фаолиятида ижодга йўналганлик, кўрсаткичлари: ижодий йўналганлик, ижодий имкониятлар, шахснинг кадриятларга йўналганлиги; ўқитувчининг ижодий масалаларни ҳал этишга нисбатан тайёргарлиги, кўрсаткичлари: илмий-назарий, ўқитувчининг ижодий фаолиятга методик ва шахсий тайёргарлиги; вербал креативлик, кўрсаткичлари: оригиналлиги, универсаллиги, маҳсулдорлиги;

- мотивацион-кадриятли, кўрсаткичлар: педагог фаолиятида ижоднинг ролини англаш, ижодий қидирувдан илҳомланиш, стереотипларни эгаллашда ташаббускорлик; билувчи-баҳоловчи, кўрсаткичлар: атроф-муҳитни ўзлаштириш кўникмаси, ҳодисаларнинг сабабларини излаб топиш, муаммога нисбатан ўз қарашига эга бўлиш; эмоционал-ижодий, кўрсаткичлар: ижод билан қизиқиш, эмоционал кўтарилиш, ғояларни чиқариш, башоратгўйлик; ташкилий-фаолиятли, рефлексив, кўрсаткичлар: мақсад қўйиш кўникмаси, мазкур мақсадга етиш учун ўзининг ва ўзгаларнинг фаолиятини ташкил этиш, фаоллик ва рефлексия;

- когнитив мезон, кўрсаткичлар: синтезга, анализга, қиёсга қобилият; муаммоли масалаларни қўйиш ва ҳал этиш, асосий билимлар, кўникмалар, танлаш, методик қобилиятни топа олиш кўникмаси, мослашувчанлик, тажрибани ўтказиш қобилияти; иродавий мезон, кўрсаткичлари: мустақиллик, шижоат, ўзгартиришларга қобилият, янги тажрибани очиш, таваккал қилиш қобилияти, ишни охиригача олиб бориш қобилияти, интеллектуал янгиликка интилиш, стереотиплардан воз кечиш, мустақил қарор қабул қилиш қобилияти; мотивацион мезон; кўрсаткичлар: ўзини - ўзи реализация қилишга интилиш; муваффақиятга эришиш мотивацияси, ўзини - ўзи фаоллаштиришга тайёрлик, талабнинг реал даражаси, кадриятлар ориентацияси, ички мотивация; фаолият мезони; кўрсаткичлар: ноанъанавий

вазиятларда қарор чиқариш қобилияти, тафаккур ва хулқ-атворнинг эгилувчанлиги, ноаниқликка толерантлик, ишонч, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг асосий воситаларини, усулларини эгаллаш, мослашувчанлик, оригиналлик, ғояларнинг ноодатийлиги; рефлексив мезон; кўрсаткичлар: ўзини ва ўз фаолиятини объектив баҳолаш; ўзини ўзи назорат қилиш; эришилганларни танқидий баҳолаш, ўзини – ўзи хурмат қилиш, ривожланган интуиция; ривожланган ўзини – ўзи англаш; ўз фаолияти натижаларини башорат қилиш.

8. Белгиланган мезонлар мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг мезонларга мос бўлган технологиялар, моделларни ишлаб чиқишда инобатга олинади ва фойдаланилади. Ўқитувчи ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш турли хил педагогик ҳамда бошқа технологиялардан, жумладан, муаллифлик дастурларидан фойдаланадилар.

9. Педагогикада педагогик технологияларнинг турли хил тушунчалари ишлаб чиқилган ва қўлланилади. Педагогик технологиялар – таълим-тарбия жараёнининг ўзгараётган шароитларда башорат ва диагноз қилинаётган натижага эришишни инструментал жиҳатдан таъминлаб берадиган ҳаракатлар, операциялар ва процедураларнинг тартиблашган тўпламидир; педагогик технология макон ва замонда олдиндан дастурлаштирилган ва кутилган натижаларга олиб келадиган илмий асосда қурилган педагогик жараён барча компонентларининг фаолияти тизимини ўзида мужассамлаштиради; педагогик технология олдинга қўйилган мақсадга эришишга кафолат берадиган ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг олдиндан дастурлаштирилган ва алгоритмлаштирилган жараёнидир; педагогик технология қуйидаги кўринишларда фаолият кўрсатади: фанлар, таълимнинг тадқиқ қилинаётган ва лойиҳалаштирилаётган рационал йўллари; фаолиятнинг алгоритмлар, усуллар ва регуляторлар тизими; шахснинг таълими, тарбиясини шакллантириш ва ривожлантиришнинг реал жараёни. Барча жабҳаларда ё

харакатлар дастурининг тавсифини илмий жихатдан ишлаб чиқиш сифатида ёки амалиётда реал амалга ошириладиган жараён сифатида ифодаланади.

10. Тадқиқотчилар “технология” атамасидан фойдаланишнинг тўртта асосий соҳасини ажратиб кўрсатадилар:

1) технология ҳар қандай педагогик жараён сифатида (гуманитар ва толерант йўналишларнинг барча педагогик тизимлари);

2) технология – педагогнинг санъати ва педагогик техникаси (В.Шаталов, Ш. Амонашвили ва бошқа ўқитувчи-новаторларнинг методикаси);

3) технология алгоритмик парадигма (блокли-модулли технологиялар; тренинглари, ўйинли, ролли, ишга оид технологиялар, ишнинг алгоритмлашган гуруҳий шакллари, дидактик ва тўпланган технологиялари; инфорацион ва мультимедиа технологиялари, лойиҳавий-тадқиқий технологиялар, лойиҳалар методи, глобал инфорацион тармоқларда таълим технологиялари);

4) технология стохастик, эҳтимолий парадигма (таълимнинг шахсга йўналган, шахсни ривожлантирувчи, шахсда марказлашган ва индивидуал-шахсли технологиялари).

11. Бошқа жабҳаларда педагогик технологияларни тушунишнинг тўртта йўналиши ёки позициялари ажратилади (Г.К.Селевко, чет эл муаллифлари):

1) педагогик технологиялар ўқув жараёни учун методик инструментарийнинг, аппаратураларнинг, ўқув жиҳозларининг, ТТВ воситаси, ишлаб чиқариши ва қўлланилиши сифатида; 2) педагогик технологиялар ўқувчиларнинг таълими, тарбияси, ривожланишининг усули сифатида; 3) педагогик технологиялар илмий йўналиш сифатида; 4) педагогик технологиялар кўп жабҳали тушунча (ёндашув) ва кўп ўлчамли жараён.

12. Мактаб ўқитувчилари ижодий компетенциясининг шаклланишига ва ривожланишига ёрдам берадиган самарали воситалар, шароитлар

педагогик ёндашув, педагогик технологиялардир. Таълим ва тарбияда технологик ёндашув у ёки бу таълим ёки педагогик технологияларга мос ҳолда таълим ҳамда ўқув жараёнини аниқ бошқаришни назарда тутди.

13. Педагогик технологиялар қуйидагича таснифланади ва белгиланади: таълим оладиганлар, тарбияланадиганлар, технологияни ривожлантирадиганлар; авторитар ва дидактикомарказлашган технологиялар; модулли, муаммоли, интеграциялашган, ривожлантирадиган, интерфаол технологиялар; тарбия технологиялари; эвристик технологиялар; информаион ва информаион коммуникатив технологиялар; шахсга йўналтирилган технологиялар; тренингли ва гуруҳий технологиялар; ўйин технологиялари; ижодий устахоналар технологиялари; кейс-технологиялар; ҳамкорлик технологиялари; касбий технологиялар ва ҳ.к.

14. Аниқландики, таълим муассасаларида (ОТМ, мактаб, коллеж) ва малака ошириш курсларида ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантириш мақсадида педагогик технологияларни танлаш, аниқлаштириш ва ҳаётга татбиқ этишнинг мазмунини тўлиқ тавсифлайдиган тадқиқотлар жуда кам. Фақат айрим ишлар борки, уларда қуйидагилар берилган: педагогик технологияларнинг умумий тавсифи (таърифлар, таснифлар ва ҳ.к.); технологияларнинг, интерфаол методларнинг, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш дастурларининг муаллифлик ишланмалари, уларнинг амалий самарадорлиги исботланган.

15. Мазкур 1-шаклдан кўриниб турибдики, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлиги ривожланиш Моделининг умумий тузилмаси 5 та блокдан иборат: 1. Блок “Шахс ва ўқитувчининг ижодий компетентлиги”. 2. Блок “Моделнинг тузулмавий компонентлари”. 3. Блок “Диагностиканинг мезонлари ва методлари”. 4. Блок “Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар”. 5. Блок “Ривожлантириш технологиялари ва мониторинги”.

16. Экспериментал гуруҳларда ўқитувчилар билан ўтказилган машғулотларда қуйидаги ташкилий-педагогик шарт-шароитлар сақланади:

креатив педагогика соҳасида ўқитувчи-тингловчиларни педагогик ижод тўғрисидаги маълумотлар, ўқитувчи ва ўқувчи ижодий фаолиятини; ўқитувчининг предметли, методик, коммуникатив ижоди ҳақидаги билимлар билан таъминлаш. Эркин, мажбурий бўлмаган ўқув вазиятини ва очиқ, ишончли муомала муҳитини яратиш. Ўқитувчиларнинг ноодатий саволларга, ноодатий ғояларга, таклифларга диққат билан муносабатда бўлиш ва ижодий иш учун уларнинг аҳамиятини баҳолаш; таълим олувчиларнинг ижодий фаоллигини фаоллаштирадиган масалалардан фойдаланиш (“ақлий ҳужум”, мавзуй мунозаралар, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, ечиш ва бошқ.); ижодий муҳитни яратиш, тренинг ва бошқа машғулотлар учун муваффақиятли вазиятни яратиш.

17. Мазкур Моделга кирган тузилмавий (асосий) компонентларга қуйидагилар киради: мақсадли, методологик, мазмуний, диагностик, когнитив, креатив, мотивацион, фаолиятли, коммуникацион, рефлексив, мониторингли.

III БОБ. МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИЖОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБАВИЙ-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ИШ

3.1-§. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг алгоритми

Алгоритм – бу мақсадга эришишга йўналтирилган ҳаракатларни бажаришнинг кетма - кетлигини ижрочига қатъий бажариш кераклиги тўғрисидаги кўрсатмани ўзида мужассамлаштирган маълум кўрсатма ёки ҳаракатлар режаси. Мазкур модел реализациясининг алгоритми умумий базали тузилмага ва Модел компонентларига мос тушади.

У мақсадга – мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришга эришишга йўналтирилган “қадамлар” деб аталган кетма-кет ҳаракатларни ижрочига (олиб борувчига – педагогга, психологга) бажариш учун асосланган кўрсатмадир.

Бизнинг мисолимизда, ижрочи “Олиб борувчи” сўзи билан белгиланиб, у алгоритмнинг кейинги қадамлари реализацияси асосида ҳар бир ўқитувчида ижодий компетентликни ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган мактаб ўқитувчилари (малака ошириш курсларида таълим олаётган) гуруҳи билан иш бажаради:

I. “Шахс ва ўқитувчининг ижодий компетентлиги” блоки

1 қадам. Олиб борувчи ўқитувчилар гуруҳида таништириш суҳбатини ва мини-маърузани ўтказди. Натижада у “ўқитувчи ижодий компетентлиги” тушунчасининг маъносини, ўқувчилар билан самарали, маҳсулдор ишни амалга ошириш, шахс профессионализи ва ижодий салоҳияти даражасини оширишдаги унинг аҳамиятини тушунтиради. Шунингдек, “ижод”, “педагогик ижод”, “ижодкор шахс”, “ижодий қобилиятлар”, “ижодий қобилият” ва шахснинг “ижодий салоҳияти” тушунчаларининг моҳиятини тушунтиради.

Шундан сўнг олиб борувчи ўқитувчиларга анкета тарқатади: “Ўқитувчи ижодий компетентлигини ўзи баҳолаш”, унинг мақсади тушунтирилади – “ўз ижодий компетентлигининг даражасини баҳоланг” – ва мазкур анкетани қандай тўлдириш кераклиги тушунтирилади.

Анкета сўровномасини ўтказгандан кейин олиб борувчи ўқитувчилар билан улар ўқитувчининг ижодий компетентлиги тўғрисидаги олинган маълумотни ва анкета саволларини қандай тушунганлигини муҳокама қилади. Ўқитувчи “айлана”да ўтиради ва ҳар бири гуруҳ олдида ўз фикрини изҳор этади. Шундай сўнг олиб борувчи ўқитувчиларнинг фикрларини умумлаштиради ва хулоса қилади.

Машғулотнинг асосий мақсади – диагностик ва ривожлантирувчи экспериментлар доирасида гуруҳ билан ўтказиладиган машғулотларга, тренингларга ҳамда бошқа тадбирларга ўқитувчиларнинг билишга нисбатан қизиқишларини шакллантириш ва фаоллаштириш, шунингдек, ўз ўқув фаолиятининг ўзига ўзи таълим бериш, ўзини ўзи ташкил қилиш йўли билан ижодий компетентликни ўзи ривожлантиришга нисбатан мотивацияни шакллантириш.

II. “Диагностиканинг мезонлари ва методлари” блоки

2-қадам. Мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини диагноз қилишнинг мезонлари ва методларига таянади. Шунда қуйидаги мезонлардан фойдаланилади: ташкилий, фаолиятли, мотивацияли, когнитив, креатив, коммуникацияли, рефлексив.

Умуман айтганда, диагностика натижаларини ва ўзини-ўзи баҳолаш қуйидаги кўрсаткичларга асосланади: ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг “қуйи, ўрта, оптимал, юқори даражалари”.

Диагностика методлари: диагностик суҳбат, бевосита кузатиш, анкета сўровномаси, тест синови, ўзини ўзи баҳолаш.

Олиб борувчи ўқитувчилар гуруҳга диагностик методикаларнинг варақаларини, тестларни, анкеталарни тарқатади, диагностика мақсади-анкеталар бўйича тест ва сўровнома кўрсатмаси бўйича; шунингдек

саволларга қандай жавоб бериш кераклигини ва сўровнома варақаларини қандай тўлдириш кераклигини тушунтиради.

Иштирокчилар сўровнома варақаларини кўрсатма бўйича белгиланган вақтда тўлдирадилар. Шундан сўнг уларни олиб борувчига миқдор ва сифат ҳисоб-китобини, таҳлилни ўтказиш, шунингдек, диагностика натижаларини фарқлаш ва умумлаштириш учун топширадилар. Диагностиканинг қўлга киритилган умумлашган натижаларини олиб борувчи гуруҳ билан (мазкур гуруҳнинг умумлашган кўрсаткичлари) муҳокама қилади, индивидуал натижаларни эса (фарқланган индивидуал кўрсаткичлар) ҳар бир ўқитувчига алоҳида (конфиденциал ҳолда) ёзма ёки оғзаки маълум қилади.

Диагностик экспериментда қуйидаги методикалардан фойдаланилди:

1) “Ўқитувчининг ижодий компетентлигини ўзини ўзи баҳолаши” анкетаси (муаллиф ишлаб чиққан) – рефлексив, фаолиятли, коммуникатив мезонлар;

2) “Креативлик” психологик тести – шахснинг ижодий майлларини диагностика қилиш ва креатив профилини тузиш (Н.Вишнякова сўровномасининг адаптив варианты) – креатив мезон;

3) “Шахс ижодий фаоллигининг диагностик методикаси” (М.М.Кашапова, О.Н.Рикитскаялар сўровномасининг адаптив варианты) – фаолиятли, коммуникатив, ташкилий мезонлар;

4) “Ўқитувчи касбий-ижодий ўзини – ўзи ривожлантиришнинг ўзини ўзи баҳолаши” анкетаси (муаллиф ишланмаси) – мотивацияли, фаолиятли, когнитив мезонлар.

Изоҳ: кўрсатилган мезонларга диагностик методикалар ва анкеталарнинг мослиги саволларнинг мазмуни ҳамда уларга бериладиган жавобларга боғлиқ. Бизнинг назаримизда, мақсад бўйича, йўналганлик ва мазмуннинг мантиғига кўра методика, тест, анкеталарнинг ҳар бир саволи ижодий фаолият, шахснинг мотивацияли, когнитив (билиш) соҳаси билан,

шунингдек, ўқитувчининг ташкилотчилик, креатив, коммуникатив, рефлексив қобилиятлари билан мос келиши ва боғлиқ бўлиши мумкин.

III. “Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар” блоки

3-қадам. Олиб борувчи (экспериментчи) ХТХҚТМОҲМ раҳбарлари ва ўқитувчилари билан таълим олаётган ўқитувчилар учун уларнинг ижодий компетентлигини шакллантиришга ва ривожлантиришга ёрдам берадиган махсус ташкилий-педагогик шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, институтнинг педагогик жамоаси томонидан ижодий атмосферани келажакда яратиш масалалари бўйича суҳбат ўтказди. Шу билан бирга мактаб ўқитувчиларига тажрибавий-экспериментал иш ўтказиладиган институтнинг жамоасига мос келадиган илмий-методик тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, тренинг ва бошқа машғулотларда мазкур ўқитувчилар билан олиб борувчи қуйидаги ташкилий-педагогик шарт-шароитлар сақланади ва таъминланади:

- суҳбатлар, мини-маърузалар, дискуссиялар жараёнида тингловчи-ўқитувчиларни ўқитувчи ўзининг ва ўқувчиларнинг ижодий компетентлиги, ижодий қобилиятлари, ижодий салоҳиятлари; педагогик ижод, ўқитувчининг предметли, методик, коммуникатив ижоди ҳақидаги зарурий маълумотлар билан таъминлайди;

- очиқ ишчан ва шахслараро муомала ёрдамида машғулотлар иштирокчилари ўртасида эркин, мажбур этилмаган ижодий муҳитни ва очиқ, бир-бирига ишончли бўлган муомала атмосферасини яратади ҳамда таклифларига диққат билан муносабатда бўлади;

- ўқитувчиларнинг ноодатий саволларига, ноанъанавий ғояларига ва ўқувчилар билан ижодий ишлаш, уларнинг болалар, ўсмирлар, ёшлар ижодий фаолияти назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан таълим бериши, тарбиялаши ва ривожлантириши аҳамиятини баҳолайди;

- таълим олаётган тингловчи-ўқитувчиларнинг ижодий фаоллигини фаоллаштирадиган топшириқлардан (масалан, “ақлий ҳужум”, мавзувий мунозаралар, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, ечиш ва бошқ.)

фойдаланади; тренинг ва бошқа машғулотларнинг ижодий атмосферасини қўллаб-қувватлайди.

IV. “Ривожлантириш технологиялари ва мониторинги” блоки

4-қадам. Диагностика натижаларини муҳокама қилиб бўлгандан сўнг олиб борувчи ўқитувчиларга уларнинг гуруҳларида “тренинг” деб аталадиган махсус таълим берувчи машғулотлар ўтказилиши тўғрисида маълумот беради. Уларнинг асосий мақсади – тренинг технологияларини қўллаш орқали ўқитувчилар ижодий компетентлигини ривожлантиришдир.

Ривожлантирувчи экспериментда қуйидаги технологиялар қўлланилди:

1. Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг тренинг технологиялари (8 соат).

2. Ўқитувчи креативлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг тренинг технологиялари (2 соат 30 дақиқа).

3. Ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришининг тренинг технологиялари (10 соат).

Улардан ҳар бири ўзида мос дастурларни мужассамлаштиради, уларнинг кетма - кет реализацияси амалда олиб борувчи ва ўқитувчилар гуруҳи томонидан тренинг машғулотлари жараёнида амалга оширилади. Мазкур дастурларнинг мазмуни иловада ажратиб кўрсатилади.


Тренинг дарсларида тингловчи – ўқитувчилар олиб борувчининг топшириғини бажарадилар, кўрсатилган дастурларга сингдирилган кўрсатма, талабларни бажара туриб, мурожаат қилинади ва ҳаракат қилинади. Бу мазкур соҳаларда (яъни тренинг технологиялари реализациясининг мақсадлари) уларнинг ижодий компетентлигини ривожлантиришда ижобий натижаларга эришишга олиб келади.

Тренинг машғулотларини ўтказиш жараёнида барча қўлга киритиладиган ўқитувчилар гуруҳининг якунловчи умумлашган натижалари олиб борувчи томонидан “Мониторинг” номли журналда, шунингдек, иштирокчиларнинг ўзи томонидан индивидуал ҳолда қайд этилади. Улар ҳар

бир машғулотнинг натижалари ҳақидаги маълумотни ўз кундаликларига ёки “Портфолио”га ёзиб боради.

Шундай қилиб, модел реализациясининг алгоритми ўз моҳиятига, мақсадларига, вазифаларига ва мазмунига кўра соҳада мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг самарали ва маҳсулдор воситаси ҳисобланади: ўқитувчининг креатив қобилиятларини, коммуникатив малакаларини, шахсий ва касбий-ижодий ўзини ўзи тарбиялашни ривожлантириш.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш моделининг ўзига ўхшаш мазкур алгоритмда схемадан фойдаланилган бўлиб, у “Диагностиканинг методикалар, тестлар, анкеталарнинг” “ИКни ривожлантириш мезонларига ва кўрсаткичларига” адекват ҳолда мантиқий мослигини, шунга мос ҳолда мазкур мезонларнинг “ИКни ривожлантириш моделининг тузилмавий блокларига” мослигини кўрсатади (қаранг.3.1-расм).



3.1-расм. “Диагностик методикалар, тестлар, анкеталар”нинг “ИКни ривожлантиришни баҳолашнинг мезонларига” адекват мослиги, “ИКни ривожлантириш Модели тузилмавий блоклари” мезонларига мослиги схемаси.

Юқорида айтилганларни мухтасар қилиб таъкидлаймизки, биз ишлаб чиққан Алгоритм, умуман, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал модели мамлакатимиз ва ўзга чет эл

муаллифларининг илмий ишларида учрамайди, бу эса ўз ўрнида унинг янгилигини, назарий ва амалий аҳамиятини акс эттиради.

3.2-§. Мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш бўйича тажрибавий-экспериментал иш натижалари ва самарадорлигининг таҳлили

Бизнинг тажрибавий-экспериментал ишимизда Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятларидаги халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари (ХТХҚТМОҲМ) тингловчи ўқитувчилари иштирок этиб, улар мутахассисликларига мос ҳолда 7 та гуруҳга бўлинганлар:

- **Жиззах вилоят:** 1– гуруҳ: бошланғич синф ўқитувчилари – 19 тингловчи; 2 – гуруҳ: бошланғич синф ўқитувчилари – 21 тингловчи; 3– гуруҳ: физика фани ўқитувчилари – 17 тингловчи; 4 – гуруҳ: математика фани ўқитувчилари – 15 тингловчи (жами 72 та тингловчи);

- **Наманган вилоят:** 5 – гуруҳ: бошланғич синф ўқитувчилари – 20 тингловчи; 6 – гуруҳ: кимё фани ўқитувчилари – 18 тингловчи (жами 38 тингловчи);

- **Сурхондарё вилоят:** 7 – гуруҳ: бошланғич синф ўқитувчилари – 21 тингловчи.

Тажрибавий-экспериментал иш (ТЭИ) уч босқичда ташкил этилди ва ўтказилди: I – диагностик босқич; II – ривожлантирувчи босқич; III – якуний босқич. Мазкур босқичларнинг мазмунини батафсил кўриб чиқамиз.

I диагностик босқич. Мазкур экспериментал гуруҳларнинг иштирокчи ўқитувчиларида тест ва анкета сўровлари ўтказилди. Натижалар 2 иловада жадвал кўринишида ўз аксини топган.

Диагностика мақсадларида қуйидаги тестлар ва анкеталардан фойдаланилди:

1) “Креативлик” психологик тести – шахснинг ижодий майлларини диагностика қилиш (Н.Вишнякова сўровномасининг адаптив варианты) – креатив мезон;

2) “Шахс ижодий фаоллигининг диагностик методикаси” (М.М.Кашапова, О.Н.Рикитскаялар сўровномасининг адаптив варианты) – фаолиятли, коммуникатив, ташкилий мезонлар;

3) “Ўқитувчининг ижодий компетентлигининг ўзини ўзи баҳолаши” анкетаси (муаллиф ишлаб чиққан) - рефлексив, фаолиятли, коммуникатив мезонлар;

4) “Ўқитувчи касбий-ижодий ўзини ўзи ривожлантиришнинг ўзини ўзи баҳолаши” анкетаси (муаллиф ишланмаси) – мотивацияли, фаолиятли, когнитив мезонлар.

Мазкур тестлар ва анкеталарни танлашимиз шу билан изоҳланадики, улар асосида аниқланган ижодий майллар, шахс ижодий фаоллиги, ижодий компетентлиги даражаси, касбий ўзини ўзи ривожлантириш бўйича ўзини ўзи баҳолаш кўрсаткичлари ўқитувчи ижодий компетентлиги баҳосининг мезонларига мос келади (қаранг 3.1.).

Тингловчи – ўқитувчиларда ўтказилган тестлар ва анкета сўровлари натижалари ҳар бир экспериментал гуруҳда тренинг машғулотларида муҳокама қилинди.

II ривожлантирувчи босқич. Мазкур босқичда таълим берувчи машғулотлар ўтказилиб, улар тингловчи – ўқитувчилар ижодий компетентлигини ривожлантиришга, шунингдек, ўзга кўрсаткичларга (ижодий майллар, ижодий фаоллик, ижодий компетентлиги бўйича ўзини – ўзи баҳолаш, касбий-ижодий ўзини ўзи ривожлантириш) йўналган.

Ўқитувчилар билан ўтказилган машғулотларда биз ишлаб чиққан қуйидаги тренинг технологияларидан фойдаланилди:

1. “Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг тренинг технологиялари” (дастур – 8 соат).

Технологияни амалга оширишдан кўзланган мақсад ва натижалар – гуруҳда коммуникатив алоқалар, ишончли муносабатлар ўрнатиш; педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи ижодий компетентлиги асосида ётувчи коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш;

2. “Ўқитувчи креативлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг тренинг технологиялари” (дастур – 2 соат 30 дақиқа).

Технологияни амалга оширишдан кўзланган мақсад ва натижалар: ўзида креативликни англаш; ижодий тафаккурни юзага чиқариш ва ривожлантириш учун тўсиқларни биргаликда бартараф этиш; масалаларнинг янги ностандарт (креатив) ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш.

3. “Ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришнинг тренинг технологиялари” (дастур – 10 соат).

Технологияни амалга оширишдан кўзланган мақсад ва натижалар: ўқитувчининг потенциал ижодий компетентлигини ривожлантириш; касбий-ижодий ўзини ўзи ривожлантиришда билим ва кўникмаларга ўқитиш.

Тренингнинг тингловчи-ўқитувчилари билан амалга ошириладиган индивидуал, гуруҳий натижаларни баҳолаш, ҳисобга олиш ҳар бир экспериментал гуруҳ иштирокчилари томонидан “Қайтар алоқа” ва “Натижалар самарадорлигини баҳолаш” анкеталарини тўлдириш йўли билан амалга оширилди.

Тренинг технологияларининг батафсил мазмуни (Дастурлар кўринишида) 2-иловада берилган.

III якуний босқич. Мазкур босқичда тест, анкета сўровлари ва таълим берувчи машғулотлар (тренинглари)нинг натижалари ва уларни умумлаштириш, қиёслаш ва Жиззах, Наманган, Сурхондарё ВХТХҚТМОҲМ тингловчи-ўқитувчиларининг экспериментал гуруҳларда тренинг технологияларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш миқдор ва сифат таҳлили кўринишида амалга оширилди.

Тингловчи-ўқитувчиларда диагностик экспериментда қўлга киритилган тест ва анкета сўрови натижаларини батафсил кўриб чиқамиз.

Қуйида, 3.2.1. жадвалда № 1 (бошланғич), № 2 (бошланғич), № 3 (физика), № 4 (математика), № 5 (бошланғич), № 6 (физика), № 7 (бошланғич) ўқитувчилар гуруҳлари бўйича ўтказилган тест ва анкета сўровининг умумлашган натижалари келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, барча экспериментал гуруҳларда мазкур тестлар, анкеталарнинг ташхис қилинаётган кўрсаткичлари бўйича ривожланишнинг “ўрта” ва “қуйи” даражаларига эга бўлган ўқитувчилар кўпчиликини ташкил этади.

“Креативлик” – шахснинг ижодий майлларини диагностика қилиш” тести бўйича гуруҳ № 6 (кимё) – 88,33% ва гуруҳ № 1 (бошланғич) – 31,57% ларда юқори натижалар юзага чиқди.

№ 2,3,4,5,7 ўзга гуруҳларда (бошланғич, физика, математика, бошланғич) мазкур тест бўйича юқори баҳолар 4.76 % (гур. № 7) дан 20,00 % (гур. № 5) гача тақсимланади.

“Шахс ижодий фаоллигининг диагностик методикаси” тести бўйича юқори натижаларнинг катта миқдорига № 6 (кимё) – 27,77 %; № 1 (бошланғич) – 21,05 %; № 4 (математика) – 20,00 %; № 7 (бошланғич) – 19,04% гуруҳларидаги ўқитувчилар эга бўлдилар.

“Ижодий компетент”ни ривожлантиришда ўзини ўзи баҳолашнинг нисбатан юқори даражаси № 6 (кимё) гуруҳи – 55,55 % ва № 4 (математика) гуруҳи – 26,66 % ўқитувчиларида кўзга ташланди. Ўзга гуруҳларда “ижодий компетент”нинг ривожланиш даражасидаги юқори натижалар қуйидаги ўқитувчиларда сезиларли ҳолда кам чиқди: 1 – гуруҳ. – 10,2 %; 2 – гуруҳ. – 9,52%; 3 – гуруҳ. - 11,76 %; 5 гуруҳ. – 10,00 % ; 6 гуруҳ. – 5,55 %; 7 гуруҳ - 9,52%.

“Касбий-ижодий ўзини ўзи ривожлантириш” бўйича юқори ўзини – ўзи баҳолаши ўқитувчиларнинг қуйидаги гуруҳларида кузатилади: № 6 гуруҳ (кимё) – 38,88 %; № 1 гуруҳ (бошланғич) - 26,32 %; № 7 гуруҳ. (бошланғич) – 23,8%. Қуйидаги ўзга гуруҳларда мазкур кўрсаткич бўйича юқори ўзини ўзи баҳолашга эга бўлган ўқитувчиларнинг энг кам миқдори кузатилади: № 2 гуруҳ (бошланғич) - 9,52 %; № 3 гуруҳ (физика) – 11,36%; № 4 гуруҳ(математика) - 20,00 %; № 5 гуруҳ. (бошланғич) – 10,00 %.

3.2.1. Жадвал

Жиззах, Наманган, Сурхондарё ВХТХҚТМОҲМ тингловчиларининг тест ва анкета сўрови натижалари

Ушбу жадваллардан олинган маълумотларга кўра, гуруҳ баҳолари – ўз–ўзини баҳолаш технологиялари ва тестлари, сўровномалар (ШИМД, ШИФД, ИКЎБ, КИЎРБ) нинг ўрганилаётган кўрсаткичлари учун корреляция коэффициентлари ишончли ва статистик жиҳатдан аҳамиятли, шундай қилиб, тингловчи-ўқитувчилар ўртасида технологияларни амалга ошириш кўрсаткичлари (баҳолаш) ва тест натижалари, сўровномалар (ШИМД, ШИФД, ИКЎБ, КИЎРБ) бўйича тадқиқотда аниқланган P -пи қийматлари 0,01 – 0,05 интервалда (Агар “P” нинг статистик аҳамияти даражаси 0,05 дан кам ёки тенг бўлса, унда фарқлар муҳим аҳамиятга эга. Агар “P”нинг статистик аҳамияти 0,05 дан ортиқ бўлса, унда фарқлар муҳим эмас, деган хулосага келади. Статистик аҳамиятга эга бўлган даража хато эҳтимолини акс эттиради. Натижада, P = 0,01 нинг натижаси P = 0,05 га қараганда аниқроқ. Тадқиқотлар натижаларнинг статистик аҳамиятга эга бўлган иккита мақбул даражасини қабул қилди: P = 0,01 – қиёсий таҳлил ёки муносабатларни таҳлил қилиш натижаларининг юқори ишончлилиги; P = 0,05-натижанинг етарли аниқлиги. Шунинг учун, P = 0,01 ҳолатда юқори ишончлилик мавжуд ва P = 0,05 – ҳолатида корреляция алоқаларининг етарли аниқлиги мавжуд. Келинг, ушбу корреляция алоқаларини батафсил кўриб чиқайлик.

Қуйидаги технологиялар гуруҳларида амалга ошириш самарадорлиги бўйича тест кўрсаткичлари ва тингловчи-ўқитувчиларнинг сўровномаларини корреляция қилиш коэффициентлари.

1. “Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантириш технологияси”:

ШИМД $\varphi = 0,51$ қачонки $P = 0,05$ – кўрсаткичлар ўртача алоқадор;

ШИФД $\varphi = 0,83$ қачонки $P = 0,01$ – кўрсаткичлар кучли алоқадор;

ИКЎБ $\varphi = 0,71$ қачонки $P = 0,01$ – кўрсаткичлар кучли алоқадор;

КИЎРБ $\varphi = 0,43$ қачонки $P = 0,05$ – кўрсаткичлар ўртача алоқадор;

2. “Ўқитувчи креативлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг технологияси”:

ШИМД $\varphi = 0,49$ қачонки $P = 0,01$ – кўрсаткичлар кучли алоқадор;

ШИФД $\varphi = 0,62$ қачонки $P = 0,05$ – кўрсаткичлар ўртача алоқадор;

ИКЎБ $\varphi = 0,60$ қачонки $P = 0,05$ – кўрсаткичлар ўртача алоқадор;

КИЎРБ $\varphi = 0,38$ қачонки $P = 0,05$ – кўрсаткичлар ўртача алоқадор;

3. “Ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришининг технологияси”:

ШИМД $\varphi = 0,54$ қачонки $P = 0,05$ – кўрсаткичлар ўртача алоқадор;

ШИФД $\varphi = 0,63$ қачонки $P = 0,05$ – кўрсаткичлар ўртача алоқадор;

ИКЎБ $\varphi = 0,61$ қачонки $P = 0,05$ – кўрсаткичлар ўртача алоқадор;

КИЎРБ $\varphi = 0,42$ қачонки $P = 0,01$ – кўрсаткичлар ўртача алоқадор;

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш мумкин:

1) ушбу технологияларнинг барча экспериментал гуруҳларида амалга оширилиши тингловчиларга жадал ривожланишга ижобий таъсир кўрсатди: коммуникатив-ижодий фаолият, ижодий мойиллик, ижодий қобилият ва умуман, ижодий қобилият, уларнинг профессионал ва ижодий ривожланиши, шунингдек, экспериментдан олдин ўқитувчиларни қайта тест қилиш ва сўроқ қилишнинг юқори натижалари билан тасдиқланади;

2) “Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг технология” гуруҳларда амалга ошириш самарадорлиги билан тингловчи-ўқитувчиларнинг ШИФД ва ИКЎБ диагностикаси натижаларининг кучли корреляцион алоқалари мавжуд (мос равишда $\varphi = 0,83$; $P = 0,01$ ва $\varphi = 0,71$; $P = 0,01$);

3) “Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг технология” гуруҳларда амалга ошириш самарадорлиги билан тингловчи-ўқитувчиларнинг ШИМД ва КИЎРБ диагностикаси натижаларининг ўрта, бироқ аҳамиятли корреляцион алоқалари мавжуд (мос равишда $\varphi = 0,51$; $P = 0,05$; ва $\varphi = 0,40$; $P = 0,05$)

4) ШИМД диагностикаси натижаларининг корреляцион коэффициентлари “Ўқитувчи креативлиги ва иждодий қобилиятларини ривожлантиришнинг технологияси” гуруҳларида амалга ошириш самарадорлиги билан кучли алоқадорликни акс эттиради.

($\varphi = 0,49$; $P = 0,01$); шу билан бирга ШИФД диагностикасида корреляция алоқадорлиги ўртача ($\varphi = 0,62$ қачонки $P = 0,05$); ИКЎБ ($\varphi = 0,60$ қачонки $P = 0,05$); КИЎРБ ($\varphi = 0,38$ қачонки $P = 0,05$)

5) худди шундай, “Ўқитувчи иждодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришининг технологияси” гуруҳи тингловчи-ўқитувчилари КИЎРБ индикаторларнинг диагностика натижалари кучли корреляция алоқаси аниқланди ($\varphi = 0,42$; $P = 0,01$); шунингдек ШИФД индикатори диагностика корреляцион алоқадорлик коэффициенти ўртача ($\varphi = 0,63$; $P = 0,05$); ИКЎБ ($\varphi = 0,61$; $P = 0,05$) ва КИЎРБ ($\varphi = 0,42$; $P = 0,01$);

Тестнинг умумий гуруҳ кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция муносабатларининг (кучли, ўртача) кучайиб бориши, бир томондан, субъектлар ўқитувчиларини сўроқ қилиш ва биз ишлаб чиққан технологияларнинг бир хил гуруҳларида амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш даражасини ҳисобга олсак, қуйидагиларни тасдиқлаш мумкин, яъни:

–“Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг технологиялари” ХТХҚТМОҲМ

тингловчиларига “Шахснинг ижодий фаоллиги” (ШИМД)ни ривожлантиришга, шунингдек, “Ижодий компетентлиги (ИКЎБ)”, “Касб-хунарга-ижодий ўзини ривожлантириш” (КИЎРБ) каби жиҳатларига кучли (интенсив) таъсир кўрсатганлиги аниқланди;

–“Ўқитувчи креативлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг технологияси” ХТХҚТМОҲМ тингловчиларига “Шахснинг ижодий фаоллиги” (ШИМД)ни ривожлантиришга кучли (интенсив) таъсир кўрсатганлиги аниқланди, шунингдек, ижодий фаоллиги (ШИФД), “Ижодий компетентлиги (ИКЎБ)” ва “Касб-хунарга ижодий ўзини ривожлантириш”(КИЎРБ) юзасидан ўртача таъсир кўрсатганлиги аниқланди;

–“Ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришининг технологияси” ХТХҚТМОҲМ тингловчиларига “Касб-хунар-ижодий ўзини ривожлантириш (КИЎРБ) юзасидан кучли, шунингдек, “Шахснинг ижодий фаоллиги” (ШИМД)ни ривожлантиришга кучли (интенсив) таъсир кўрсатганлиги аниқланди, шунингдек, “Ижодий фаоллиги” (ШИФД), “Ижодий компетентлиги (ИКЎБ)” юзасидан ўртача таъсир кўрсатганлиги аниқланди;

Шундай қилиб, ВХТХҚТМОҲМ тингловчилари билан ўтказилган тажриба-экспериментал ишларнинг натижалари қўлланган технологияларнинг самарадорлигини, амалий аҳамиятини тасдиқлайди ва умуман, тадқиқот гипотезаси қоидаларининг тўғрилигини кўрсатди.

Учинчи боб бўйича хулосалар

1. Алгоритм – бу мақсадга эришишга йўналтирилган ҳаракатларни бажаришнинг кетма – кетлигини ижрочиға қатъий бажариш кераклиги тўғрисидаги кўрсатмани ўзида мужассамлаштирган маълум кўрсатма ёки ҳаракатлар режаси. Мазкур моделни амалга оширишининг алгоритми умумий базали тузилмага ва модел компонентларига мос тушади. У мақсадга – мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришга эришишга йўналтирилган “қадамлар” деб аталган кетма-кет ҳаракатларни ижрочи (олиб борувчига–педагогга, психологга) бажариши учун асосланган кўрсатмадир.

2. Модел реализациясининг алгоритми ўз моҳиятига, мақсадларига, вазифаларига ва мазмунига кўра соҳада мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг самарали ва махсулдор воситаси ҳисобланади: ўқитувчининг креатив қобилиятларини, коммуникатив малакаларини, шахсий ва касбий-ижодий ўзини ўзи тарбиялашни ривожлантириш.

3. Мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш моделининг ўзига ўхшаб мазкур алгоритмда схемадан фойдаланилган бўлиб, у “Диагностиканинг методикалар, тестлар, анкеталарнинг” “ИКни ривожлантириш мезонларига ва кўрсаткичларига” адекват ҳолда мантикий мослигини ҳамда шунга мос ҳолда мазкур мезонларнинг “ИКни ривожлантириш моделининг тузилмавий блокларига” мослигини кўрсатади.

Тажрибавий-экспериментал иш (ТЭИ) уч босқичда ташкил этилди ва ўтказилди: I – диагностик босқич (экспериментал гуруҳларнинг иштирокчи ўқитувчиларида тест ва анкета сўровлари ўтказилди); II – ривожлантирувчи босқич (таълим берувчи машғулотлар ўтказилиб, улар тингловчи ўқитувчилар ижодий компетентлигини ривожлантиришга, шунингдек, ўзга кўрсаткичларга (ижодий майллар, ижодий фаоллик, ижодий компетентлиги бўйича ўзини–ўзи баҳолаш, касбий-ижодий ўзини ўзи ривожлантириш) йўналган; III–якуний босқич (тест, анкета сўровлари ва таълим берувчи машғулотларнинг натижалари ва уларни умумлаштириш, қиёслаш, ўқитувчиларининг экспериментал гуруҳларда тренинг технологияларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш миқдор ва сифат таҳлили кўринишида амалга оширилди).

4. Мазкур схемадан кўришиб турибдики, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлиги ривожланиш моделининг умумий тузилмаси 5 та блокдан иборат: 1-блок “Шахс ва ўқитувчининг ижодий компетентлиги”; 2-блок “Моделнинг тузулмавий компонентлари”; 3-блок “Диагностиканинг мезонлари ва методлари”; 4-блок “Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар”;

5-блок “Ривожлантириш технологиялари ва мониторинги”.

Мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган, шунингдек, диагностика, тренинг машғулотлари, бошқа тадбирлар натижаларини, экспериментал гуруҳларда мактаб ўқитувчиларнинг ижодий компетентлигини ривожлантириш натижаларини кузатиш ва қайд этиш ҳисобланган педагогик мониторингни ўтказиш учун педагогик ҳамда бошқа технологиялардан фойдаланиш мақсадида амалга оширилади. Ривожлантирувчи экспериментда қуйидаги технологиялар қўлланилди:

–“Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг тренинг технологиялари” (технологияни амалга оширишдан кўзланган мақсад ва натижалар – гуруҳда коммуникатив алоқалар ва ишончли муносабатлар ўрнатиш; педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи ижодий компетентлиги асосида ётувчи коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш);

–“Ўқитувчи креативлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг тренинг технологиялари” (технологияни амалга оширишдан кўзланган мақсад ва натижалар: ўзида креативликни англаш; ижодий тафаккурни юзага чиқариш ва ривожлантириш учун тўсиқларни биргаликда бартараф этиш; масалаларнинг янги ностандарт (креатив) ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш);

–“Ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришининг тренинг технологиялари” (технологияни амалга оширишдан кўзланган мақсад ва натижалар: ўқитувчининг потенциал ижодий компетентлигини ривожлантириш; касбий-ижодий ўзини ўзи ривожлантиришда билим ва кўникмаларга ўқитиш).

5. Тингловчи-ўқитувчиларининг экспериментал гуруҳларида ўтказилган тест ва анкета сўровларининг юқорида белгиланган натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришимизга асос бўлади: № 1,2,3,4,5,7- гуруҳларда диагностиканинг ўрта ва қуйи натижаларига эга бўлган ўқитувчиларда (% да) “ижодий-креатив майл”, “ижодий фаоллик”; “ижодий компетентлик”ни ва

“касбий-ижодий ўзини – ўзи ривожлантириш”да ўзини–ўзи баҳолаш кўпрок аниқланди; № 6 (кимё) гуруҳида мазкур кўрсаткичлар бўйича юқори ва ўрта натижалар кўрсатган ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади; ўзга гуруҳлар билан қиёслаганда № 2 ва № 7 гуруҳларда барча тестлар ва анкеталар диагностикаси натижаларининг паст кўрсаткичларига эга бўлган ўқитувчиларида катта фоиз кўзга ташланади.

6. Мазкур жадвалдан келиб чиқадики, ўқитувчиларнинг барча гуруҳларида мазкур технологияларни амалга ошириш самарадорлиги “юқори ва ўртадан юқори баҳо”ни кўрсатаяпти (№ 1 - 7 гуруҳлар, 52,63 % - 90,57 %). №1, № 2, № 5 гуруҳларда мазкур гуруҳларда қўллаш самарадорлигининг “ўрта баҳо”си кузатилди (мос ҳолда 10,52 %; 11,76 %; 15 %): “Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг тренинг технологиялари”.

7. Шунга мос ҳолда, № 2, № 3, № 4, № 5, № 7 гуруҳларда қўллаш самарадорлигининг “ўрта баҳо”си аниқланди: “Ўқитувчи креативлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг тренинг технологиялари” (мос ҳолда – 9,52 %; 17,64 %; 6,66 %; 10 %; 4,76 %), № 4 ва № 7 гуруҳларда эса – “Ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришининг тренинг технологиялари” (13,33 %; 19,04 %). Тингловчи-ўқитувчиларда “ўрта самарадорликдан паст” ва “қуйи самарадорлик” баҳоси кўзга ташланмади.

8. Шундай қилиб, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ВХТХҚТМОҲМ тингловчи-ўқитувчиларининг сўрови асосида қўлга киритилган маълумотлар мазкур гуруҳларда биз томонидан ишлаб чиқилган тренинг технологиялари самарадорлигининг етарли даражадаги юқори даражаси ҳақида гувоҳлик беради.

9. Технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги ва синов кўрсаткичлари миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги статистик муҳим муносабатлар ва эҳтимолий боғлиқликлар (корреляциялар)ни ўрганиш

мақсадида, тингловчи-ўқитувчилар тадқиқот синов тажриба ишлари натижаларини корреляцион таҳлили ўтказилди.

10. Корреляцион таҳлил корреляция коэффициентларини ҳисоблаш натижалари асосида ўрганилаётган хоссалар, сифатлар ва уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги статистик муносабатнинг ўлчови, шакли ва хусусиятини баҳолаш учун эмпирик педагогик, психологик ва бошқа тадқиқотларда қўлланиладиган статистик усул сифатида белгиланди.

Икки ёки ундан ортиқ тасодифий ўзгарувчиларнинг корреляцияси (нисбати) ёки корреляцион статистик муносабатлари ёки қандайдир мақбул даражадаги аниқлик билан қаралиши мумкин бўлган миқдорлар ҳисобланади. Корреляция коэффициенти икки тасодифий ўзгарувчининг биргаликдаги тақсимотининг сонли характеристикаси бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатларини ифодалайди.

11. Тажриба ишларида умумлаштирилган тест натижалари, сўровномалар ва ВХТХҚТМОҲМ тингловчилари гуруҳларида технологияни амалга ошириш самарадорлиги кўрсаткичларининг миқдорий кўрсаткичлари ёрдамида ҳисобланган корреляция коэффициентидан фойдаланилди.

φ Пирсон коэффициентидан фойдаланганимиз сабаби – тадқиқот ишида тест ва сўровномаларнинг дихотомик туридан фойдаланилганлигидадир, бизнинг ҳолатимизда тингловчи-ўқитувчилар ўртасида ўтказилган тест ва сўровномаларда “ҳа” - жавобларининг намоён бўлиш даражаси юқори ва “йўқ” – намоён бўлиш даражаси паст.

12. Тажриба гуруҳларида технологияларни татбиқ этиш натижасида: “Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг технологиялари”, “Ўқитувчи креативлиги ва иждодий қобилиятларини ривожлантиришнинг технологиялари”, “Ўқитувчи иждодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини – ўзи ривожлантиришининг технологиялари” тингловчи-ўқитувчиларнинг жадал ривожланишига, мулоқот ва иждодий фаолият; иждодкорлик қобилияти; иждодкорлик-креатив

компетентлик, шунингдек, уларнинг касбий ва ижодий ўз-ўзини ривожлантириш бўйича ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланди.

Буни тажрибадан олдинги ва тажрибадан кейинги ўтказилган тест ва сўровномаларнинг юқори натижалари ҳам тасдиқлайди.

13. ВХТХҚТМОҲМ тингловчи - ўқитувчилари гуруҳларида ўтказилган тажриба ва экспериментал ишлар натижаларининг корреляцион таҳлили асосида, айтиш мумкинки, “Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчи коммуникатив-ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг технология”лари шахснинг ижодий майлларини ривожлантириш (ШИМД)га интенсив (самарали) ижобий таъсир кўрсатган, шахснинг ижодий фаоллигини ривожлантиришга; “ижодкорлик компетентлигига” ва “касбий-ижодкорлик ўз-ўзини ривожлантириш йўналиши” га ўртача таъсир кўрсатган;

–“Ўқитувчи креативлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг технология”лари шахснинг ижодий майлларини ривожлантириш (ШИМД)га интенсив (самарали) ижобий таъсир кўрсатган, шахснинг ижодий фаоллигини ривожлантириш (ШИФД)га; “ижодкорлик компетентлигига (ИКЎБ)” ва ўртача таъсир кўрсатган;

–“Ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришининг технология”лари касбий-ижодкорлик ўз-ўзини ривожлантириш йўналиши (КИЎРБ)га интенсив (самарали) ижобий таъсир кўрсатган, шахснинг ижодий фаоллигини ривожлантириш (ШИФД)га; “ижодкорлик компетентлигига (ИКЎБ)” ва шахснинг ижодий майлларини ривожлантириш (ШИМД)га ўртача таъсир кўрсатган;

–ХТХҚТМОҲМ тингловчи-ўқитувчилари билан ўтказилган тажриба-синов ишларидан олинган натижалар қўлланган технологияларнинг самарали эканлигини исботлади ва, умуман, тадқиқот иши гипотезасини тасдиқлади.

ХУЛОСА

“Мақтаб ўқитувчисининг иждодий компетентлигини ривожлантириш технологиялари” мавзусида олиб борилган тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини прогрессив ислох қилиш, муваффақиятли ривожлантириш (2000-2020 йй.), инновацион таълим дастурлари ва педагогик технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида олиб борилаётган мамлакатимиз ва чет эл олимлари тадқиқотларининг натижалари умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг самарали таълимига, тарбиясига ҳамда уларни иждодий ривожлантиришга қобилиятли бўлган иждодий компетентли, ташаббускор ўқитувчиларга нисбатан эҳтиёжни таъминлаб беради. Мақтаб ўқитувчиларининг ривожланган иждодий компетентлиги педагогик фанда уларнинг ўқувчилар билан, шунингдек, касбий таълим муассасалари билан ишлаш самарадорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

2. Ўқитувчининг иждодий компетентлигини ривожлантириш муаммоси педагогик олий таълим муассасалари талабалари гуруҳларида (бўлғуси ўқитувчилар ва педагоглар), шунингдек, коллежлар ўқувчилари гуруҳларида (мутахассиснинг касбий-иждодий компетентлиги) ўтказилган кўплаб тадқиқотларнинг предмети бўлган. Мақтаблардаги фан ўқитувчилари иждодий компетентлигини ривожлантиришнинг методик ва амалий масалалари; малака ошириш курсларида таълим олаётган ва ўзига ўзи таълим бериш билан шуғулланаётган ўқитувчилар етарли даражада тадқиқ қилинмаган, шунингдек, диссертация ишларининг предмети бўлмаган. Аксарият тадқиқотларда ўқитувчининг иждодий компетентлигини ривожлантириш тадқиқот предмети ҳисобланган қандайдир матда кўриб чиқилади (иждодий ва педагогик фаолият; педагогик иждод; иждодий қобилиятлар ва иждодий салоҳият; профессионализм ва ўқитувчининг педагогик маҳорати). Олимлар иждодий компетентлик хусусиятлари орасида тўпловчанлик, шаклланувчанлик ва ривожланувчанликни таъкидлаб кўрсатадилар. Иждодий

компетентлик – бўлғуси педагог шахсининг сифати бўлиб, педагогик касбни ижодий дея идрок этилишини акс эттиради, педагогик фаолиятнинг турли хил турларида (педагогик, маданий-маърифий, илмий-тадқиқий) ижоднинг усуллари билиш ва эгаллаш билан характерланади. Бўлғуси педагогларнинг ижодий компетентлиги тузилмасида қуйидаги компонентларни ажратиб кўрсатса бўлади: мотивацияли, когнитив, креатив ва ташкилий-фаолиятли компонентлар.

3. “Ижодий компетентлик” бир-биридан фарқ қиладиган турли хил таърифларга эга. Бироқ уларнинг мазмунида умумий элементлар мавжуд, масалан, одатдаги ва ностандарт педагогик вазиятларда ўқитувчи фаолияти муваффақиятни таъминлаб берадиган унинг интегратив касбий-шахсий характеристикаси; инновационлик, мобиллик, креативлик сингари ўқитувчининг сифат характеристикасини ўзида мужассамлаштирган бўлғуси педагогнинг жамланган касбий-шахсий характеристикаси; касбий-ижодий фаолиятни амалга оширишга нисбатан педагогнинг тайёргарлигини таъминлаб берадиган касбий муҳим сифатлар тўплами, махсус билимлар, кўникмалар, мотивлар тизимини ўзида мужассамлаштирган шахснинг интегратив хусусияти. Бизнинг тадқиқотда “ижодий компетентлик” тушунчаси ҳам одатдаги, ҳам ностандарт вазиятларда ижодий даражада педагогик фаолиятнинг бажарилишини таъминлаб берадиган махсус билим, кўникма, ижодий майл ва қобилиятлар тизимини ўзида мужассамлаштирган мактаб ўқитувчиси шахсининг жамланган хусусияти сифатида тушунтирилади”.

4. Илмий тадқиқот ва нашрларда таркибида ижодий компетентликнинг мавжудлиги ҳақидаги турли хил фикрлар кўп учрайди, унга мос ҳолда мактаб ўқитувчисида таркибида ижодий компетентликнинг мавжудлигини диагноз қилишга нисбатан муаллифларнинг методологик ёндашувлари ҳам бор. Шунга боғлиқ ҳолда мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг диагностикасини амалий жиҳатдан амалга ошириш вазифаси ўта мураккаб ва бир хил эмас, чунки: а) ўқитувчи ижодий компетентлигини ривожлантириш

даражасининг ягона, ҳамма томонидан қабул қилинган мезонлар ва кўрсаткичлар рўйхати (тезаурус) ишлаб чиқилмаган; б) педагогик назария ва амалиётда диагностиканинг тадқиқий методларидан кўпроқ фойдаланишади; шу билан бирга ижодий компетентликнинг экспресс-диагностикаси етарли даражада ишлаб чиқилмаган, умумтаълим мактаблари (мактаблар, лицейлар, коллежлар ва бошқ.) фаолияти амалиётида жуда кам фойдаланилади.

5. Педагогик объектларни (тизимлар, жараёнлар, ҳодисалар ва бошқ.) тадқиқ қилишда педагогик моделлар катта роль ўйнайди. Улар тадқиқотнинг ўрганилаётган муаммо, мақсадлар ва вазифалар нуктаи назаридан реал объектни етарли даражада акс эттиради. Ўқитувчининг, педагогнинг ижодий, креатив, касбий-ижодий компетентлиги, ижодий салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муаллифлик моделлари, ташкилий-педагогик шароитлари уларнинг блоклари ҳамда компонентлари мазмуни турли хил интерпретация қилинади. Бу блоклар ва компонентларга 3- дан 8-блоккача киради; ташкилий-педагогик шароитларга 3-дан 5-гача компонентлар киради. Одатда 3- ва 4-блокли структурали-функционал моделлар ва ташкилий-педагогик шароитлар қўлланилади. Улар кўрсатилган компетентликлар ва салоҳият ривожланишининг нисбатан самаралироқ натижаларини беради.

6. Ижодий компетентликни ривожлантиришнинг моделлари нисбатан тўлиқ ва натижалидир. Улар қуйидаги тузилмавий блокларни ўзида мужассамлаштиради: мазмуний, ташкилий-педагогик, критериал, диагностик-баҳоловчи, босқичли, операцион-фаолиятли, процессуал-технологик, натижали. Ижодий компетентликни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шароитлари қуйидаги компонентлардан ташкил топган: мақсадли, ташкилий, диагностик, методик, мотивацион, дидактик, коммуникацион, инфраструктурали, муҳитли ижодий (креатив), шунингдек, ижодий қўллаб-қувватлаш, ўзини-ўзи ташкил этиш ва ўзини ўзи тайёрлаш. Алоҳида ишлардаги камчилик шундаки, моделнинг тузилмасига баҳолашнинг мезонлари ва кўрсаткичлар, шунингдек, ижодий, креатив,

касбий-ижодий компетентликни ривожлантиришнинг методикалари, воситалари ва технологиялари кирмайди.

7. Мактаб ўқитувчиларининг ижодий компетенцияларини шакллантиришга ва ривожлантиришга ёрдам берадиган самарали воситалар, шарт-шароитлар технологик ёндашув ҳамда педагогик технологиялар ҳисобланади. Аниқландики, мактабда, малака ошириш курсларида ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантириш мақсадида педагогик технологияларни танлаш, конкретлаштириш, апробация қилиш ва ҳаётга татбиқ этишнинг мазмуни тўлиқ тавсифланган тадқиқотлар жуда кам. Фақатгина қуйидагилар мавжуд бўлган алоҳида ишлар мавжуд: педагогик технологияларнинг умумий тавсифи, интерфаол методларга ўхшаган технологиялар, шунингдек, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш дастурлари муаллифлик ишланмалари, уларнинг амалий самарадорлиги исботланган.

8. Бизнинг тадқиқотимизнинг мақсади қуйидагилардан иборат: мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий ва методик асосларини ўрганиш; педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари базасида мактаб ўқитувчилари ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик модели, диагностика методикалари, тренинг технологияларини ишлаб чиқиш ва экспериментал жиҳатдан апробациядан ўтказиш. Предмети-ўқитувчи ижодий компетентлигининг мазмуни, компонентли тузилмаси, функциялари; технологик ёндашув асосида мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини ривожлантириш жараёни; малака ошириш курсларида таълим олаётган мактаб ўқитувчиларининг ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик моделларини, ташкилий-педагогик шароитларини, технологияларини реализация қилиш имкониятлари.

Тадқиқотнинг мақсади, предметида келиб чиққан ҳолда ишда қуйидаги вазифалар бажарилди ва ҳал этилди:

- Илмий адабиётлардаги материалларни ўрганиш асосида мактаб ўқитувчиси, касбий мактаб педагоги ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тадқиқотларнинг таҳлилий натижалари тузилди; тадқиқотда уларни асослаш, аниқлаштириш, фойдаланиш мақсадида мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг компонентли тузилмаси, мазмуни, ўзига хослигини белгилаб берадиган тушунчалар тизими ажратиб кўрсатилди;

- мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлиги ривожланишини баҳолашнинг педагогик тадқиқотларда қўлланиладиган асосий мезонлари ва кўрсаткичлари ўрганилди, белгилаб берилди;

- мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлиги ривожланишининг даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун педагогик диагностика методикаларини қўллаш имконияти ўрганилди; малака ошириш курсларида таълим олаётган ўқитувчилар билан олиб борилган тажрибавий-экспериментал ишда бундай методикалар танлови, адаптацияси ва апробацияси амалга оширилди;

- мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигининг педагогик моделлари, ташкилий-педагогик шароитлари, технологиялари таҳлил қилинди, тизимлаштирилди ва тавсифланди;

- педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари базасида фан ўқитувчилари ижодий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган педагогик моделлар, диагностика методикалари, тренингли технологиялар, ташкилий-педагогик шароитларнинг илмий асосланган ишланмалари ва апробациялари амалга оширилди;

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг учта марказларида таълим олаётган фан ўқитувчилари ўқув гуруҳларида ижодий компетентликни ривожлантириш бўйича тажрибавий-экспериментал ишлар натижаларининг миқдорий ва сифат таҳлили амалга оширилди, уларнинг самарадорлиги баҳоланди.

9. Мазкур масалани ҳал қилиш жараёнида қўлга киритилган таҳлил асосида Жиззах, Наманган, Сурхондарё ВХТХҚТМОҲМ тингловчи-ўқитувчиларининг экспериментал гуруҳларида (жами 7 та гуруҳ, 131 киши) диагностик ва педагогик ривожлантирувчи эксперимент амалга оширилди. Тингловчи-ўқитувчиларда ўтказилган тест ва анкета сўрови натижалари кўрсатдики, 1) № 1,2,3,4,5,7 гуруҳларда аксарият ўқитувчиларда (% да) диагностиканинг ўрта ва қуйи натижалари аниқланди: “ижодий креатив майллар”, “ижодий фаоллик”; “ижодий компетентлик” ва “касбий-ижодий ўзини ўзи ривожлантириш” бўйича ўзини ўзи баҳолаш; 2) № 6 гуруҳда (кимё) мазкур кўрсаткичлар бўйича юқори ва ўрта натижалар кўрсатган ўқитувчилар кўпчиликти ташкил этади; 3) ўзга гуруҳлар билан қиёслаганда № 2 ва № 7 гуруҳларда барча тест ва анкеталар бўйича ўқитувчиларнинг катта фоизида диагностика натижалари паст кўрсаткичлари кўзга ташланади; № 1, № 4 ва № 5 гуруҳларда ўқитувчиларнинг катта фоизида диагностика натижаларининг паст кўрсаткичлари кузатилади.

10. Жиззах, Наманган, Сурхондарё ВХТХҚТМОҲМ тингловчи-ўқитувчиларининг сўровлари асосида қўлга киритилган баҳолаш маълумотлари мазкур гуруҳларда биз ишлаб чиққан тренинг технологияларни амалга оширилиш самарадорлиги ҳақида гувоҳлик беради.

11. Тадқиқот натижалари илмий фаразимизнинг тўғрилигини тўлиқ тасдиқлади, яъни мактаб ўқитувчиси иждодий компетентлигини ривожлантириш жараёни самарали ва натижали бўлади, агар ВХТХҚТМОҲМ ишининг амалиётида қуйидагилар ишлаб чиқилган, апробациядан ўтказилган, қўлланилган бўлса: 1) ўқитувчи иждодий компетентлигини (ИК) ривожлантиришнинг педагогик модели ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлари; 2) ИК ривожланишини баҳолашнинг мезонлари ва кўрсаткичлари; ИК ривожланиши даражасини диагностика қилиш методикалари; мактаб ўқитувчилари иждодий компетентлигини ривожлантириш технологиялари; 3) инновацион технологиялар асосида

мактаб ўқитувчилари ижодий компетентлигини ривожлантириш бўйича педагоглар учун илмий-методик тавсиялар.

ТАВСИЯЛАР

Диссертация иши мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида, шунингдек, ВХТХҚТМОҲМ тингловчи-ўқитувчилари фикрларини инобатга олган ҳолда қуйидаги тавсиялар берилди:

1. “Ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижодий ривожлантириш” мавзуси бўйича махсус машғулотларни ишлаб чиқиш ва уларни ВХТХҚТМОҲМ ўқув режаларига ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларига киритиш, бунда қуйидагиларни киритиш: а) ижодий фаолликни; ижодий компетентликни; шахсинг ижодий - креатив қобилият ва сифатларини; ижодий салоҳиятни, ижодий ўзини ўзи ривожлантиришни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари; б) диагностик методлар (тестлар, анкетлар), тренинг технологиялари, ижодий лойиҳаларни бажариш.

2. Ижодий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадларида дастурий таъминотга эга бўлган интерфаол, муаммоли, эвристик таълимни ишлаб чиқиш, уларни ВХТХҚТМОҲМларида мактаб ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш жараёнига киритиш: индивидуал ва гуруҳий иш; ғоялар генерацияси амалиёти, “ақлий ҳужум”, “айлана стол”, “лойиҳалар методи”, “қарорлар дарахти”, “партфолио методи”, шунингдек, таълим олаётганларнинг лойиҳавий ижодий ишлари танловлари, кўргазмаларини ташкил этиш.

3. ВХТХҚТМОҲМ ларида таълим олаётган ўқитувчиларнинг ижодий фаоллигини, ижодий компетентлигини, қобилиятларини, шахсинг ижодий салоҳиятини, сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналган тингловчилар билан илмий-методик семинарлар, педагогик тренинглар, дискуссиялар, ролли ўйинлар ўтказиш.

4. ВХТХҚТМОҲМ педагогик жамоаларига мактабдан ташқари таълим муассасаларида, илмий-педагогик ташкилотларда ишлаётган, тақлиф этилган мактаб психологлари, тажрибали педагоглар ва бошқа мутахассислар,

шунингдек, болаларнинг ижтимоий мослашуви марказларида ишлаётган мутахассислар (психологлар), турли хил студияларнинг ижодий ходимлари иштирокида ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий ривожланиши, ўзини-ўзи ривожлантириш масалалари бўйича ўқитувчи тингловчилар билан мавзуй машғулотлар ўтказиш тавсияси берилади.

5. ВХТХҚТМОҲМларида таълим олаётган тингловчи-ўқитувчилар ижодий фаоллигини, ижодий компетентлигини ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун оптимал педагогик шарт-шароитлар яратишга хизмат қиладиган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш.

6. Мактаб ўқитувчиларининг ижодий компетентлигини ривожлантириш, ўзини-ўзи ривожлантириш ҳамда уларнинг касбий даражасини ошириш натижаларининг мониторинги дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони. ҚХММБ: 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълими стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 7 майдаги “Иқтисодиёт ва соҳа йўналишларига инновацияларни татбиқ қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ3569–сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

10. Асадов Ю.М. Технологический подход в образовании и профессионализм учителя // Научно – методический журнал «Непрерывное образование». – Ташкент – 2008, – № 3. – С. 108-109.

11. Асадов Ю.М. Формирование и развитие профессионализма учителя на основе технологического подхода // Известия Самарского научного центра Российской академии наук (Том 12.). - 2010. № 5.- С. 18-20.

12. Асадов Ю., Шомишова Ш. Формирование и развитие профессионализма учителя методами и средствами социально-психологического тренинга / Материалы Респуб. науч.- практ. конф.: «Факторы повышения эффективности профориентации и психолого-педагогической диагностики учащихся». – Ташкент, 2010. – С. 14-25.

13. Аванесов В. С. Определение, предмет и основные функции педагогической диагностики // Педагогическая диагностика. - 2002. - № 1. - С. 41-44.

14. Бекоева М.И. Принципы и этапы реализации педагогической диагностики // Современные проблемы науки и образования. - Пенза, 2015. – № 1. / URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id...>

15. Белая Р.С. Компетентностный подход как объект исследования в трудах отечественных и зарубежных учёных // Журнал «[Вестник Московского государственного университета культуры и искусств](#)». - 2013. – № 6 (56) .- С.166-170.

16. Бережнова Л. Н., Воронов С.А. Сущность и содержание педагогической диагностики компетенций / Журнал «Профессиональное образование в России и за рубежом». – 2017. - №4 (28) / [moip.viperson.ru>articles...soderzhanie...diagnostiki](http://moip.viperson.ru/articles...soderzhanie...diagnostiki)

17. Буховцева О. В., Мухортова К. Э. Педагогическое творчество как

значимый компонент профессиональной деятельности учителя // Журнал [Вестник Приамурского государственного университета им. Шолом-Алейхема](#) (Биробиджан). – 2016. - № 2. – С. 94 - 99.

18. Введенский В.Н. Моделирование профессиональной компетентности педагога // Педагогика. - 2003. - № 10. - С. 51-55.

19. Воронина Л.В., Рассамагина Ф.А., Новосёлов С.А. Формирование профессионально-творческой компетентности у студентов естественнонаучных специальностей при изучении математических дисциплин // Педагогическое образование в России. 2015. № 11. С. 7-11.

20. Воронина Л.В. Формирование профессионально-творческой компетентности у студентов естественно-научных специальностей при изучении математических дисциплин // Журнал «Педагогическое образование в России». 2015. / cyberleninka.ru Грнти...u-studentov-estestvenno

21. Галустян О.В., Радченко Л.А., Плешаков М.А., Пальчикова Г.С. Понятия компетенции и компетентности в современной педагогике // Журнал «Гуманитарные науки». - 2020. - № 1 (49).

22. Гилева И.О. Творчество как характеристика профессионализма // Прикладная психология. – 2002. – № 4. – С. 59 - 64.

23. Каримова Н. Н. Творчество как фактор профессиональной компетентности студентов и педагогические средства его активизации // Актуальные задачи педагогики: материалы II Междунар. науч. конф. (г. Чита, июнь 2012 г.). Чита: Издательство Молодой ученый, 2012. / <https://moluch.ru/>

24. Киргуева Ф.Х. Технологии развития педагогических компетенций будущего учителя начальных классов // Сибирский педагогический журнал. – 2009. - № 4. – С.106 – 114.

25. Котлярова И.О. Метод моделирования в педагогических исследованиях: история развития и современное состояние // Журнал «Вестник Южно-уральского государственного университета». Серия «Образование. Педагогические науки». - Тингловчиябинск. - 2019. - Т. 11, №

1. - С. 6-20.

26. Қўйсинов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини компетентли ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари. Монография. – Тошкент: “DELTA PRINT SERVIS” нашриёти. 2018. – 156 б.

27. Левченко Т.А., Агеева Л.Е., Агранович Е.Н. Технологии развития творческой компетенции учителей школ // Журнал: Вестник КазНПУ. – Алматы, 2017.

28. Марфутенко Т.А. Модель формирования творческой компетентности студентов педагогических вузов с использованием эвристических заданий по информатике // Экономические и гуманитарные исследования регионов. - Ростов-на-Дону, 2012. - № 6. - С. 28-34.

29. Мартишина Н.В. Становление и развитие творческого потенциала педагога: модели и технологии // Российский научный журнал.– 2008. – № 2 (3). – С.103-111.

30. Мендубаева З. А. Педагогическая диагностика. Критерии и показатели экспертизы учебной книги // Молодой ученый. - 2012. - № 7 (42). - С. 291-299.

31. Мишхожева Л.Х. Развитие профессиональной компетенции педагога как фактор повышения качества образования в условиях реализации ФГОС // Журнал: [«Евразийский Научный Журнал.- 2016. - № 2.](#)

32. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.

33. Новиков А.М. Интеграция базового профессионального образования // Педагогика. – 1996. - № 3. – С. 3-8.

34. Пирожкова О.Б. Модель развития творческого потенциала учителей инновационных школ // Журнал «Омский научный вестник. Психологические и педагогические науки». – Омск. – 2008 - № 2 (66).

35. Плещев В.В., Рассамагина Ф.А. Формирование и диагностика профессионально-творческой компетентности студентов вузов // Журнал «Известия Волгоградского государственного педагогического университета». – Волгоград, 2016. – № 4. – С.32-39.

36. Рожкова С.В. Сравнительный анализ понятий «креативность» и «творчество». Тамбовский гос.ун-т им. Г. Р. Державина // Журнал «Гуадеамус». – Тамбов, 2018. / cyberleninka.ru...-ponyatiy-kreativnost-..

37. Селевко Г.К. Компетентности и их классификация / Компетенция и компетентность: сколько их у российского школьника // Журнал «Народное образование». - 2004. - № 4. - С. 136-144.

38. Сладеворин В.А., Руденко Н.Г. О современных подходах к подготовке учителя // Педагог. - 1997. - № 3.

39. Тузова Н. Н. Развитие творческого потенциала педагогов общеобразовательной организации // Молодой ученый. – 2017. – № 25 (159). – С. 316-319.

40. Февралёва Я.В. Место творческой составляющей личности педагога и ее роль в обучении детей // Журнал: «Евразийский Научный Журнал».– 2017. - № 9. / journalpro.ruarticles/mesto-tvorcheskoy...pedagoga...

41. Фишман Л.И. Модели образовательного менеджмента: обзорный анализ // Школьные технологии. – 1999 № 1-2. – С. 112-121.

42. Ходжабаев А.Р., Мингбоев У.Х. Информатика ва ахборот технологиялари дарсларида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш методлари // Халқ таълими журнали. Тошкент, 2019. №3. –Б. 35-38.

43. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированного образования // Народное образование. – 2003. – № 2. – С.58-64

44. Юзликаев Ф.Р. Инновационные технологии в высшем образовании. Современные технологии в учебно-воспитательном процессе. Монография. - Ташкент: Изд-во «Фан», 2009. - С.96-106.

45. Ядровская М.В. Модели в педагогике // Журнал «Вестник Томского государственного университета». – Томск. – 2013. – № 366. – С. 139-143.

46. Яланська С. П., Атаманчук Н. М. Проблема развития творческой компетентности педагога // Modern Science – Modern vda. – Praha. – Ceska republika, Nemoros. – 2015. – № 4. – С. 67-72 .

Фойдаланилган бошқа адабиётлар

47. Абдуллаева Ш.А. Педагогик диагностика. - Тошкент: Университет, 2019. - 310 б.

48. Азизходжаева Н.Н. Формирование профессиональных компетенций будущих специалистов. Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. Вып. 12. Ч. 1. СПб., 2014.

49. Асадов Ю.М. Индивидуально-психологические особенности учителя как факторы развития профессионализма: Автореферат дисс...канд. психол. наук. – Ташкент: Национальный университет им. М. Улугбека, 2007. – 25 с.

50. Адольф В.А. Теоретические основы формирования профессиональной компетентности учителя: Автореферат дис. ... доктора пед. наук (13.00.01. - Общая педагогика, история педагогики и образования). - МГУ. - Москва, 1998. - 48 с.

51. Александрова, Л. М. Творческая индивидуальность и индивидуальный стиль деятельности учителя в современной педагогике / Актуальные задачи педагогики: материалы V Междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2014 г.). - Чита: Издательство Молодой ученый, 2014. — С. 1-2.

52. Антонова Ю.Г. Профессионально-творческая компетентность в структуре педагогической культуры учителя / [cyberleninka.ru>article/n...v-strukture...kultury...](http://cyberleninka.ru/article/n...v-strukture...kultury...)

53 Акулова О.В., Заир-Бек Е.С., Писарева С. А., Пискунова Е.В., Радионова Н.Ф., Тряпицына А.П. Компетентностная модель современного педагога/ - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2007. - 158 с.

54. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии.–Москва: Педагогика, 1989. – 192 с.

55. Бикеева Т. В. Сущность и значение педагогической диагностики // Педагогика сегодня: проблемы и решения: материалы V Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, июль 2019 г.). - Санкт-Петербург: Свое издательство, 2019. – С. 32-34.

56. Белкин А.С. Теория и методика педагогической диагностики отклонений в поведении школьников: Дис... докт. пед. наук: 13.00.01. - Москва, 1980. - 388 с.

57. Браже Т.Г. Профессиональная компетентность специалиста как многофакторное явление // Тезисы к семинару/ Под ред. В.Г. Онушкина. - Ленинград: НИИООВ, 1990. - С. 39 - 62.

58. Букова Г.Н. Современные педагогические технологии в образовательном процессе. - 2019 г. / nsportal.ru›про...2019 /sovremennye...tehnologii...

59. Вострокнутов Е. В. Формирование профессионально-творческих компетенций студентов технического вуза в научно-исследовательской деятельности: Автореферат дис. ... канд. пед. наук (специальность 13.00.08 - теория и методика профессионального образования). Тольяттин. гос. ун-т. - Тольятти, 2015. - 25 с.

60. Герасимова Т. Ю. Педагогическая мастерская как средство раскрытия творческого потенциала учителя: Автореферат дис...канд. пед. наук (13.00.01 – теория и методика профессионального образования). Кузбасская гос. пед. акад. - Новокузнецк, 2006. - 24 с.

61. Гильмутдинова Р. У. Структура креативной компетентности // Психология - наука будущего: материалы V Международной конференции

молодых ученых, 28-29 ноября 2013 года. – Москва: Институт психологии РАН, 2013. – С. 147-148.

62. Гилфорд Дж / Gilford D. Три стороны интеллекта // Психология мышления / под ред. А. М. Матюшкина. – М., 1965. – С.124–145.

63. Давлетшин М.Г. Методология и методы психологических и педагогических исследований / Сборник избранных научных трудов. – Ташкент: ТГПУ им. Низами. 2002. – С.21-22.

64. Давыдова Л.Н. Педагогическое диагностирование как компонент управления качеством образования. Монография. – Астрахань: ИД «Астраханский университет», 2005. — 211с.

65. Двудичанская Н. Н. Дидактическая система формирования профессиональной компетентности студентов учреждений среднего профессионального образования в процессе естественно - научной подготовки: Автореферат дис... докт. пед.наук (13.00.08 – теория и методика профессионального образования). МГТУ им. Н.Э. Баумана. – Москва 2011. – 40 с.

66. Жуков В.Г. Формирование профессионально-творческой компетентности будущих специалистов в учебно-производственном процессе колледжа: дисс ... канд. пед. наук. - Новосибирск, 2012. - 189 с.

67. Зиямухамедова С. Новая педагогическая технология: теория и практика. – Ташкент: Изд-во мед. лит. «Абу Али ибн Сино». – 2002. – 118 с.

68. Зверева В.И. Диагностика и экспертиза педагогической деятельности аттестуемых учителей. М.: УЦ «Перспектива», 1998. – 112 с.

69. Зеер Э.Ф. Ключевые компетенции, определяющие качество образования. // Образование в Уральском регионе: научные основы развития: Тез. докл. II науч.-практ. конф. – Екатеринбург: Изд-во Рос.гос. проф.-пед.ун-та. – 2002. – Ч.2. – С. 23-25.

70. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентного подхода в образовании. - М.: Наука, 2004. -325 с.

71. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2008 (қайта нашр). - 44 б.
72. Ишмухамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. – 68 б.
73. Ишмухамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истеъдод, 2010.-140 б.
74. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Тошкент: Истеъдод, 2008.-180 б.
75. Ингенкамп К. Педагогическая диагностика: Пер. с нем. - М.: Педагогика, 1991. - 240 с.
76. Иньков М.П. Диагностика профессиональной компетентности учителя в условиях повышения квалификации (специальность 13.00.08 – теория и методика профессионального образования): Автореферат дис...канд.пед. наук. - Ростов-на-Дону. 2009. – С.
77. Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. - Тошкент, 2001.
78. Каримова Н.Н. Касбий таълими ўқитувчиларини амалий компетентлигини шакллантириш технологияси. Услубий қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт нашриёти, 2012 . - № 3. –59 б.
79. Казанцева В. В. Формирование творческой компетентности учителя начальной школы в самообразовательной деятельности: Диссертация...канд. пед.наук (13.00.01 – теория и методика профессионального образования). Воронежский государственный технический университет. – Воронеж, 2013.- 205 с.

80. [Капустина Т. В.](#) Современные педагогические технологии как средство развития педагогической компетентности. Учебно-методический материал 2014 / [nsportal.ru...shkola/raznoe... tekhnologii...razvitiya](#)
81. Коджаспирова Г.М., Коджаспиров А.Ю. Педагогический словарь. -М.: Академия, 2000. - 175 с.
82. Козберг Г. А. Формирование профессиональной компетентности учителя в первоначальной педагогической деятельности: Дис. ... канд. пед. наук. - Воронеж, 2000. - 202 с.
83. Козлова А. В., Михно О. С., Чмыхова Е. В. Классификация компетенций и возможности их измерения в вузе с информационно-телекоммуникационными образовательными технологиями / Сборник трудов частного образовательного учреждения «Современная Гуманитарная Академия». – Москва, 2008. – С. 68 – 89.
84. Коломиец С.М. Творческие компетенции студентов социально-экономических специальностей монография. Издательство «Перо». - Москва 2010. - 181 с.
85. Кондратьева Н. В. Сущность понятия «творческие способности» // Концепт. - 2015. - № 09 (сентябрь) / [cyberleninka.ru](#)грти)...-tvorcheskie-sposobnosti
86. Кормилицына К.А. Профессиональное творчество учителя как фактор результативности педагогической деятельности: Автореферат дис. ... канд. пед. наук (специальность 13.00.01 - Общая педагогика, история педагогики и образования). Рос. гос. пед. ун-т им. А. И. Герцена. - Санкт-Петербург, 2002. – 20 с
87. Кулибеков А.Н. Формирование профессионально-творческой компетентности будущих магистров с использованием сетевых учебных курсов: Дисс...канд. пед.наук (13.00.08 - теория и методика профессионального образования). Дагестанский государственный педагогический университет. - Махачкала, 2019. — 164 с.

88. Куприянчик, Т.В. Аналитико-диагностическая деятельность учителя и учащихся как фактор обновления воспитательной работы в школе. – Красноярск, 1991. – 59 с

89. Ландшеер В. Концепция «минимальной компетентности» // Перспективы: вопросы образования. 1988. №1. С. 36-38.

90. Левина М.М. Технологии профессионального педагогического образования: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2001. — 272 с.

91. Лобейко Ю. А. Научные основы творческого развития и саморазвития педагога в системе дополнительного профессионального образования: Диссертация ... докт. пед. наук (13.00.01). Ставрополь, 2000. - 368 с.

92. Лямкина О. А. Педагогическая мастерская как форма организации профессионально-творческой подготовки будущего учителя: Автореферат дис. ... канд. пед. наук: (13.00.01 – теория и методика профессионального образования). Морд. гос. пед. ин-т им. М.Е. Евсевьева. - Саранск, 2004. - 21 с.

93. Мартишина Н. В. Становление и развитие творческого потенциала педагога в системе непрерывного педагогического образования: Автореферат дис... доктора пед.наук (Специальность 13.00.01 – общая педагогика, история педагогики и образования). – Рязань, 2009. – 43 с.

94. Марфутенко Т. А. Формирование творческой компетентности студентов педагогических вузов средствами эвристических заданий по информатике: Автореферат дис. ... канд. пед. наук (специальность 13.00.08 - теория и методика профессионального образования). Северо-Осетинский госуд. ун - т им. К.Л. Хетагурова. - Владикавказ, 2013. - 22 с.

95. Махмутов М.И. Педагогические технологии развития мышления / М. И. Махмутов Г.И. Ибрагимов. Чошанов М.А. — Казань, 1993. – 71 с.

96. Мещерякова Т.В. Развитие творческого потенциала учителя в процессе освоения педагогических инноваций (специальность 13.00.01 –

общая педагогика, история педагогики и образования): Автореф. дисс...канд. пед. наук. - Тингловчиябинск, 1998. - 22 с.

97. Мещеряков Б. Г., Зинченко В. П.. Современный психологический словарь / сост. и общ. ред. — М.: АСТ; СПб.: ПРАЙМ-ЕВРОЗНАК, 2007. - 490 с.

98. Морхова И. В. Формирование творческой компетентности будущего преподавателя // Журнал [«Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития»](#). ТГПУ им. Низами. – Ташкент, 2015. / [cyberleninka.ru>грнти>...-kompetentnosti...](#)

99. Муслимов Н.А Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. докт. ...дис. – Т.: ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ, 2007. - 315 б.

100. . Митина Л.М., Асмаковец Е.С., Вачков И.В и др. Коррекционно - обучающие программы повышения уровня профессионального развития учителя– М. Учебное пособие /.: МПСИ – Воронеж: НПО «Модэк», 2001. – 304 с.

101. Насырова Э. Ф. Формирование профессиональной компетентности учителя технологии и предпринимательства в процессе обучения дисциплинам предметной подготовки: Диссертация...канд. пед. наук. Сургутский государственный университет. – Сургут, 2007. - 189 с.

102. Олешков М.Ю. Педагогическая технология: проблема классификации и реализации // Профессионально-педагогические технологии в теории и практике обучения: Сборник научных трудов. - Екатеринбург: РГППУ, 2005. — с. 4-19.

103. Отческая И.Б. Особенности формирования творческой компетенции будущих специалистов. 2012 г. / [rusnauka.com>28_NII_2012/Pedagogica/2_](#)

104. Пахтусова Н. А. Формирование профессиональной творческой компетенции будущих педагогов профессионального обучения в условиях вуза: Автореферат дис. ... канд. пед. наук (13.00.08 - Теория и методика

профессионального образования). Тингловчябинский гос. ун-т. - Тингловчябинск, 2011. - 25 с.

105. Печеркина А. А., Сыманюк Э. Э., Умникова Е. Л. Развитие профессиональной компетентности педагога: теория и практика: монография. - Урал. гос. пед. ун-т. – Екатеринбург, 2011. – 233 с.

106. Пидкасистый П. И. Подготовка студентов к творческой педагогической деятельности. - М.: Педагогическое общество России, 2007. - 192 с.

107. Пимонова Т.Н. Творческая компетентность как часть профессионально-педагогической компетентности будущих специалистов по физической культуре и спорту. ГАОУ СПО «Волгоградский социально-педагогический колледж». 2012. / [vspsc34.ru>index.php...psychologiainfo.ru>logics-567-1.html](http://vspsc34.ru/index.php...psychologiainfo.ru/logics-567-1.html).

108. Плещев В. В. Рассамагина Ф. А. Эффективные методы формирования профессионально-творческой компетентности будущих специалистов. 2016. / cyberleninka.ru>Грнти>...-metody-formirovaniya...

109. Попов А.И. Теоретические основы формирования кластера профессионально важных творческих компетенций в вузе посредством олимпиадного движения. - Тамбов: Изд-во ГОУ ВПО ТГТУ, 2011. - 80 с.

110. Рындак В.Г., Мещерякова Л.В. Теоретические основы развития творческого потенциала учителя (в процессе освоения педагогических инноваций) // Педагогический вестник. – Москва, 1998. - 116 с.

111. Равен Дж / Raven D.. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация / Дж. Равен // Пер. с англ. – М.: «Когито-Центр», 2002. – 396 с.

112. Селевко Г.К. Альтернативные педагогические технологии. - М.: НИИ школьных технологий, 2005. - 224 с.

113. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий. В 2 т. Т. 1. М.: НИИ школьных технологий, 2006. – С. 30 – 51.

114. Сладеворин В.А. и др. Педагогика: Учеб.пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений/ В.А. Сладеворин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Шиянов; Под ред. В.А. Сладеворина. - М.: Издательский центр "Академия", 2002.

115. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2006. – 261 б.

116. Турматов Ж.Р. Касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш методикасининг дидактик таъминоти такомиллаштириш: автореф. дис. пед. фанлар бўйича фалсафа доктори. – Тошкент, - 52 б.

117. Тутолмин А.В. Становление и развитие творческой компетентности будущего учителя (на основе системного подхода): Автореферат дис...докт..пед.наук (специальность 13.00.08 - теория и методика профессионального образования). – Чебоксары, 2009. – 43 с. (дис. 408 с.)

118. Тутолмин А.В. Методика развития профессионально-творческой компетентности будущего учителя / Системный подход к образованию студентов, обеспечивающий их готовность к работе по Образовательной системе «Школа 2100»: сборник материалов. - М: Баласс, 2008. - С. 93 - 97.

119. Тутолмин А.В. Педагогическая диагностика профессионально-творческой компетентности студента-педагога // Социально-экономические и научно-технические проблемы регионального развития: сборник научных трудов. - Глазов: Издательство Глазовского инженерно-экономического института, 2007. - С. 167- 188.

120. Тутолмин А.В. Авторская технология развития профессионально-творческой компетентности будущего учителя // Проблемы школьного и дошкольного образования: материалы Десятой региональной научно-практической конференции «Достижения науки и практики - в деятельность образовательных учреждений». - Глазов: Глазов, гос. пед. ин-т, 2008.–С.46-47

121. Уматалиева К.Т. Касб-хунар коллежи ўқитувчисининг методик компетенциясини узлуксиз ривожлантиришда инновацион таълим

технологиялардан фойдаланиш (малака ошириш тизими мисолида): автореф. дис. пед. фанлари бўйича фалсафа доктори. –Тошкент, 2018. - 48 б.

122. Файзуллаев Р.Х. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини модули - рейтинг таълим асосида такомиллаштириш: автореф. пед. фанлари бўйича фалсафа доктори. – Тошкент, 2019. -56 б.

123. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. – Тошкент: Фан, 2000. – 128 б.

124. Цыбикова С.Н. Педагогические чтения «Образовательные педагогические технологии как средство развития профессиональной компетентности современного педагога». 2016 г. / [multiurok.ru obrazovatelnyie...](http://multiurok.ru/obrazovatelnyie...)

125. Шилова Т.А. Диагностика психолого-социальной дезадаптации детей и подростков: методическое пособие - 2-е изд. - Москва: Айрис-Пресс: Айрис-Дидактика, 2005. - 108 с.

126. Шумовская А. Г. Формирование креативной компетентности будущего педагога в научном сотворчестве: Дисс...канд. пед.наук (специальность 13.00.01- Общая педагогика, история педагогики и образования). ФГБОУ ВПО «Иркутский государственный университет» - Иркутск, 2013. – 208 с.

127. Юзликаев Ф.Р. Технология организации рефлексивной деятельности. Формирование личности обучающегося в условиях инновационных технологий. Учебное пособие.-Ташкент,2009. С.25-37.

128. Volubaeva O. Ph. (2011) Tvorcha kompetentnist vkladacha vischoi shkoli. Psihologichniy aspekt [Creative competence the teacher of High school]. Hmel'nitskiy,4 [in Ukrainian].

129. Short E.C. Competence: Inquires into its Meaning & Acguisition in Educational Settings / Ed. E.C. Short. – N.Y.; Univ. Prese of America, 1997. – 84-185 p.

130. Yalans'ka S.P. (2010). Psihologichni zasadi rozvitku tvorchosti majbutnih uchiteliv biologichnih distsiplin. Teoriya I praktika. [monographiya]. [Psychological principles of development the creativity of future teachers of biological disciplines. Theory and Practice]. [monograph]. Poltava [in Ukrainian].

Электрон ресурс

131. Понятие модели и моделирования / evt.ru/load/svoistva_modeli/68-

132. Понятие творческой компетенции / psychologiainfo.ru/logics-567-1.html

133. Способы развития творчества учителя / infopedia.su/14x1051d.html

134. Творческая активность педагога как условие реализации творческой деятельности / infourok.ru/vistuplenie-na...razvitiya-tvorchestva...

ИЛОВАЛАР

1- ИЛОВА

Мактаб ўқитувчисининг ижодий компетентлигини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш бўйича илмий-методик тавсиялар

Кириш

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини прогрессив ислоҳ қилиш ва муваффақиятли ривожлантириш (2000-2020 йй.), инновацион таълим дастурлари ва педагогик технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида олиб борилаётган мамлакатимиз ва чет эл олимлари тадқиқотларининг натижалари умумтаълим ўрта мактабларининг ўқувчиларнинг самарали таълимига, тарбиясига ва уларни ижодий ривожлантиришга қобилиятли бўлган ижодий компетентли, ташаббускор ўқитувчиларга нисбатан эҳтиёжни таъминлаб беради. Мактаб ўқитувчиларининг ривожланган ижодий компетентлиги педагогик фанда уларнинг ўқувчилар билан, шунингдек, касбий таълим муассасалари билан ишлаш самарадорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

“Ижодий компетентлик” бир-биридан фарқ қиладиган турли хил таърифларга эга. Бироқ уларнинг мазмунида умумий элементлар мавжуд, масалан, одатдаги ва ностандарт педагогик вазиятларда ўқитувчи фаолияти муваффақиятни таъминлаб берадиган унинг интегратив касбий-шахсий тавсифи; инновационлик, мобиллик, креативлик сингари ўқитувчининг сифат характеристикасини ўзида мужассамлаштирган бўлғуси педагогнинг жамланган касбий-шахсий характеристикаси; касбий-ижодий фаолиятни амалга оширишга нисбатан педагогнинг тайёргарлигини таъминлаб берадиган касбий муҳим сифатлар тўплами, махсус билимлар, кўникмалар, мотивлар тизимини ўзида мужассамлаштирган шахсининг интегратив хусусияти. Бизнинг тадқиқотда “ижодий компетентлик” тушунчаси ҳам одатдаги, ҳам ностандарт вазиятларда ижодий даражада педагогик фаолиятнинг бажарилишини таъминлаб берадиган махсус билим, кўникма, ижодий майл ва қобилиятлар тизими ўзида мужассамлаштирган мактаб ўқитувчиси шахсининг жамланган хусусияти сифатида тушунтирилади”.

Мактаб ўқитувчиларининг ижодий компетенцияларини шакллантиришга ва ривожлантиришга ёрдам берадиган самарали воситалар ва шарт-шароитлар технологик ёндашув ва педагогик технологиялар ҳисобланади. Аниқландики, мактабда ва малака ошириш курсларида ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантириш мақсадида педагогик технологияларни танлаш, конкретлаштириш, апробация қилиш ва ҳаётга татбиқ этишнинг мазмуни тўлиқ тавсифланган тадқиқотлар жуда кам. Фақатгина қуйидагилар мавжуд бўлган алоҳида ишлар мавжуд: педагогик технологияларнинг умумий тавсифи; интерфаол методларга ўхшаган технологиялар, шунингдек, мактаб ўқитувчиси ижодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш дастурлари муаллифлик ишланмалари, уларнинг амалий самарадорлиги исботланган.

I. Ўқитувчининг ижодкорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун тренинг технологияси (тавсиялар).

I босқич – гуруҳни “қиздириш”.

1.1. “Тўпни улоқтир” машқи.

Материаллар: Тўп. Вақт: 10 дақиқа

Топшириқ: тўпни ҳар бир иштирокчининг қўлида бўлиши учун имкон қадар тезроқ бир-бирига улоқтириш.

Машқнинг маъноси шундаки, у гуруҳ аъзоларини бир-бирига яқинлаштиради. Уларни озод қилиш, бир-бирлари билан алоқа ўрнатиш ва вазифага тез ностандарт ечим топишга қаратилган.

Стандарт ижро – барча иштирокчилар айлана шаклида туришади ва тўпни бир-бирининг қўлига улоқтиришади. Бу узоқ вақт талаб қилади, чалкашликларни келтириб чиқаради ва ҳар кимнинг қўлида тўп бўлиб ўтганлиги билиш қийин бўлиши мумкин.

Ностандарт (ижодкорона) ижро – барча иштирокчилар занжир ҳолида туришлари керак. Кафтларини бир-бирининг устига қўйишлари керак. Кейин, навбатма навбат, узатувчи кафтларини ёяди, тўпни қабул қилувчи иштирокчининг кафтларига қўйиб юборади ва у эса ўз навбатида тўпни кейинги иштирокчига узатади. Шундай қилиб, пастга тушаётган тўп қисқа вақт ичида қўлдан қўлга узатилади ва ҳар бир иштирокчи унга эгалик қилишга улгуради.

1.2. “Оролчалар” машқи.

Материаллар: газеталар (варақлар). Вақт: 5 дақиқа

Топшириқ: Барча иштирокчилар ёзилган катта газетага (ёки газета ўлчамидаги вараққа) жойлашадилар.

Жараён: Иштирокчилар 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлиниб, топшириқни тезкорлик билан бажарадилар. Газетада биринчи бўлиб жойлашган кичик гуруҳ ютуқни эгаллайди.

Машқнинг маъноси: ностандарт вазиятда ҳаракат қилиш усуллари, гуруҳнинг жипслашуви, жисмоний исиниш ҳақидаги ғояларни амалга ошириш ва илгари суриш учун шароит яратиш. Иштирокчилар туйғулар ва ҳиссиётлар билан алмашинадилар, ностандарт (ижодкорона) ғояларини ифода этадилар.

Стандарт ижро – ҳар бир киши бир вақтнинг ўзида газетада туришга интилади, бир – бирларини итариб юборадилар. Кейин улар одатда бир-бирларига орқа билан ёки бирин-кетин айлана ҳолатда турадилар.

Ностандарт (ижодий) ижро – **бир оёқ газетага, бошқа оёқ газетадан ташқарига қўйилиши керак. Шундай қилиб, энг тезкор ҳолда ушбу газетага (қоғоз варағига) ҳамма жойлашиши мумкин.**

II босқич – Асосий фаолият.

2.1. “Кадрни тўхтатиш” машқи.

Материаллар: сўзлар рўйхати. Вақт: 5 дақиқа

Иштирокчилар аудиторияда эркин ҳаракат қилишади.

Буйруқ бўйича – бошловчи қарсақ чалганда, ҳамма тўхтайди. Кейин улар ҳолатлар, имо-ишоралар, тана ҳаракатлари (юз ифодалари ва

пантомималар) ёрдамида бошловчи талаффуз этган сўзни намойиш этадилар. “Кадрни тўхтатиш” 10-15 сонияни ташкил қилади, шундан сўнг, бошловчининг такроран қарсақ чалиши билан, иштирокчилар яна кейинги қарсақ чалингунга қадар ва кейинги сўз талаффуз этилгунча хонада эркин ҳаракатлана бошлайдилар. (Қуйидаги сўзлар ишлатилади: вақт, болалик, ўқиш, касб, иш, муваффақият, учрашув, мулоқот, тушуниш, дўстлик, севги, оила, бахт ёки бошқалар).

Машқнинг маъноси: ўзига хос ижодкорликни англаш, ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш. Бу иштирокчиларга сўзлар билан боғлиқ бўлган ҳаёт соҳаларига муносабатини янги ва ғайриоддий тушунчада кўриб чиқиш имкониятини беради. Ушбу машқ бажарилишини видеокамерага ёзиб олиш мақсадга мувофиқдир. Кейин ҳамма нарсани иштирокчиларга экранда кўрсатиш керак.

2.2. “Нима чизилган?” машқи

Материаллар: кубнинг тасвири чизилган варақ. Вақт: 20 дақиқа

Гуруҳ аъзолари ярим доира шаклида ўтирадилар. Бошловчи уларга куб тасвири туширилган варақни кўрсатиб, шундай дейди: “Илтимос, ушбу вараққа қаранг ва унда нима кўрганингизни айтиб беринг”. Одатдаги жавоблар – биз кубни кўрамиз.

Бироқ бу куб деган жавобдан ташқари, иштирокчилар ўйлашлари ва ўз версияларини баён қилишлари керак. (Масалан: геометрик фигура, қути, хона, бир нечта квадратчалар, ўн икки чизиқли кесмалар ва бошқалар).

Бошловчи бундай версияларни иштирокчиларга айтмайди.

Бошловчи ёзиб олган барча жавоб вариантларидан сўнг, у гуруҳ билан мунозара олиб боради. Кейин у хулоса қилади: Сиз ушбу варақда тасвирланган нарсалар тўғрисида ҳар хил фикрдасиз. Шундай қилиб, сиз оддий кубда ғайриоддий нарсаларни кўриш орқали ўз ижодий ёндашувингизни намойиш эта олдингиз.

2.3. “Ҳаракатлар билан кўрсатиш” машқи.

Материаллар: сўзлар рўйхати ёзилган қоғоз варағи. Вақт: 20 дақиқа.

Бошловчи тренинг иштирокчиларидан ҳар бир рўйхатдан битта сўз олган тўртта кичик гуруҳни тўплайди:

Куннинг вақти (тонг, тушлик, кечкурун, кечаси).

Йил фасли (қиш, баҳор, ёз, куз).

Элементлар (сув, ер, олов, ҳаво).

Туйғу (кўрқув, ғазаб, қувонч, қизиқиш, хафагарчилик).

Ёш (бола, ўспирин, катталар, кекса одам).

Касб (ҳайдовчи, шифокор, ошпаз, ўқитувчи).

Спорт тури (хоккей, сув полоси, батутда сакраш, велопойга).

Сиз сўзларни кичик гуруҳлар ўртасида қуръа ташлаш орқали тарқатишингиз мумкин: уларни кичик қоғозга ёзинг, уларни аралаштиринг ва ҳар бир кичик гуруҳ вакилларида ҳар тўртта тўпладан биттадан қоғоз чиқаришни сўранг. Сўзлар тарқатилганда кичик гуруҳларнинг ҳар бирига сўзлар маъносини ҳаракатлар ёрдамида тасвирлаш вазифаси юклатилади. Тайёргарлик учун 6-8 дақиқа вақт берилади, сўнгра жамоалар навбатма-

навбат топшириқни бажарганликларини кўрсатадилар, гапиришга йўл қўйилмайди. Томошабин вазифасини бажарадиган бошқа кичик гуруҳларнинг вакиллари қайси сўзлар тасвирланаётганини тахмин қилишади.

Машқ қилиш ижодий тасаввурни фаоллаштиради ва ривожлантиради; сўзларнинг бирлашмаларини ҳаракатлар билан визуал равишда намоёиш этиш ижодий қобилиятни ривожлантиради.

2.4. “Вазиятни ҳал қилинг” машқи.

Материаллар: учта жавоб вариантлари бўлган карталар. Вақт: 30 дақиқа

Вазият: дарс давомида ўқувчилардан бири ўқитувчига қийин савол беради. Бунга жавоб ўқитувчининг ваколатларидан ташқарига чиқади. У унга тўғри жавоб бера олмайди.

Иштирокчилар учта кичик гуруҳга бўлинган ва учта вариантли карталарни олишади.

1-вариант. Ўқитувчи савол бераётган ўқувчига нисбатан тажовузкор хатти-ҳаракати билан жавобдан қочишга уринади (“Мен бу масалада ўзимнинг қобилиятсизлигимни кўрсата олмайман - бу синф олдида менинг обрўимни пасайтиради”).

2-вариант. Ўқитувчи саволни эътиборсиз қолдиради, унга жавоб бермайди ва ўқувчилар эътиборини бошқа мавзуга қаратади (“Сиз, ўқитувчи, бир нарсани билмаслигингизни тан олишингиз, бу сизнинг педагогик қобилиятсизлигингиз ва саводсизлигингизга ишора қилиш демакдир”).

3-вариант. Ўқитувчи тўғридан-тўғри жавобдан қочишга уриниб, мулоҳаза юритишга киришади. (“Ўқитувчи ҳар доим ҳам ҳар қандай саволга жавоб беришга тайёр бўлиши керак, ҳатто ўқувчиларни йўлдан оздириш керак бўлса ҳам”).

Ҳар бир кичик гуруҳ ушбу вазиятни муҳокама қилиши, вариантлардан бири бўйича жамоавий қарор қабул қилиши ва нима учун бу вариантни танлагани, қандай эътиқодларга асосланганлигини тушунтириши керак.

Шу билан бирга, ҳар бир кичик гуруҳ янада конструктив ва самарали бўлган бошқа хатти-ҳаракатларни таклиф қилиши мумкин (керак). (Ҳатто ўқитувчи ўқувчиларга тўғридан-тўғри ҳозирги пайтда у жавоб бера олмаслигини айтиши керак, аммо кейинги дарсда у албатта тўғри жавобни беради).

Ушбу машқ ўқитувчининг ижодкорона тафаккури ва ижодий қобилиятини фаоллаштиради ва ривожлантиради.

III Босқич – Яқунлаш.

Материаллар: синов бланкалари қоғоз. Ручкалар. Вақт: 60 дақиқа.

3.1. “Ижодкорлик” услуби бўйича тест ўтказиш – инсоннинг ижодий мойиллигини ва ижодкорлик профилининг диагностикаси (Н. Вишнякова тести). Бошловчи гуруҳга ушбу тест одамнинг ижодий мойиллиги даражасини очиб беришга ва “Мен – ҳақиқий” ва “Мен–мукамал” образлари асосида ижодкорлик профилини яратишга имкон беришини тушунтиради. Ушбу иккита тасвирни таққослаш шахснинг ижодкорлик захирасини ва ижодий салоҳиятини аниқлашга имкон беради. Бошловчининг

Ўзи машғулотлардан сўнг тест натижаларини таҳлил қилади ва кейинги машғулотда гуруҳга бу ҳақда хабар беради.

3.2. “Ижодий ҳаёт” машқи.

Иштирокчилар 4-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлашадилар, вазифани қабул қиладилар: “Ўзларининг ишларини ва ҳаётларини ижодий қилишларига” имкон берадиган тавсиялар рўйхатини келтириш ва уларни ёзиб олиш. Кейин ҳар бир кичик гуруҳ ўзларининг тавсияларини тренингнинг барча иштирокчиларига тақдим этадилар.

Ишлаб чиқилган тавсиялар ҳақиқий бўлиши керак, ва бунда иштирокчилар уларни машғулотдан кейин ўз ишларида, ҳаётларида бажаришлари мумкин бўлиши керак.

Машқнинг мақсади – иштирокчиларнинг ижодий қобилиятлари ҳақидаги ғояларини фаоллаштириш ва умумлаштириш ва уларнинг ишда ва ҳаётда қўлланилишини топишдир.

3.3. Тренинг натижаларининг самарадорлигини баҳолаш.

Сўровномани тўлдириш, машғулот натижаларини гуруҳда муҳокама қилиш ва хулоса қилиш.

Сўнгра бошловчи машғулот иштирокчиларига миннатдорчилик билдиради ва “Хайрлашиш” маросимини ўтказди.

Иштирокчилар жуфтларни ташкил қилишади ва бир– бирларининг қўлларини ушлаб, “Оқим” болалар ўйнида бўлгани каби, бошловчига қараб икки қаторда туришади. Охири жуфтликнинг битта аъзоси саф ичида ҳаракат қилади ва ҳамма, ўз навбатида, уни мақтайди ва ҳаётда, ишда муваффақиятлар тилайди. Қатордан ўтгандан сўнг, ушбу иштирокчи қаторлар олдида туради, иккинчиси эса унга қараб ҳаракатлана бошлайди ва барча иштирокчилар ҳам уни мақташади ва унга муваффақиятлар тилайдилар. “Хайрлашиш” маросими барча иштирокчилар – қаторлар ичидан ўтгандан кейин тугайди.

II. Педагогик мулоқот соҳасида ўқитувчининг коммуникатив - ижодий ваколатини ривожлантириш учун тренинг технологияси (тавсиялар).

2.1. Инновацион тренинг – технологиялар ҳақида тушунча (1 соат).

Кириш: умумий тушунчалар, мулоқот ва гуруҳда ўзини тутиш қоидалари. Тренинг иштирокчиларининг танишиши ва таништирилиши (ўзини таништириш). Машқ: “Менинг яхши ишларим”. Мини-маъруза: “Ўқитувчини ижодий фаолиятининг соҳалари: услубий ижодкорлик; коммуникатив ижодкорлик; ўз-ўзини ижодий ривожлантириш. Ўқитувчининг коммуникатив - ижодий ваколати”. Иш шакллари, усуллари: суҳбат. Иштирокчиларнинг ўзини тақдим этиши. Машқлар. Мини-маъруза Муҳокамаси.

2. 2. Педагогик мулоқатнинг индивидуал услуги (1,5 соат).

Мини-маъруза: “Мулоқат ва коммуникация тушунчалари. Педагогик мулоқат. Педагогик мулоқат моделлари. Педагогик мулоқатнинг индивидуал услуги”. “Қарама-қарши далиллар” машқи (иштирокчилар қоғоз варақаларини икки қисмга ажратадилар; чап томонига “Ўзидан норозилик”;

ўнг томонда “Ўзини қабул қилиш” деб ёзадилар; ҳар бир иштирокчининг қайд этилган камчиликлари ва афзалликлари ўқитувчининг индивидуал педагогик мулоқот услуги билан боғлиқ ҳолда жавоблар муҳокамаси ўтказилади. “Ўқитувчи – ўқувчилар” ролли ўйин. Бошловчининг шарҳлари, ўйинни таҳлил қилиш ва гуруҳда натижаларни муҳокама қилиш. “Қайта алоқа” сўровномаси. Иш шакллари, усуллари: Мини-маъруза. Машқлар. Ролли ўйин. Видео ёзув. Мунозара. Сўровнома.

2.3. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятлари, кўникмалари ва қобилиятлари (1,5 соат).

Мулоқотда шерикнинг коммуникатив тури: доминант, доминант бўлмаган, қатъий, мослашувчан тип. Машқлар: “Риторика”, “Максималистлар”, “Экспектация ва мослашув”. Мунозара. Бошловчи тренинг қатнашчилари нима дейишлари ва нима қилаётганликлари, ва ушбу гуруҳдаги мулоқот билан боғлиқ шахсий муаммолари борлигига асосий эътиборни қаратади. Мунозара мавзуси–мунозара давомида ўзаро муносабатларнинг шаклланишида иштирокчиларнинг бир-бирларини қабул қилиши ва баҳолаши. “Бу ерда ва ҳозир” тамойили бўйича гуруҳ нима қилаётганини гуруҳ ичида таҳлил қилиш. Мунозара натижасида тренинг иштирокчиларининг мулоқот қобилиятлари, “бошқа одамни тушуниш” қобилияти, ҳамдардлик ва умумий коммуникатив - ижодий қобилияти ривожланади. Натижаларни муҳокама қилиш. Иш шакллари, усуллари: Мини-маъруза. Машқлар, Мунозара. Муҳокама.

2.4. Ўқитувчининг педагогик стереотипи ва субъектив ўрнатмалар (1,5 соат).

Мини-маъруза: “Педагогик стереотиплар тушунчаси (консерватизм, таҳсил, ахлоқийлик; ўқувчиларни схематиклаштириш ва типиклаштириш; қийин педагогик вазиятларни субъектив соддалаштириш; даволат кўрсаткичлари паст ўқувчиларга нисбатан хурофот”; “ўқитувчи доимо ҳақ” ва бошқа ўрнатмалар). Педагогик стереотипларнинг салбий ва ижобий функциялари. “Ўқитувчининг субъектив ўрнатмалари”. Машқлар: “микроскоп”, “қувилган”, “нишон”, “шиор”, “индивидуаллик, салом”. Педагогик стереотиплар ва субъектив ўрнатмалар тўғрисида уларнинг фикрларини аниқлаш учун иштирокчиларни оғзаки сўрови. Иштирокчиларнинг нутқлари, мунозара. “Қайта алоқа” сўровномаси. Иш шакллари, усуллари: Мини-маъруза. Машқлар. Мунозара. Муҳокама. Сўровнома.

2.5. Ўқувчилар билан мулоқот қилиши ва ишлаш жараёнида ўқитувчининг акс этиши (1,5 соат).

Мини-маъруза “Ўқувчилар билан мулоқот қилиши ва ишлаш жараёнида ўқитувчининг акс этиши ҳақида тушунча”. Машқлар: “Менинг муваффақиятсиз ишларим”, “Мен гуруҳ нигоҳида”, “Муаммоли саволлар ва педагогик вазиятлар”. Мавзу бўйича мунозара. Инсоннинг ижодий фаоллигини диагностика қилиш методикасига мувофиқ тест ўтказиш (М.М. Кашапов, О.Н. Ракитская сўровномаси). Натижаларни мустақил қайта

ишлаш ва муҳокама қилиш. “Қайта алоқа” сўровномаси. Иш шакллари, усуллари: Мини-маъруза. Машқ. Сўровнома. Мунозара. Муҳокама.

2.6. Яқуний дарс (1 соат).

“Тренинг натижаларининг самарадорлигини баҳолаш” сўровномасини тўлдириш. Иштирокчиларнинг индивидуал натижаларини муҳокама қилиш ва тренинг натижаларини сарҳисоб қилиш. Иштирокчилар билан хайрлашиш маросими. Шахсий натижаларни гуруҳда муҳокама қилиш. Шахсий натижаларни гуруҳда муҳокама қилиш. 1 соат

III. Ўқитувчининг ижодий ваколатларини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун тренинг технологияси (тавсиялар).

3.1. Тренингнинг кириш қисми.

Ўйин. Машқлар. Мунозара. 1,5 соат

Тренингнинг мақсад ва вазифалари, гуруҳ қоидалари. Қоидаларнинг гуруҳ томонидан қабул қилиниши. Тренинг иштирокчиларининг танишуви (ўзини – ўзи тақдим этиш).

“Қоғоз сочиқларни олиш” ўйини. Бошловчи иштирокчиларни ҳисобга олмаган ҳолда, 10 дан ортиқ бўлмаган бир нечта қоғоз сочиқларни олишга таклиф қилади, шундан кейин ҳар бир иштирокчи ўзи ҳақида қанча қоғоз сочиқ олган бўлса, шунча фактларни айтиб беради. Ўйин иштирокчиларни таништиради ва муҳитни енгиллаштиради. Кейин бошловчи иштирокчиларнинг тақдимотларини (доира шаклда) ва фикр алмашишларини ташкил қилади.

“Карусел” машқи. Бошловчи гуруҳга шундай кўрсатма беради: “Контактлар ўрнатиш қобилияти одамга ижтимоий муҳитда ўзини янада ишончли ҳис қилиш имконини беради. Ҳозир биз ҳар сафар янги одам билан учрашувлар ўйинини ўтказмоқчимиз. Сиз осонгина ва ёқимли равишда алоқага киришингиз, суҳбатни давом эттиришингиз ва у билан ёқимли тарзда хайрлашишингиз лозим. “Гуруҳ аъзолари турган ҳолатда икки доира ҳосил қиладилар. Ички доира ҳаракатсиз, иштирокчилар айлана марказига орқа томонлари билан туришади. Ташқи доира ҳаракатчан, иштирокчилар айлана марказига қараб турадилар, яъни ички доира аъзоларига қараган ҳолда.

“Бошладик” буйруғи билан жуфтликлар бир-бирларига ўзларини таништирадилар ва илтифот айтадилар. Ҳамма яқунлагандан сўнг, бошловчи “Ўтиш” буйруғини беради. Ташқи ҳаракатланувчи айлананинг иштирокчилари ўнг томонга 1-2 қадам ташлайдилар ва шу тариқа уларнинг олдида жойлашган ички доирадаги шерикларни ўзгартирадилар.

Сўнгра бошловчи вазият - учрашув тўғрисида гапирди:

“Сизнинг қаршингизда ўқувчи, у синф олдида доскада жавоб беришдан кўрқмоқда. Суҳбатни бошланг ва уни тинчлантиринг. Вақт 2-3 дақиқа. “Мактабда ёмон ўқиган ўқувчининг онаси олдингизга келди. У нафақат боласидан, балки фарзанди билан бўлган муносабатингиздан ҳам норози эканлиги аниқ. У бу бола ҳақида сизнинг фикрингизни тушуниши ва қабул қилиши учун у билан мулоқотга киришг. Вақт 5 дақиқа. Изоҳ: Бошловчи иштирокчилар эътиборини нафақат уларнинг қандай алоқа ўрнатишлари, балки суҳбатни қандай яқунлашларига ҳам аҳамият қаратади.

Машқдан сўнг иштирокчилар нима бўлганлиги, дарс давомида қандай тажриба тўплаганликлари ҳақида мунозара ўтказадилар.

3.2. Ўқитувчининг ижодий ваколоти.

Мини-маъруза. Машқлар. Сўровнома. Мунозара. 1,5 соат

Мини-маъруза: “Ижодий ваколат тушунчаси. Ўқитувчининг долзарб ва потенциал ижодий ваколоти”.

“Менинг исмим” машқи (исмингизни устунга ёзинг; ҳар бир ҳарф учун ижобий хусусиятни танланг; барча тренинг қатнашчиларига ўқинг. Масалан: Ирода, “И” ҳарфини бўяб қўйинг - истеъдодли, интеллектуал, ишчан ва бошқалар ҳарфларга ҳам худди шундай).

“Суперскрепка” машқи (гуруҳ 2 та кичик гуруҳга бўлинади, уларнинг ҳар бирига А4 варақ берилади. Вазифа – қоғоз вараққа канцеляр скрепкасидан фойдаланишнинг барча усуллари эзишдир. Амалга ошириш вақти 10 дақиқагача. Вазифа бажарилгандан сўнг кичик гуруҳлар ўзларининг вариантларини тақдим этадилар, канцеляр скрепкасини ишлатишнинг энг оригинал усулларидадан максимал даражада фойдаланган гуруҳ ғолиб деб ҳисобланади.

“Ўқитувчининг ижодий ваколоти мустақил баҳолаши” сўровномаси. Жавобларни мустақил қайта ишлаш. Иштирокчиларнинг тақдимотлари, фикр алмашиш ва натижаларини муҳокама қилиш.

3.3. Ўқитувчининг ижодкорона фикрлаши

Мини-маъруза. Ўйин. Машқлар. Мунозара. 1,5 соат

Мини-маъруза: “Ижодкорона фикрлаш тушунчаси ва унинг ўқитувчининг ижодий ваколатларини ривожлантиришдаги ўрни”.

“Нима нимага ўхшайди?” ўйини (ижодкорона фикрлаш ассоциациясини ривожлантириш). 3-4 кишилик гуруҳдан – “тахмин қилувчилар” эшикдан чиқиб кетишади. Ўйиннинг қолган иштирокчилари қайси буюмни таққослаш тўғрисида келишиб оладилар. Иштирокчилар киришади ва бошловчи бошлайди: “Мен ўйлаган нарса бунга ўхшайди ...” ва биринчи бўлиб таққослашни топиб, қўлини кўтарган кишига сўз беради: Масалан, соч учун такинчоқ гул, капалак, вертолёт айлантиргичи, ён томонида жойлашган “8” рақами билан мослаштира бўлади. Буюмни топа олган иштирокчи янги аъзоларни танлайди ва ассоциация учун кейинги буюмни таклиф қилади.

“Сарлавҳалардан ҳикоя (ижодкорона фикрлашни ривожлантириш)” машқи. Тренинг иштирокчилари 3 - 4 кишилик кичик гуруҳларга бўлинадилар ва алоҳида столларда ўтирадилар. Бошловчи уларга газеталарни тарқатади ва вазифани бегилайди – битта газетадан мақолаларнинг сарлавҳаларини ёзиб, сўнгра улардан ҳикоя тузиш. Ушбу ҳикоя мантикий бўлиши керак. Агар ҳикоя ёзаётганда, қўшимча сўзларни киритишингиз керак бўлса (газетанинг сарлавҳалари эмас), демак, воқеа тўқис чиқмайди. Сарлавҳалар қанча кўп бўлса, ҳикоя қанчалик узун бўлса, кичик гуруҳнинг муваффақияти шунчалик катта бўлади.

Топшириқнинг бошқа бир вариантини бажариш мумкин, газетадан расм, фотосурат олишингиз ва у учун сарлавҳангизни танлашингиз мумкин.

Бу ҳақиқатан ҳам ушбу расмга, фотосуратга тўғри келади “тегишли” номдан ташқари ҳар қандай сарлавҳа бўлиши мумкин. Кейин ҳикояга бундай кичик сарлавҳаларни киритинг. Комбинация ҳам жиддий, ҳам кулгили бўлиши мумкин (кулгили комбинацияни танланган маъқул).

Шундан сўнг, ҳар бир кичик гуруҳ ўз ҳикоялари такдимотини ўтказди; кейин гуруҳ муҳокамаси.

Натижада, энг яхши воқеа умумий овоз бериш йўли билан аниқланади.

Эйнштейн топишмоқ.

(Топишмоқ муаллифи Алберт Эйнштейн. У буни ўтган асрнинг бошларида ихтиро қилган ва одамларнинг 98% и уни ҳал қила олмаслигига амин эди. Ўшандан бери фоизлар ўзгармаган. Бу классик топишмоқ ва ҳар бир ижодкор уни камида бир марта ҳал қилишга ҳаракат қилиши керак).

1. Турли хил рангдаги бешта уй бор: қизил, яшил, оқ, сариқ ва кўк.

2. Ҳар бир уйда маълум бир миллат эгаси яшайди: немис, швед, даниялик, норвегиялик ва инглиз.

3. Уларнинг ҳар бири бир ичимлик турини ичади, битта марка сигарет чекади ва битта уй ҳайвонини сақлайди.

4. Шахсларнинг ҳар бири гуруҳ ичида ўзига хос (ичимлик, сигаретанинг маркаси, ҳайвонлар такрорланмайди!).

Савол: “Кимнинг уйида балиқ яшайди?”

1. Инглиз қизил уйда яшайди.

2. Швед итни боқади.

3. Даниялик чой ичади.

4. Яшил уй оқ уйнинг чап томонида жойлашган.

5. Унда яшовчи киши кофе ичади.

6. Pall Mall чекувчиси қуш боқади.

7. Ўртада жойлашган уйда яшовчи киши сут ичади.

8. Сариқ уйда яшовчи киши Dunhill чекади.

9. Норвегиялик биринчи уйда яшайди.

10. Marlboro чекувчиси мушук эгасининг ёнида яшайди.

11. От эгаси Dunhill чекувчининг ёнида яшайди.

12. Winfield чекувчиси пиво ичади.

13. Норвегияликнинг уйи - кўк уйнинг ёнида.

14. Немис Rothmans чекади.

15. Marlboro чекувчиси сув ичадиган кишининг ёнида яшайди.

Тўғри жавоб: балиқ немис уйида яшайди.

Дарс юқоридаги машқларни бажарилишининг муҳокамаси билан яқунланади.

3.4. Ўқитувчининг ижодий ваколоти ва касбий бузилишлари

Мини-маъруза. Машқлар. Сўровнома. Мунозара. 1,5 соат

“Ўқитувчининг ижодий ваколоти ва касбий бузилишлари” мини-маърузаси.

Машқлар: “МЕН ким?”, Автопортрет.

“Ўқитувчи касбий бузилишларини мустақил баҳолаши” сўровномаси. Жавобларни мустақил таҳлил қилиш ва натижаларни муҳокама қилиш.

Ўқитувчининг шахсий ва ижодий мақбул фазилатларининг рўйхатини тузиш. Муҳокама ва касбий бузилишларни мустақил тузатиш бўйича тренинг иштирокчиларига бошловчининг тавсиялари.

3.5. Ўқитувчининг касбий- ижодий ўз-ўзини ривожлантириши.

Мини-маъруза. Машқлар. Сўровнома. Мунозара. Тавсиялар ишлаб чиқиш. 1,5 соат.

“Ўқитувчининг касбий - ижодий ўз-ўзини ривожлантириши” мини-маърузаси.

Ўз-ўзини ривожлантиришнинг асосий функциялари:

- экстенсив (янги билимларни тўплаш, эгаллаш);
- тахминий (ўзини касбий талаблар тизимида, жамиятдаги, мактабдаги ўз ўрнини англаш); компенсатор (камчиликларни бартараф этиш, ўз таълимидаги “оқ доғлар” ни йўқ қилиш);

- ўз-ўзини ривожлантириш (шахсий, касбий ва ижодий фазилатларни такомиллаштириш; ўз тафаккурининг инерциясини енгиб ўтиш; билим турғунлигининг олдини олиш ва касбий-ижодий ўз-ўзини ривожлантириш);

- коммуникатив (бошқалар билан алоқалар ва конструктив муносабатлар ўрнатиш);

- ижодий ҳамкорлик – жамоанинг ижодий ишларини тарғиб қилиш, ҳамроҳлик қилиш, унга мажбурий қўшимчалар қилиш.

“3 дан 1” машқи (ижодкорона хулқ-атвор ва муносиб ўз-ўзига баҳо бериш омили сифатида фикрлаш ҳаракатчанлигини машқ қилиш).

Бошловчи залда бўр билан доира чизади, уни учта майдонга ажратади, уларда 1,2,3 рақамларини ёзади.

Кейин у гуруҳ олдига вазифа қўяди: Мен сизга бир қатор саволлар бераман, унга кўра биз сизнинг шахсингиз хусусиятларини метафора орқали аниқлашга ҳаракат қиламиз. Тасвирнинг маъноси ҳақида ўйлаб кўринг, қайси вариант сизга энг яқин эканлигини аниқланг ва ўзингизни танловингизга мувофиқ, ўйин майдончасида рақамли жойни танланг.

– Сиз кимсиз: фрак, футболка ёки ҳарбий кийимми?

– Сиз кимсиз: бола, етук одам, нафақахўр? (гап "психологик ёш", яъни инсоннинг ўзини ўзи неча ёшда ҳис қилиши ҳақида кетмоқда)

– Сиз кимсиз: қишлоқ, шаҳар, пойтахт?

– Сиз кимсиз: сув, олов, ерми?

– Сиз кимсиз: чодир, хонадон, дала уй?

– Сиз кимсиз: “Рухсатсиз киришга таъқиқланган!” “Тез орада қайтаман” “Хуш келибсиз” .ёзувли кўрсаткичсиз.

– Сиз кимсиз: велосипед, мотоцикл, машина?

– Сиз кимсиз: ўтмиш, ҳозир, келажак?

– Сиз кимсиз: эркин рассом, ёлланма ишчи, компания раҳбари?

Ўйин муҳокамаси:

– Сизга нима ёқди ва нима ёқмади?

- Қайси саволга жавоб энг муаммоли бўлган?
- Қайси саволга жавоб бериш энг осон бўлган? Нима учун?
- Жамоадошларингиздан бирини танлови сизни ажаблантирдими?
- Ўйин давомида ўзингиздан нимадир кашф этишга муваффақ бўлдингизми?

“Ўқитувчининг касбий - ижодий ўз-ўзини ривожлантиришининг мустақил баҳолаши” сўровномаси.

Сўровномадаги жавобларни мустақил таҳлил қилиш ва натижаларни муҳокама қилиш. Барча тренинг қатнашчиларига касбий-ижодий ўз-ўзини ривожлантириш бўйича (ёзма равишда) гуруҳ фикрлари ва тавсияларини ишлаб чиқиш.

Ролли ўйинлар орқали ўқитувчининг касбий - ижодий ўз-ўзини ривожлантириши

“Ўқитувчининг касбий - ижодий ўз ўзини ривожлантиришида ролли ўйинларнинг аҳамияти” мини-маърузаси. Бошловчи вазифани - вазиятни белгилайди: Мактабдаги педагогик кенгаш йиғилиши ва кейин “Ота-оналар йиғилиши”. Тренинг иштирокчилари “директор”, “бош ўқитувчи”, “ўқитувчи”, “ота-она”, “муваффақиятсиз ўқувчи” ролларини ўйнайдилар. Ушбу ролли ўйин тугагандан сўнг, фикр алмашиш, ҳиссий таассуротлар ва мунозаралар бўлиб ўтади. Мини-маъруза. Ролли ўйин. Мунозара. Муҳокама. 1,5 соат.

Якуний дарс, тренингнинг якуний натижаларини муҳокама қилиш
Суҳбат. Сўровнома. 1 соат.

Тренинг натижаларининг самарадорлигини баҳолаш учун сўровнома. Сўровномадаги мустақил таҳлил қилиш ва натижаларни муҳокама қилиш.

Тренинг иштирокчилари учун “Хайрлашиш” маросими ва тилаклар.

Тренингга иловалар

“Қайта алоқа” сўровномаси

Иштирокчининг тренингдаги исми _____

Машғулот санаси _____

Иштирок этиш даражасини мустақил баҳолаши: 0 1 2 3 4 5.

1. Дарсга кўпроқ жалб қилинишингизга нима халақит беради?

2. Дарс давомида сизнинг асосий хатоларингиз:

А) ўзингизга нисбатан _____

Б) бошқаларга нисбатан _____

С) бошловчига нисбатан _____

3. Сизга ўзингиз учун яхшироқ нарсани тушунишингиз, ниманидир англашингиз, шахсий муаммони ҳал қилишингизда машғулот давомида ёрдам берган энг муҳим мавзулар, суҳбатлар, машқлар ва вазиятлар:

4. Ушбу машғулотларда сизга нима ёқмади?

5. Бошловчига шарҳларингиз ва тилакларингиз:

Тренинг натижаларининг самарадорлигини баҳолаш учун сўровнома

Гуруҳ _____

Ф.И.Ш. _____

Илтимос, баҳо беринг: қуйидаги шкала бўйича тренинг давомида белгиланган мақсадларга қандай эришилди:

Тўлиқ эришилди	Умуман олганда эришилди	Қисман эришилди	Деярли эришилмади	Умуман эришилмади
5	4	3	2	1

1. Гуруҳдаги ўзингизни хулқ атворингизни англаш _____
2. Бошқа иштирокчиларнинг хулқ атворини англаш _____
3. Хулқ атворингизни яхшилашга имкон берадиган янги билим ва кўникмаларни эгаллаш _____
4. Мунозарани мақсадли равишда бошқариш имкониятини берадиган билим ва кўникмаларни эгаллаш _____
5. Бошқа иштирокчиларни тушуниш ва тушунмовчиликларни бартараф қилиш учун зарур билим ва кўникмаларни эгаллаш _____
6. Бошқа одамларга таъсир ўтказиш ва уларни ишонтириш учун билим ва кўникмаларни эгаллаш _____
7. Вақтни тежаш учун ўз фикрларингизни қисқа ва тушунарли ифода эта олиш қобилияти _____
8. Муҳокама қилишда белгиланган мақсадларга эришиш учун имконият берадиган билим ва кўникмаларни эгаллаш _____
9. Сиз янги билимлар, коммуникатив қобилиятлар ва кўникмалар олишга муваффақ бўлдингиз _____
10. Сизнинг касбий малакангизни ошириш учун зарур бўлган бошқа янги билимлар, кўникмалар олишга муваффақ бўлдингиз _____

Умумий баҳо, жами баллар _____

Тренинг қатнашчилари бешталик шкала бўйича баҳо (балл) беришади.

Максимал баллал 50 балл, минимал баллар 10 балл.

Ижтимоий психологик тест натижалари самарадорлигини баҳолаш шкаласи:

50 - 41 б. – юқори самарадорлик

40 - 31 б. – ўртача юқори самарадорлик

30 - 21 б. – ўртача самарадорлик

20 - 11 б. – ўртача паст самарадорлик

10 б. ва камроқ – паст самарадорлик

Баҳолар қўйилгач ва баллар ҳисоблангандан сўнг, сўровномалар бошловчига топширилади, у гуруҳнинг умумий розилиги билан тренинг натижаларининг самарадорлиги бўйича шахсий баҳолар тўғрисида хабар беради.

**“Ўқитувчининг ижодий ваколатларини мустақил баҳолаш”
сўровномаси (муаллифлик ишланма)**

№	Тасдиқлар, мустақил баҳолаш учун саволлар	Баллар
1	Мен мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида юзага келадиган қийин педагогик вазиятларни таҳлил қиламан.	
2	Ўқувчиларнинг муаммолари, камчиликлари, ўқув жараёнидаги муваффақиятсизликлар менинг ижодий фаолиятимни рағбатлантиради.	
3	Мен ўқувчилар билан ижодий иш олиб боришимда ёрдам берадиган адабиётларни ўқийман.	
4	Мен дарсда ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил қиламан, уларнинг билим олишга ижодий муносабатини тарбиялайман.	
5	Мен нафақат истеъдодли, иқтидорли болалар, балки бошқа “заиф” ва “ўртача” ўқувчиларнинг ҳам муваффақиятларини рағбатлантираман.	
6	Мен бошқа ўқитувчиларнинг илғор педагогик ва ижодий тажрибаларини ўрганаман, ўқувчилар билан ишлашда қўллайман.	
7	Мен ижодий ишларимни таҳлил қиламан ва бунга вақт ажратаман.	
8	Ўқувчилар учун таваккал қилишим мумкин, ҳатто мактаб ёки туман маъмурияти буни ёқтирмаса ҳам.	
9	Мен ўқувчилар билан ишлашда янги педагогик технологияларни ўрганаман ва қўллайман.	
10	Мен янада малакали ва ижодкор ўқитувчи бўлишга интиламан.	
	Жами баллар	

**Касбий - ижодий ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятини мустақил
баҳолаш сўровномаси (муаллифлик ишланма)**

№	Тасдиқлар	Баҳо
01	Мен кўпинча ўзимни ўрганишга интиламан.	
02	Мен банд бўлишимга қарамай, ўзимни касбий-ижодий ривожланишим учун вақт ажратаман.	
03	Ишда юзага келадиган муаммолар менинг ижодимни рағбатлантиради.	
04	Менинг шахсиятим ва фаолиятим бошқалар томонидан баҳоланиши керак, чунки бу ўзимни ва ишдаги камчиликларимни яхшироқ билишга ёрдам беради.	
05	Мен доимий равишда ижодий ишларимни таҳлил қиламан ва бунга вақт ажратаман.	
06	Мен ҳис-туйғуларимни ва касбий тажрибамни таҳлил қиламан.	
07	Ўқувчилар билан ижодий иш олиб боришда менга ёрдам берадиган кўплаб адабиётларни ўқийман.	
08	Мен учун қизиқ бўлган касбий масалалар бўйича баҳслашаман.	
09	Мен ўз имкониятларим ва касбий қобилиятларимга ишонаман.	
10	Мен кўпроқ ваколатли ва ижодий бўлишга интиламан.	
11	Мен бошқа одамларнинг менга таъсирини англайман.	
12	Мен ўзимни касбий ривожлантириш билан шуғулланаман ва ижобий натижаларга эгаман.	
13	Мен янги маълумотларни ўрганиш ва ўзлаштиришдан завқланаман.	
14	Мен катта масъулиятдан қўрқмайман.	
15	Мен ўзимни касбий-ижодий ривожлантиришимга ижобий муносабатдаман.	
	Жами баллар	

Бошловчи иштирокчиларга уларнинг касбий - ижодий ўзини ривожлантириш мақсадлари ва вазифаларини тушунтиради. Сўнгра иштирокчилар “Касбий - ижодий ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятини мустақил баҳолаш” сўровномасини тўлдирадilar.

Кўрсатмалар:

Сизни ушбу сўровнома баёотларига жавоб беришга ва "Баллар" устунига қуйидаги баҳоларни киритишга таклиф қиламиз:

5 балл – агар баёот тўлиқ тўғри бўлса;

4 балл – баёот кўпроқ мос келади, йўқдан кўра;

- 3 балл – баъзида мос келади;
- 2 балл – аксинча мос келмайди;
- 1 балл – жавоб беришга қийналаман.

Кейин балларнинг умумий миқдорини ҳисобланг ва "Умумий баллар" устунига ёзинг.

Ўзингизнинг касбий ривожлантириш қобилиятингизни қуйидаги мезонлар бўйича аниқлашингиз мумкин:

75 - 55 балл – “фаол касбий- ижодий ўз- ўзини ривожлантириш”;

54-36 балл – “вазиятли касбий - ижодий ўз-ўзини ривожлантириш”, бу иш шароитлари, вазиятлар ёки бошқа одамларнинг таъсирига боғлиқ;

35-15 балл – “тўхтаган касбий - ижодий ўз-ўзини ривожлантириш”. Сиз ижодий ўз-ўзингизни ривожлантиришга интилмайсиз.

Бошловчи иштирокчиларнинг жавобларини тўплайди, уларга шарҳлар беради ва қуйидагиларни тушунтиради:

“Фаол касбий-ижодий ўз-ўзини ривожлантириш”га эга бўлган ўқитувчилар мустақил ва доимий равишда ўзларининг касбий-ижодий ваколатларини такомиллаштириш устида ишлашади. Улар барқарор касбий муносабат ва ижодий ўз-ўзини ривожлантириш учун юқори қобилиятга эгадирлар.

“Вазиятли касбий - ижодий ўз-ўзини ривожлантириш”га эга бўлган ўқитувчилар мустақил равишда, лекин доимий эмас, ўзларининг касбий - ижодий ваколатларини такомиллаштириш устида ишламоқдалар. Бу уларнинг ишларида юзага келадиган вазиятларга, ўқувчилар ёки ҳамкасблар билан муносабатларга боғлиқ. Улар беқарор касбий муносабат ва ижодий ўз-ўзини ривожлантириш учун кам ривожланган қобилиятга эгадирлар.

“Тўхтаган касбий-ижодий ўз-ўзини ривожлантириш” га эга ўқитувчилар ўзларининг касбий - ижодий ваколатлари даражасини етарлича кўтаришмайди. Уларда тегишли касбий муносабат ва ижодий ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти шаклланмаган.

“Фаол ва вазиятли ўз-ўзини ривожлантириш” пасайишининг асосий сабаблари, шунга мос равишда “тўхтаб қолган ўз-ўзини ривожлантириш” индикаторининг ўсиши педагогик фаолият жараёнида, умумий мактабда иш стажи сифатида шаклландиган муносабатларда ўқитувчиларнинг индивидуал - психологик хусусиятлари, шунингдек, улар билан боғлиқ касбий стереотиплар, бузилишлар ва субъектив ўрнатмаларга боғлиқдир.

Сўнгра иштирокчилар сўровнома натижаларини муҳокама қиладилар, “тўхтаган ва вазиятли ўз-ўзини ривожлантириш” сабаблари тўғрисида умумий гуруҳ фикрини ишлаб чиқадилар, “фаол ўз-ўзини ривожлантириш” ни амалга ошириш йўллари излайдилар ҳамда тренингнинг ҳар бир иштирокчисига тавсиялар берадилар.

Қўлланилган манбалар: Т.М. Шамова (1992). Асадов Ю.М. Касбий маҳоратни ривожлантириш омиллари сифатида ўқитувчининг шахсий-психологик хусусиятлари. Тошкент: М. Улуғбек номидаги ЎМУ, 2007 йил.

“Ижодкорлик” тести (Вишнякова Н.Ф.)

“Ижодкорлик” тести шахснинг ижодий мойиллиги даражасини аниқлаш ва психологик ижодкорлик профилини шакллантиришга имкон беради, “Мен–ҳақиқий” образининг ижодкорона таркибий қисмини ва “Мен–мукаммал” образининг ғоясини акс эттиради.

“Мен–ҳақиқий” ва “Мен–мукаммал” деган икки ижодкорлик қиёфасини таққослаш шахснинг ижодкорлик захирасини ва ижодий салоҳиятини аниқлашга имкон беради.

Сизни тест саволларига жавоб бериш орқали ўзингизнинг шахсий фазилатларингизни мустақил равишда баҳолаш таклиф этилади. Саволларни диққат билан ўқинг. “Мен–ҳақиқий” ва “Мен–мукаммал” устунларига саволга ижобий жавоб бўлса “+” белгисини қўйинг, салбий жавоб бўлса “-” белгисини қўйинг. Жавоб ҳақида узоқ ўйланманг, чунки биринчи импульсив жавоб одатда тўғри. Самимий бўлинг!

№	Индекс	Саволлар мазмуни	Қиёфа Мен –ҳақиқий	Қиёфа Мен –мукаммал
1.	М	Қандай сабаблар сизни янги нарса яратишга мажбур қилишига қизиқасизми?		
2.	Л	Ўзингизнинг қизиқишингиз туфайли муаммога дуч келасизми?		
3.	О	Яхши нарсани оригинал тарзда такомиллаштиришга сизда хоҳиш пайдо бўладими?		
4.	В	Ижтимоий жиҳатдан янги нарсаларни яратиш орқали машҳур бўлишни орзу қиласизми?		
5.	И	Хавфли вазиятларда сиз сезгингизга ишонасизми?		
6.	Э	Сизнинг фикрингизча, зиддиятли вазиятларда ҳиссий танглиқдан қочиш мумкинми?		
7.	Ю	Агар сизни масҳара қилсалар, ҳазил билан жавоб берасизми?		
8.	П	Агар имконият юзага келса, сиз кўпроқ маошлик, аммо ижодий томондан камроқ ишга ишингизни алмаштираасизми?		
9.	М	Қабул қилаётган қарорингизнинг оқибатларини ўйлаб чиқасизми?		
10.	Л	Агар сиз хавф-хатарга дуч келсангиз, янги нарсаларни ўрганиш сиз учун қизиқишни тўхтатадими?		
11.	О	Сиз қачондир нарсаларни улар белгиланмаган тартибда қўллаганмисиз?		
12.	В	Қандайдир ҳаққоний вазият ҳақида гапириб берганда, сиз хаёлий тафсилотларга мурожаат қиласизми?		
13.	И	Экстремал вазиятларда сезгиларга қараганда ақлнинг овозини тинглайсизми?		
14.	Э	Ижодий жараён сизни ҳиссий жиҳатдан қониктирадими?		
15.	Ю	Сиз ҳазиллашишни ва ўз устингиздан қулишни ёқтираасизми?		
